

Jamoatchilik kengashi raisi:
Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:
Najmiddin Jiyanov
Abulqosim MAMARASULOV
Minhojiddin MIRZO
Feruza MUHAMMADJONOVA
Ahmad OTABOYEV
Shuhrat SIROJIDDINOV
Ahmad USMONOV

Bosh muharrir:
Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari:
Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib:
Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:
Bobur ALIMOV
Iqbol MIRZO
Abduqayum YO'LDOSHEV
Abdusaid KO'CHIMOV
Sirojiddin SAYYID
Alisher NAZAR
O'rozboy ABDURAHMONOV

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Manzilimiz:
Toshkent. sh.
O'zbekiston shohko'chasi, 16-"a" uy.

E-mail: yoshlik-xatlar@rambler.ru

Tel/fax: (8371) 227-0-227,
245-5-793, 245-0-552



© "Yoshlik" № 6 (258) 2012-y.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
"Kamolot" yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi
yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali
1982-yildan chiqa boshlagan.

MUNDARIJA

MINBAR	
Asad ASIL. Zafar uchun shaymisiz, yoshlar?	2
MULOQOT	
Ahmad A'ZAM. Adabiy asar – til hodisasi.	4
ADIB XONADONIDA	
O'roz HAYDAR. Ruhiyat farroshi.	11
NASR	
Ne'mat ARSLON. Ko'ngil tubidagi dunyo. Hikoyalar.....	16
NAZM	
HUMOYUN. Intilganing sayin olislar tog'lar.	34
Orif HOJI. Suv bo'lib oqqay o't uzra muzmi bu yo dilmi bu?	48
Shukur QURBON. Kino tasmasiday charx urar hayot.	54
JAJJI TADQIQOT	
Rustam MANNOPOV. Bedor qalb tug'yonlari.	33
KITOBINGIZNI O'QIDIM	
Rahmon QO'CHQOR. Ixlos va shijoat.	36
MUTOLAA	
Adhambek ALIMBEKOV. Izlanuvchanlik.	50
JAHON HIKOYACHILIGI	
Emili KARL. "Yashashga haqqingiz bor". Hikoya.	52
BIRINCHI UCHRASHUV	
Dinora RAHIMOVA. Qishloqdagi buvijonim. Qissa.	38
MUNOSABAT	
Gulhoyo UZOQOVA. Rep haqida gap.	56
TUYG'U	
Muxlisa HAMROYEVA. She'rga sig'magan tuyg'ular.	58
BIR SAVOLGA BIR JAVOB	
Yulduz FAYZIY. Baxt nima?	59
TADQIQOT	
Toshtemir TURDIYEV. Satrilarda Surxon surati.	60
YOSHLAR OVOZI	
Fayozbek RUSTAMOV. Taraqqiyot tayanchi.	62
YELPUG'ICH	
Temur QURBON. To'qilmagan hikoyalar.	63

Bosishga 10. 07. 2012 yilda ruxsat berildi. Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 8,7. Indeks 822.
ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan № 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Yoshlik"dan olindi" deb izohlanishi shart.
"O'qituvchi" NMIU bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 120-12. Adadi 3850 dona.
Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Yangishahar ko'chasi, 1-uy.



Асад АСИЛ

ЗАФАР УЧУН ШАЙМИСИЗ, ЁШЛАР?

“Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!” деган кўшиқни ҳар сафар тинглаганимда бошимдан кечирган қаро кунлару азоб-уқубатлар ёдимда жонланаверади. Биз – қирқ биринчи йилда туғилганлар не-не оғир кунларни кўрмадик! Эсимизни таниб улгурмай онамиздан айрилганмиз! Яна қай бирини айтай, оёғини танк мажақлаб кетган ногирон отамиз билан олти фарзанд чорасиз қолганимизни, турмуш ташвишларида ҳар куни минг бор ўлиб-минг бор тирилган ҳаётимизни!.. Уларнинг барини гапиришга ҳатто тил ожизлик қилади. Яхшиямки, Қодир Аллоҳ яратган она табиатнинг бағри бутун экан, бир амаллаб яшаб қолдик, табиий неъматлардан таъминланиб ўсдик-улғайдик. Чиндан ҳам атроф-муҳитдан ўзга таянчимиз йўқ эди. Айнан шунинг учун ҳозирги бахтиёр авлодга жуда-жуда ҳавасим келади! Ҳа, бизнинг Мустақил Ватанда ўғил-қизларимиз ҳар қанча фахрланса арзигулик ажойиб шароитларда яшамоқдалар. Юртбошимиз раҳнамолигида нафақат шаҳар, кўрғон ва қишлоқларда, балки энг чекка овуллар, кичик-кичик аҳоли пунктларида ҳам замонавий таълим-тарбия масканлари, кўркама ва тўқис тиббиёт мажмуалари, спорт иншоотлари ва бошқа зарурий шароитлар барпо этиб берилляпти. Улар барча керакли техник жиҳозлар билан ҳам тўлиқ таъминланган. Хуллас, яйраб-яшнаб билим олиш, меҳнат қилиш ва яшаш учун зарур ҳамма шароитлар муҳайё. Демак, энди бор куч ҳамда имкониятларимизни ишга солиб, она-Ватан равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида барчамиз, айниқса, баркамол авлод ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқлари ҳам қарз, ҳам фарз. Халқ ибораси билан айтганда, оқ ювиб-оқ тараётган, башанг кийинтириб, едириб-ичираётган юртимиз нон-тузини оқлашимиз шарт! Хўш, бу борадаги аҳвол қандай?..

Даставвал оилаларда тўғри ва яхши тарбия олиб, таълим масканларида ҳар тарафлама чуқур билимларни ўзлаштираётган фарзандларимиз ушбу масъулиятни тўла-тўқис ҳис этиб, Ватаннинг ҳақиқий фидойилари эканликларини амалда исбот этмоқдалар. Айнан шундай йигит-қизларимиз ҳур Ўзбекистоннинг доврўғини бутун олам узра тобора кенгроқ қулоч ёйдирмоқда. Эндиликда баркамол ёшларимиз дадил-дангал кириб бормаган бирон-бир соҳа қолмади ҳисоб. Бу азаматлар дунёвий техника ва технологияларни, билимлару ҳунарларни, жаҳон тилларию урф-одатларини шу қадар шиддат билан ўзлаштираётганларини кўргач қойил қолмай бўладими! Бундай ўринбосарлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шундайлар омон бўлса жонажон Ватанимиз тобора гуллаб-яшнайверади, кексалар рўшнолик оғушида тинч-хотиржам ҳаёт кечириш бахтига муяссар бўладилар...

Эзгу хотиралар, яхши ишлар ҳақида гапириш нақадар кўнгилли! Ҳаммамиз ҳам ёмонлик тўғрисида эшитмасам, ёмоннинг юзини кўрмасам, деймиз. Аммо, начора, далилу исботлар ўжар. "Касални яширсанг, иситмаси ошкор айлар", дейдилар. Фарзандларимиз, уларнинг ҳаётдаги ўрни, келгусидаги орзу-режалари хусусида фикр юритар эканмиз, авлодларимизга керакли барча заруратлар мукамал бўлишини истаймиз. Турмушимиздаги ҳар қандай кемтикларни, улар бартараф этиб бўлмас даражага ўтиб кетмасдан бурун изга солишимиз зарурлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: ҳозир атроф-муҳит мувозанати қай аҳволда ва ёшларимизнинг унга муносабати қандай?

Биз истаймизми-йўқми, ҳаёт ўз ҳукмини ўтказаверади: ёшлар улғаяди, ота-оналар кексайиб,

авлодларга ўз ўринларини бўшатиб беради. Қани эди, фарзандларимиз ҳар тарафлама гўзал табиатни, ҳақиқий маънода жаннатмакон оламини биздан мерос қилиб олсалар! Табиат муҳофазаси масаласига доир турли-туман йиғинлар, давра суҳбатлари, учрашувлар кўнгилларга анча таскин бергандек бўлади. Тоғу тошлар, қиру сойлар, дарёю кўлларни кузатар эканмиз, қоғозларда ёзилганлар ҳаёт ҳақиқатига унчалик тўғри келмаслигини кўриб ҳайрон қоласан киши. “Ўз-ўзимизни алдашнинг кимга кераги бор?!” деб юборамиз беихтиёр. Энг ёмони: хаспўшлаш, аҳволни бўяб-бежаб кўрсатиш қалби беғубор, нияти пок келажак эгаларини тўғри йўлдан чалғитиб юбормасмикин?! Охир-оқибатда олди олиниси мумкин бўлган табиий инқирозлар сурункали иллатга айланиб кўп ноёб табиий неъматларни бой бериб қўймасмикинми?! Очқочасига айтганда, кўриб-билиб туриб келажак авлодни она табиатнинг бебаҳо неъматларидан маҳрум айлашимиз ҳеч гап эмас. Бундай қалтис вазиятда айрим табиат “ҳимоячилари”: “Қани, аниқ далил кўрсатинг!” дея оёқ тираб оладилар. Ҳаётини далиллар эса табиат бағрида тўлиб-тошиб ётибди. Уни кўриш учун энг қийин жойларга оғринмай, эринмасдан бориш, яқиндан кўриб-кузатиш керак. Бир мисол, Зомин тоғларини икки кун айланиб юриб, биронта ёввойи жонзотларни учрата олмадик. Нурота тоғларида икки мингдан зиёд алқор бор, дея ҳужжатларда қайд этилган-у, кун бўйи йўл боссангиз ҳам улардан биронтаси кўзга ташланмайди. Қадимда ёввойи жониворларга энг бой ҳудуд саналган Чотқол тоғлари эса айни пайтда ғариб ва танг ҳолатга тушиб қолган. Айдаркўлдаги хароб аҳволни-ку, таърифлашга тил ожиз...

Бу каби ачинарли воқеаларни мен – ёши етмишдан ошган табиат жонкуяри азбаройи ачинганимдан очик-ойдин айтяпман. Токи, фарзандларимиз табиат муҳофазаси оламида аҳвол тобора мураккаблашиб бораётганини билсинлар. Билсинлар-да, ташаббусни ўз қўлларига олиб, ўз ризқ-насибаларини

ўзлари ҳимоя қилсинлар!.. Она табиатимиз муҳофазаси хусусида кўп йиллардан бери аниқ далилу исботлар асосида матбуотларда турли-туман чиқишлар қилганман. Уларни ҳатто китоб ҳолида нашр эттирдим. Ажабланарлиси шундаки, табиатга алоқадор ташкилотлари турли ҳаракатлар томонидан бирон-бир акс-садо бўлгани йўқ. Ҳарқалай, биз – ёши улуглар вақтни бой бериб ўтирмай, баркамол авлодларимизни олға даъват этишимиз, керак бўлса бирга юриб-бирга туриб улугвор вазифаларни бажаришимиз лозим...

Ўрни келганда ўринбосарларимизга ҳам нордонгина ҳақиқатни айтиш керакка ўхшайди. Кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз: баркамол ёшларимиз фаолиятида жанговар ҳаракатлар, дадил олға интилишлар тез-тез учрапти. Аммо баъзи муҳим ташаббуслар негандир охирига етказилмайди. Мана бир мисол: “Ёшлик” кўрсатуви ўтган йили бутун Ватанимиз бўйлаб чиқиндилар соҳасидаги тартибсизликларни нишонга олган эди. Ундан барча баравар хурсанд бўлиб, ёшларни олқишлашарди. Нима бўлдию, бу шиддат кўп ўтмай ўчди-қолди. Ёки чиқинди оламидаги тартибсизликлар батамом тугатилдими? Қаёқда дейсиз, ҳаракат тўхтаганини кўрган тартиббузарлар авваллардагидан ҳам баттарроқ “жавлон уришга” киришдилар. Бошланган яхши иш ижроси чала қолдирилса, оқибати жуда ёмон кечади. Наҳотки кимлардир покизаликка қарши турган бўлсалар?! Ахир сизлар суянадиган Мустақил Давлатимиз, жонкуяр ва меҳрибон Президентимиз бор-ку! Қолаверса, табиий бойликларни асраб-авайлаш, бутун мамлакатимиз бўйлаб покизаликни таъминлаш энг муҳим вазифалардан эмасми? Бу, биринчи навбатда, ўзларингизга керак-ку! Демак, ҳеч қачон ярим йўлдан қайтмаслик, улугвор ишлар, юксак зафарлар учун доимо шай турмоқ фарзандларимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим. Биз каби ёши улуглар эса уларнинг ёнида мудом мададкор бўлишимизни ҳозирги шиддатли даврнинг ўзи тақозо этмоқда.



АДАБИЙ АСАР – ТИЛ ҲОДИСАСИ

Ёзувчи Аҳмад АЪЗАМ билан суҳбат

– Аҳмад ака, ўзбек насрининг бугунги мавқеи ҳақида гаплашсак. Яхши биласиз, ўтган асрнинг 90-йилларигача кимдир бирор қисса ёзса машҳур бўлиб кетар эди. Не тонгки, ўшаларнинг айрим-ларинигина бугун ёдга оламиз. Икки йил бурун Ёзувчилар уюшмаси йиғинида жонкуяр мутахассислардан бири Мустақиллик йилларида юз йигирмадан ортиқ роман чиққанини таъкидлаб, уларнинг рўйхатини тақдим этди, бунинг устига мажлис қатнашчиларига шу йўриқда анкета саволларига жавоблар йиғди. Табиийки, рўйхатдаги асарларнинг аксариятини адабиётчилар ҳам, ёзувчиларнинг ўзлари ҳам ўқимаган бўлиб чиқди. Ҳайронман, ҳозир ўқимаслик мода касалликка айланиб қолмадимикан?

– У пайтлари... бошқа нарса ҳам бор эди – катта асар ёзишга, эълон қилишга унча-мунча одамнинг ҳадди сиғмас, қиссани ҳам насрнинг равиш-йўналишларини яхши ўзлаштирган, поэтикасини ҳис қила олганлар ёзган, бу ҳам аввало муаллифнинг малака чиғириғидан ўтиб, жамоатчиликнинг яхши кутиб олишига шури етгани тақдирда эълон қилинар эди. Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст каби у пайтлари ёш адибларнинг қиссалари тили, бадиияти, поэтикаси билан ярқ этиб кўзга ташланган. Адабиёт олдида, Сўз олдида масъулият жуда катта, кейин асарнинг ҳар бир жумласи, ҳар бир сўзига қарайдиган Ваҳоб Рўзиматов каби қаҳри қаттиқ синчиларининг назаридан қолиш, бемаза ёзибсан деб захрини сочадиган Маҳмуд Саъдий каби таҳрир пирларига рўпара бўлиш доим кун тартибида турар эди. Ёшларнинг ўз адабий давраси ҳам яхшигина ҳакам, янги чиққан асар аввало шу давранинг ўзида муҳокамадан ўтар, бемаза нарса босилиб қолса, ўқиган одамга ҳам худди беҳурматликка учрагандек таъсир қилар эди. Шунинг учун ҳам оз ва соз ёзилган аксарият асарлар. Адабий тилимиз мартабаси ортган, бўшроқ ёзадиган ёш ёзувчиларнинг асари ҳам ишлов берилмай, пухта таҳрирсиз чиқмас эди. Адабий тилимизнинг катта ривож босқичи ҳам шу даврда кечди. Ҳа, дарвоқе,

ҳозир бир нечта ёзувчиларимизнинг ёзганларини эълон қилмаётганлари сабаби ҳам шунга келиб тақалади – бугун текин таҳрир қилиб берадиган захматкаш “мардикор”лар замони ўтди. Кўп нарсалар қандай ёзилган бўлса, шундай чиқиб ҳам кетяпти. Бунинг бир яхши томони ҳам бор: шерикликка сунъий асар яратилмайди. У даврларда, очиқ гап, баъзи ёзувчиларимиз романлари ҳам унинг устида нашриётдами, редакциядами етти букилиб тер тўкиши билан қаторга кирарди. Қандай ёзган бўлса, шундай эълон қилаётганларнинг миси ўз-ўзидан чиқяпти, буларнинг тили пала-партиш, тозаланмаган, албатта бунақа асарни қўлга олган китобхоннинг умуман китобдан кўнгли қолади.

Тил масъулиятининг йўқолиши сўз санъатига яқин ҳам келмайдиган нарсаларни урчитиб юборди. Тўғри келган одам хаёлига келган нарсани ёзаяпти, қўлбола ривоятлардан тортиб қотирма романларгача. Илоннинг нималигини билмаган болакай қақишидан кўрқмай ушлайверади, тарих нима, унда ҳақиқатан нималар кечган, одамлар қандай яшаган, руҳияти қандай бўлган, қанақа шеваю оҳангларда гаплашган, буни ўйлаб ҳам ўтирмай, бир манбани ўқиса, шунга суяниб ёки “бадиий” кўчириб, “бородурман-келодурман” деган ясама “тарихий” тилда жилд-жилд романлар ҳам ёзиб ташланаяпти. Майли, ёзсинлар, шу ёзганлари ҳужжат, манба асосида бўлса керак, уларнинг маърифий қиммати ҳам бор, лекин тадқиқот десинлар, изланишлар, таассуротлар десинлар, лекин роман деб жанрнинг обрўсини тўкмасинлар.

Ёшлар ўқимайди, деймиз – шунақа нарсаларни ўқийдими? Ўзимизнинг ҳам савияси паст нарсаларга кўзимиз нуруни кеткизишдан бошқа юмушимиз йўқми? Ахир, ўқийдиган нарсани ўқиймиз-да. Менга, очиқ гап, асарнинг бошланишидан ярим саҳифа, ҳаттоки, биринчи жумласини ўқиб кўриш кифоя, тортса – калла ташлаб ўқийман, ёқмаса, жойига қўйиб қайтиб қўлимга олмайман. Тил бадииятини эгалламай асар ёзиш – ўзига нисбатан беҳурматлик ва китоб аҳлига нисбатан ахлоқсизлик. Ахлоқсизликини сўккандан кўра, уни қулоқни бекитиб, эшитмаган маъқул деб биламан..

– Албатта, одамнинг ўша романларга бирва-ракай баҳо беришга журъати етмайди. (Адашмасам, ўша мажлисда ўша “мутахассис” томонидан “нега Эркин Аъзам роман ёзмайди?” деган хурмача дўқ ҳам урилган эди). Биринчидан, уларни ўқиш керак, иккинчидан вақт ва ундан сўнг ҳафсала ҳам зарур. Назаримда, биргина Қозоқбой Йўлдош уларни муттасил ўқиб, эринмай фазилатлар топиб мақола ёзиб ётибди. Ҳеч ким баҳсга ҳам киришмайди. Биз талаба эдик, Аҳмад Аъзам деган танқидчи бот-бот адабиёт газетасида енг шимариб катта олимларга ҳам қўрқмай ташланиб қоларди ва ҳақ гапни исботлар эди.

Нега ахир, бугунги 60 ёшлилар ўша фаолликдан безиб қолишди?

– Айти кунларда адабий танқидчилигимизда мезон бўла оладиган фикрлар, етакчи танқидчиларимиз йўқ. Бевоқиф адабий жараёнга ижобий таъсир ўтказадиган фикр дарғаларини назарда тутяпман. М.Қўш-жонов, О.Шарафиддинов сингари салобатлари билан кўр тўкиб, адабиёт даровазасидан кирмоқчи шунчаки ҳавасмандларни ҳайиктириб турадиган устозларимиз ўтиб кетдилар. Адабий-танқидий тафаккур безга қолгандек, унинг майдони ҳам ниҳоятда торайиб, таъсир кучи йўқолиб, ўзи таназулга юз тутди. Ўзингизни ёши ўтган танқидчи ўрнига қўйиб кўринг: бир умр бу борада меҳнат қилгансиз, ёзганларингизни илгари ўқувчилар назардан қолдирмаган, қайси асарларни таҳлилга олган бўлсангиз, ўшаларни ҳам излаб топиб мутолаа қилган, бугун сизни ҳам, сиз умр бўйи таҳлилу тадқиқот қилган асарларни ҳам ўқимайди. Замонга мослашиб янги нарсалар бозорига тушишга эса оёғингиз тортмайди. Нима қиласиз? Нима қиламиз? Э-э, бу замон қаёққа қараб кетяпти, ўтган ўртача ёзувчиларимиз майли, лекин нимага буюқларимиз ҳам эътибордан қоляпти, ҳа, ҳаммасига ОАВ, кўча матбуоти, Интернет сабабчи, адабиётга эса фарбдан модернизм балоси кириб келяпти деб, ёмоннинг кучини япалоққа кўрсатамиз; кучимизни ўзимизга нисбатан ёш, лекин аллақачон элликни қоралаб, олдинга ўтишга одоб сақлаб турган адибларимиз ё шоирларимизга кўрсатамиз, янги бадиий тафаккур ўзгаришларини ёт таъсирларга йўйиб, қани анъаналаримизга садоқат, қани буюқларимиз хотирасини хурматлаш деб наъра тортишга чоғланамиз – бефойда, ёшлар гадир-будур бўлса-да, ўзлари кашф қилган йўлдан кетаверди, ўтмишимизнинг чўнг қояларини дарсликларда тиклаб қўйган бўлсак-да, уларга қарамайди. Ҳа-я, тортадиган наърамиз ҳам ичимизда – китоб ўқимагандан кейин ўтмиш изтироби билан ёзилган мақоламизни ҳам ўқимайди-да. Кейин, ўн кун, бир ой ўтириб ёзган мақоламизга ўзи зўрға кун кўраётган газета ҳемири ҳам бермайди.

Дамимизни ичимизга ютиб ўтираверамиз. Ҳаёт эса илгарилаб кетиб бораётир, адабий жараёнда, истаимизми, йўқми, ўтмишга тармашган иродамиз билан ҳисоблашмай, ботиний ўзгаришлар кечаётир. Дагиш ишини қиялпти, қирғоқнинг тагидаги қумларни аллақачонлардан бери ювиб ўтятипти, юпқагина юза турибди хотирамизда, қуриган чинорлари билан. Ўзимизни ҳали ҳам рўйхатдаги шу чинорлар соясида деб ўйлаймиз...

Тўғри, вақт ўтиши билан адабиёт саралаб, сараланиб бораверади, анча-мунча асарлар эскириб, тасаруфдан чиқади, уларнинг ўрнига янада янгироқ, янада тозароқ асарлар кириб келади. Бу – муқаррар кечадиган ички ривож қонунияти, бусиз сўз санъати яшай олмайди

Лекин сиз айтаётган тўқсонинчи йиллар бошида фақат санокли асарлар эмас, адабиётнинг янгиланиш жараёнининг ўзи тагдан бухронга учради, айти пайтда шу бухрон тубидан адабиётимиз келажаги ўлароқ янги бадиий тафаккур қоялари ўсишга бошлади. Бу фақат шўро тузумининг патарот топиши билан боғлиқ эмас... Тўғри, янги Мустақиллик тузуми, янги даврдаги фикр эркинлиги айти бадиий тафаккурнинг эски маҳсулларидан қониқмай, унда ҳам ўзгаришлар қилиш талабини қўйди. Бу табиий ҳол, лекин бозор талаблари, эркинлик ҳавоси деб адабиётни ўз ҳолига ташлаб қўйишда жамият ўзгариши билан бирга ўзимиз “яратган” сабаблар ҳам бор. Китоб тарқалиши, савдоси буткул издан чиқиб, бадиий адабиётни тарғиб этадиган матбуотнинг номи кўпайгани ҳолда тиражининг тамом тушиб кетгани ҳам бир омил.

Вакуум бўш турмайди, профессионал бакувват асарлар билан ўзини тўлдиролмаган вакуум бозор орқали савияси паст, адабиёт эмас, бизнесни кўзлаган олди-қочди бежамаларни сўриб олди. Ҳозир китоб дўконлари шуларга тўла.

Бунинг янада ўзимизга, адабий жамоатчиликка тегишли жиҳатлари бор. Янгиланиш тарихи бошланганига йигирма йилдан ошиб кетди, биз эса ҳалигача ўтган устозлар етагида юрибмиз. Ёшлар китоб ўқимайди, ҳамма Интернетга ёпишган деймиз, лекин нимани ўқимаяпти, нима яхши асарлардан юз буряпти китобхон? Эскидан қолаётган, эскираётган асарларни бизнинг тенгдошлар ҳам ўқимайди, чунки шўро замонида яратилган асарлардан ҳидини бир чақиримдан билиб қочамиз, янгилари эса ё йўқ, ё уларга дидимиз кўникаётир. Ёшларга эса адабиёт дарсликларидики шу эскилар ҳам юкмайди, ўзларига тўғри келадиган янгилар жуда кам. Нима ўқисин улар? Очиғи, шу саволни қўйяпман-у, жавобига худди адабиётимиз ўтмишига тош отаётгандек, қийналяпман.

Албатта, янги асар, янги тафаккур йўқ ердан пайдо бўлмайди, адабиётда давомийлик бор, у – адабий тилнинг равнақи, бунда узилиш бўлмайди. Лекин А.Қодирий асарлари яратилганига саксон-тўқсон, А.Қаҳҳор асарлари яратилганига эллик йилдан ошяпти, ҳозирги шакланган авлод ёзувчилари шу асарлардан тил тарбиясини олган, лекин адабий тил чиққан доводанда қотиб турмайди, ўсади, устозларимиз ҳам бир жойда қотиб турмайди-ку. Устозларимиз ҳам мен келган чега-радан у ёғига ўтмайсизлар деган ўгит бермаган. Тоғай Муроднинг халқона суюмли, Мурод Муҳаммад Дўстнинг баланд ҳаволи, теран фалсафага бой, Эркин Аъзамнинг ҳар бир сўзини чертиб олиб ёзилган тили яралиб бошлаганига ҳам ўттиз-қирқ йил бўляпти. Тил туйғуси она сути билан, ақл билан бирга берилади, кейин ўзгаради, сайқал топади, лекин илк асарлари тилидан унча узоққа кетмайди ёзувчининг тили. Демокриманки, адабий тилимиз ривожки саксонинчи йиллар охиригача келди, кейин ҳаёт ташвишларига ўралашдик, бозор тамойили деган гаплар чиқди, хуллас, унга эътибор ўлди. Ана шундан кейин, сиз айтгандек дўкон пештахталарини ўз дидини аяйдиган, ўзини ҳурмат қиладиган одамлар ўқимайдиган китоблар истило қилди.

Эркин Аъзам нимага ёши олтмишдан ошиб роман эълон қилди? Ҳалиги мутахассис иддао қилгандек, олдинроқ нимага ёзмади? Нимага биз ҳавас қиладиган истеъдодларнинг бор-йўғи битта ё иккита романи бор? Бу кучи етмаганидан эмас, балки роман нималигини, унга қандай тил тажрибаси зарурлигини англаб, ўзини тайёр билмагунча қўли бормаганидан. Эркин ҳозир ҳам ёзиб ташлайвермайди, бундай ёзувчилар учун ёзиш

– Сўз масъулияти, виждон иши. Ҳозир қаранг, буларни айрим ҳам дея олмайсан, қўш жилдлик, трилогия, ҳатто тетралогиялар чиқиб кетяпти, икки хатбошисини ўқийсиз-да, қайтиб кўлингизга олмайсиз – тили ёзувчининг тили эмас, тасвир йўқ, диалог йўқ, поэтика йўқ, бадииятнинг асос хоссаси – тили ғарибдан ғариб.

Китоб дўконларида савлат тўкиб турган мухташам безакли “ёстик”ларни кўриб одам ҳайиқасан: э-э, бунга озмунча меҳнат сарф бўлганми, қоғозию бошқа харажати қўяверинг, қанча умр сарф бўляпти; майли дейсан, катта қисми яхши ниятда қилиняпти-ку, эртами-бир кун бу оқим ҳам тиниқлашиб, ичишга ярайдиган бўлиб қолар, деб тилингни тиясан.

Олтмишни уриб қўйганларнинг фаол эмаслиги... ёш билан, оилавий, турмуш ташвишлари кўпайишига, моддий манфаат йўқлигига боғлиқдир. Лекин адабиётни кузатиб-ўқиб бориш сўнмаган бўлса керак дейман. Мен кўп гаплашадиганлардан Иброҳим Ҳаққул, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад доим ўқиб бориши мисолида тенгқурларимиздан кўпчилиги адабий жараёнга бефарқ эмас деган хулосага келаман. Шоир Хуршид Давронни гапирмайман, унинг фаоллигини ҳамма билади, тарихий сиймоларимиз ҳақида қатор насрий асарлар, тадқиқотлар яратиш билан бир қаторда Интернетда ҳар куни туркий адабиётлар, тиллар, маънавият ҳақида ўнлаб(!) китоблар эълон қилади, баҳсларга аралашади, ўз фикрларини мунтазам билдириб боради. Энди, барибир, кўпчилиكنинг бунча жимиб кетишини маъқул кўрмайман. Тенгқурларимнинг пастга тушиб, тортишув-олишувларда қатнашмаса ҳам, тўрда кўр тўкиб ўтиришларини истар эдим, чунки уларнинг борлиги мажлис аҳлига адабиётнинг юкини ҳар ким елкалаб кета олмаслигини эслатиб туради. Қозоқбой акага келсак, у киши бизга тенгдош, демак қаторимизда фаол мунаққидимиз ҳам бор, омон бўлсинлар, лекин бошқалари... бармоқ билан санашга ҳам етмайди дейман. Энди бугунги кунда танқид билан шуғулланишни ҳеч кимга осон тутиб бўлмайди. Бу иш жуда катта заҳмат ва рағбатни талаб қилади. Лекин, умид шулки, ёшлар етишиб келяпти, насрнинг йиллик муҳокамасида кўрдим, уларнинг чиқишларида асар ҳақида умумий гапириш йўқ, муайян концепция билан ёндашиш, аниқ фикрлаш бор. Шундоқ, кейинги авлодларнинг ўз танқидчилари бор, лекин менга улар ҳаддан ортқ боодобдек, устозлар қошида тортиниб турадигандек туюлди.

– **“Асқартоғ томонларда” деган қиссангиз бо-силаётганда мен “Ёшлик” журналининг кичик ходими эдим. Очиғи, бу қиссада биз кўникиб қолган силлиқ мавҳумот ва мавҳумдай туюлувчи зиддиятларга қарама-қарши ўлароқ фавқулдда реалликни кўрганман. Ў.Усмоновнинг “Гирдоб” романидаги домлалар билан “Асқартоғ...”даги домлаларнинг, гарчи замон ўша-ўша бўлгани билан, фарқи анча эди-да. Бу билан Сизга пишанг бериб мақтамоқчи эмасман-у, ҳар қалай вақти-замонида ўзингиз айтган бир гап миямда муҳрланиб қолган: “Проза одам одам билан бемалол, очилиб суҳбатлашгани сингари табиий бўлиши керак”. Шундан бери қарайман, кузатаман, ўқийман. (Ёзганларингизнинг деярли барини ўқиган чиқарман). “Эл қатори” анча жимиб кетдингиз ҳам. Кейин: “Тиқин”, “Ҳали ҳаёт бор”, “Тугмачагул”, “Дутор билан танбур”, “Ўзи уйланмаган совчи”, “Рўё ёҳуд Ғулистонга сафар””, (шу романни андак истисно қилганда) табиий маромни кўраман. Ўйлаб қоламанки, бу бошқаларга ўргатиб**

ё татбиқ қилиб бўлмайдиган Аҳмад Аъзамнинг ўзигагина хос ижодий принципи бўлса керак...

– Адабиёт, сўз санъати ҳақида гапириб турганда, одамнинг бирдан ўзига ўтиши жуда ноқулай. Саксонинчи йиллар жаҳон адабиётига айниқса ружу қўйган йилларим. Битта мен эмас, қирқ тўққизинчи йил авлоди деймиз, бизга дунёнинг сара асарларини мутолаа қилиш, ўрганиш бир урф эди. Мен рус тилини “твоя-моя” даражасида билган ҳолимда, ўқишни ҳарбийда бирданга Д.Ж.Селинжернинг “Над пропастью во ржи” асаридан бошлаганман. Кутубхонада бор экан, сўзни сўзга тўқиштириб, йигирма кунлар босиб ўтириб ўқидим ва шу билан рус тилидаги гўзал таржималар билан танишишга йўл очиб олдим. Хемингуэйнинг бир суҳбатини ўқиб, у ўқиган ёзувчилар асарларини қидиришга тушдим, адабиётшунос бўламан дегани учун ёзувчиларнинг ўз ижодлари, адабиёт ҳақидаги суҳбатлари, улар ҳақидаги тадқиқотларни ўрганиб, хаёлимда дунёнинг сара ёзувчилари рўйхатини тузиб олдим. Шу билан аста-секин жаҳон бадиий тафаккур майдонини ўз билигимча кезишга тушдим. Ҳозир ҳам Ясунари Кавабата, Хорхе Луис Борхес, Жан Пол Сартр, Ғулмуҳсайн Саадий (русчада “Саэди”), Макс Фриш асарларини қайта мутолаа қилиб тураман. Тили оҳорли-тоза асарларни севаман, табиийки, “Қиссаси Рабғузий”, “Бобурнома” тили қанақадир энтиктирадиган ҳаяжонларга тортиб кетади, ростдан! “Ўткан кунлар”, “Ўтмишдан эртақлар”. “Болалик”, “Шум бола” ёшлигимдан тилига маҳлиё бўлганим асарлар. Тили унча тоза бўлмаган асарларни ўқий олмайман, жумладан қиёмига еткизмай қилинган таржималарни ҳам. Демокчиманки, мени танқидчиликни ташлаб, ёзувчи бўлишга ундаган омил шу. Дунёнинг сара асарларидан жуда кўпини ўқиб юрдим, рус тилига қилинган шу таржималар орқали шаклландим. Ёзувчи бўлиб, у-бу нарсаларга эришган бўлсам, ана шу таржималар ва ўз адабиётимиздан териб-тергилаб олиб ўқишим туфайли. Ва бунда, албатта Самарқанд университетиде Навоий бобомиздан чуқур дарслар олганимизнинг ҳам нулуши жуда катта. Қанақа ёзувчи эканимга ўзим бир нарса дейишим қийин, баҳони китобхон беради. Мен қанақа ёзувчи бўлишга интилимни гапиряпман. Шу ўқиш, ўрганишлар маромида ўқувчи, китобхонни ҳурматлаб, унга ақл ўргатавермаслик, ҳаёт ҳақида унинг ўзи ҳам биладиган хулосаларни тиқиштирмаслик, тенденцияю мафкурадан қочиш, холис туриб, тасвирдан фикр чиқариб олишни ўқувчининг ўзига қолдириб ёзиш йўлини танлашга ҳаракат қилдим. Ҳа, сиз айтгандай, одам билан одам очилиб гаплашгандек тасвирлашни. Бунинг тагида, албатта, тасвирни худди расмга туширгандек ўзини бериш назарда тутилмайди, детал, тафсилот, воқеа ҳам ўқиган одамда бошқа таассуротлар уйғотиши лозим. Ёзувчи холис қолади, ўзини билмасликка олади, баъзан анойи тутати, тасвирлари кераксиз ҳам туюлади, лекин тил оҳанглари билан тортиб туради ва шу оҳанглар китобхон кўнглида акс-садо бўлиб, фикр уйғотади. Орзуим шунақа чиройли. Қани эди шундай ёза олсам дейман.

Бир маромда, узмай ёза олманман, бир ишда ишлаган пайтларим ёзмаганман, шунинг учун кўп жойда икки йилга бориб-бормай, бўшаб кетаверганман. Фақат ТВда ўн бир йилдан ошиқроқ ишладим, шу пайти ҳам ёзмадим, орада муҳарририят алмашганда учта ҳикоя ёзиб қолганимни истисно қилса. “Рўё”гача бир маромда келган бўлсам, ўша ўзим эканман. “Рўё”ни дардда ётиб, дард билан ёздим. Ишқилиб тугатай деган хавотир, М.М.Дўст айтгандай, “васваса билан” охирига етказдим. Ҳаммаси ўзининг табиий маромида, ютуғу камчиликлари

ри билан бирга бўлсин деб, одатимга хилоф равишда тилига ҳам қайта тегинмадим. Яна ёзишни мўлжал қилган, бошлаб қўйилган нарсаларим бор, уларга ҳам вақт қолиши, куч етиши керак эди. Худо хоҳласа, сиз айтган, менга хос ижодий принцип шу уринишларимда кўринса керак. Билмайман яна нима дейишни, куч берса, ёзаверай-чи; ёзишнинг ўзидан ҳам каттароқ гап йўқ мен учун.

– Ёш ёзувчилардан бири бундан роса 15 йил бурун “бу ёғига адабиёт элитарлашади” деган фикр айтувди. Ўзи-ку ёзувчи ўшандан буён тамоман жим. Лекин ҳар замонда ён-веримга қараб, мен гафлатдалигимда адабиёт жонивор “элитарлашиб” қолмадимикин дейман... Сиз ҳам шунақа фикрга борганмисиз?..

– Бу саволга жавобни мисолдан бошласам. Саксон еттинчи йилмиди, ёзувчилар уюшмасига Париждан “Аксион поэтик” деган журнал вакиллари келди. Улар билан танишдик, суҳбатлашдик. Гапдан гап чиқиб, қайсимиздир бизда Эркин Воҳидов, Абулла Ориповнинг шеърӣ тўпламлари саксон-юз минг нусхада чоп этилишини айтган эди, французлар анграиб қолди. “Мен сизларда қанча нусхада босилади?” деб қизиқдим, э-э, буларни тоза уриб кетган экан-ку деган маънода. Улардан бири “Юз-икки юз нусхада. Буни ҳам шоирнинг ўзи чоп қилдиради, ёру дўстларига тарқатади, ўтса яна чиқаради. Катта тираж беш юзга боради-да”, деди. Мен ажабланиб, “Дунёга машҳур шоирларнингиз ҳам шу аҳволдами?”, деб сўрадим. “Ҳа, мен буюкларни айтяпман”, деди. “Шеърӣят бундай бўлса, прозанинг аҳволи қандай? Масалан, Францияда яшаётган Нобел мукофоти лауреати Семьюэл Беккет асарлари қанчадан босилади?”, деб сўрасам, “Беккетни уни тушунган одамларгина ўқийди. Булар ҳам кўп эмас. Беккет театри ҳам бор, унга эллик-олтмиш хос одамларгина тушади” деди. Мен Чингиз Айтматовни сўрадим, “Унинг асарлари катта тиражларда босилар экан-ку сизларда ҳам?” деган саволимга, “Ҳа, Айтматов катта тиражда босилади. Лекин у бестселлер”, деб гапни лўнда қилди.

Узун мисол бўлди, лекин нима демоқчилигимни билляпсиз. Китобхон деганимиз бир хил юксак дидли одамлардан таркиб топмайди, ўқиётган омма қизиқиши, диди, билими, савияси, дунёқараши турли даражада бўлган қатламлардан иборат. Бутун дунё китобхони шундай. Дўкон пештахталарини асар эмас, асарлар босиб кетди деймиз, демак, шунча нарсага талаб бор, уни ўқиётган омма бор-да. Нашриётлар ҳам ўтмайдиган молини савдога қўймайди. Бадиияти теран асарларни диди теран китобхонлар ўқийди, бу қатлам унча қалин эмас, озчиликни ташкил қилади, келиб чиқадики, адабиёт элитарлашяпти. Дунёнинг илғор адабиётлари шундай: ҳар бир китобхон қатламининг ўзига яраша маҳсуллари бор, лекин, келинг, шунақа дейлик, юксак адабиётни бозор адабиётидан паст кўрмайди, айна пайтда бозор адабиётини ҳам юксакка кўтармайди. Ҳаммаси ўзининг ўрнида, ўз мароми билан ривожланади. Хусусан ўзимизнинг шароитга келсак, адабиётнинг бачки новдалари фовлаб кетиши бор, лекин бу шохлар мангу кўкариб турмайди. Элитар адабиёт умуман адабий жараённи озиқлантириб, бачки новдаларни қайчилаб туради бари бир.

– Адабиёт, хусусан, насрнинг ўзини олганимизда ҳам ҳад-ҳудудсиз бир макон. Умрбод ўқувчи бўлиб яшаб унинг сарҳадига етиш қийин. Фақат машҳурларнинг асарларини ўқишга улгуриш ҳам маҳол. Бизда классик романчилик анъаналари бор.

Ҳозирги кундаги проза бари бир кечагидан фарқ қилади. Бу ҳам табиий. Сабаби бугунги одам бугунги шарт-шароитга мослашиб яшяпти ва ўз ўзидан фикр-ўйи ҳам, муаммоси ҳам кечагиникидан фарқ қилади. Кеча сокин ва турғун бир кечмишда яшаётганимизда Тоғай Мурод халқона оҳанг ва дардлар билан қиссалар ёзганида севишиб, севиб ўқишга тушиб кетганмиз. Бугун, масалан, шу кайфиятдаги ёзувчи чиқишига ва сўнг одамлар унинг асарларини ёпирилиб ўқишига кишининг кўзи етмайди. Пафос дегани ҳам айрим замонларда кўтарилиб, бошқа вақтда тушиб йўқолиб кетади шекилли-да. Умуман олганда бугунги ўзбек насрининг ўрнини қандай баҳолар эдингиз?

– Нима бўлганда ҳам насрнинг ўзи ҳам, аҳамияти ҳам йўқолмайди. Ўзгаришлар тубдан ё очик кечиши мумкин, лекин миллатнинг маънавий эҳтиёжи бир-икки давр ё навбатдаги мафкура билан қониб қолмайди. Бадиий тафаккур ҳаракати азалий-мангу жараён. У ҳозир сустлашгандек, унинг гуркираб кетишига ҳаво етмаётгандек туюлар, лекин туб оқимлар ҳаракатдан тўхтамай, ўз ишини қилиб, янги истеъдодларни етиштириб ётибди. Мен, масалан, ўзимга нисбатан ёш, лекин аллақачон катта адиб бўлиб танилган Назар Эшонқул, Сиз, Исажон Султон, Улуғбек Ҳамдам кабиларни назарда тутяпман. Бир давр шеърӣятини бадиий тафаккурдан айрича олмаслик керак, бизда кейинги йиллари, Муस्ताқиллик замонида шеърӣят янгича талқинлари билан олдинга ҳам ўтди, унинг Фаҳриёр, Абдували Қутбиддин, Баҳром Рўзимухаммад, Азиз Саид, Хайрулло Файз сингари устунлари борки, булар ўзларидан кейингиларининг эркин фикрлашига кенг йўл очиб беряпти, жуда ёшлар орасида унда-бунда чиқиб, ўзларининг янгича фикрлаш тарзини намойиш этаётгалари бор, мен шуларга қараб, жараёнга неқбин ёндашишга уринаман. Ҳозир бугунги ўзбек насрига бир қарашда аниқ ташхис бўладиган баҳо бериш мушкул масала, Изланишларнинг жуғрофияси жуда кенг, кўпи юза қатламда, ҳали шаклланмаган, айтганимдек, туб оқимлар кечяпти, ҳали унча юзага чиқмаган, кейин, адабиётимиз, жумладан наср тарғиботи шу реклама замонида ўгай соҳа бўлиб келяпти. Ҳозирча, эртанги наср ҳам аниқ белги бераётгани йўқ, лекин тагдан қалқиб турибди, ёриб чиқиб қолар деб умид қиламиз. Зеро, ҳар қандай шароитда ҳам адабиёт ривождан тўхтамайди. Янгилини руҳи, янгилини эҳтиёжи бугунги ўзбек насрининг хос аломати бўлса керак.

– Таниқли ёзувчи Мурод Мухаммад Дўст шоир Фаҳриёр билан суҳбатида (“Ёшлик”, 2012 й. 4-сон) япониялик Х.Муроками, бразилиялик П.Козьоларни пуфлаб шиширилган “даҳо”лар деб атайди. Тўғримикан? Шунингдек, “Уруш ва тинчлик”, “Ака-ука Карамазовлар”, “Мастер ва Маргарита”, “Арсеньевлар ҳаёти”, “Доктор Живаго”, ҳатто Айтматовнинг айрим романларини ҳам “орқаси кенг” баъзи зиёлиларгина ўқияпти десак бўлади. Ўзи адабиётда қандай асарлар яшаб қолади?

– Кейинги ўн беш йиллар мобайнида иш, сиёсат ва турмуш ташвишлари билан бўлиб, илгаригидек кўп ўқий олмаганман. Жараёндан узоқлашдим, ёшлиқдаги ишонч кетди, ҳакамлик қилишга ҳаддим сиғмайди. Кейин, рус тилидан бошқа хорижий тилларни билмайман, бинобарин, чет адабиётни аслиятида ўқишим имкони йўқ. Мен ҳам кўп қатори жаҳон адабиёти намуналарини рус тили орқали, русларнинг танловида, улар тавсия қилганларини ўқийман. Масалан, Мураками ҳам, Коэ-

льони ҳам мутолаа қилганман. Кафкани, Сартрни, Борхесни севиб ўқиган одамда кўтар-кўтар бўлган бу ёзувчилар унча ҳайрат уйғотмайди. Масалан, буларнинг ҳеч бирини Камю даражасига қўймайман. Памук асарлари ҳам менга халқаро Нобел мукофоти оладиган даражада туюлмади. Сиз тилга олган асарлардан Толстой ва Достоевский романларини баҳодан баланд туришини таъкидлашни истар эдим, Ч.Айтматов асарлари эса ҳали вақт, замон синовида.

Ҳозиргиларидан қандай асарлар яшаб қолади, деган саволнинг жавоби келажак китобхонига ойдин бўлади. Ҳар ҳолда, аччиқ ҳақиқат, шаккоклик эмас бу, кўп асарларимиз тарих чиғирғидан ўтмайди. Кимдир ё кимларнингдир хоҳиш-иродаси билан эмас, замон ўзгариши, мафкура – фикрлашимиз янгиланиши билан қанча асарларимиз ўтмиш мулкига айланди, бу жараён ҳали давом этапти, адабиёт эҳтимол шафқатсизларча ўзини тозалапти, бизнинг ёзганларимиздан қанчаси бир куни ўтмиш мулки бўлиб қолади, бу – бошдан дўппини олиб, хотиржам ўйлаб кўрадиган масала.

– **Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги ташкил этилган “Ижод” жамоат фонди кўмагида адабиётимизнинг кўзга кўринган асарларини инглиз, испан, немис, рус тилларига таржима қилиш ишлари бошланяпти. Ўзбек адабиётининг қайси намуналари дунё миқёсида бизнинг юзимизни ёруғ қилади деб ҳисоблайсиз?**

– Э-э, шу саволнинг жавобига қийналаман. Гап ўзинг кимсан деган эътирозга рўпара келишимда ҳам эмас. Адабий танқид билан шуғулланмай қўйганим боиси шунда. Дунё адабиётининг энг зўр асарларини ўқий-вериб, ўзимизга чоғиштириб кўра бошлаганда, очиғи, айни шу янгиланишни “уриш” эмас, қўллаб-қувватлаш кераклигини англаб, “оташин” курашнинг бефойдалигига ақлим етди. Чунки, шўро даврида шунча доврўғ қозонган адибларимиз бўлишига қарамай, бадиий тафаккурда ёш, навқиронлигимизча қолганмиз. Адабий

тилимиз ҳали довлонлар ошиши керак. Буни нечоғли зарурлигини бадиияти, дунёбинлиги бизникидан тубдан фарқ қиладиган, тафаккур тарзи ўзгача асарларни ўз тилимизга ўғирган таржимонлар жуда яхши билади. Таглама орқали биздан қилинган таржималарда ғалати ҳолат пайдо бўлади, тили, бадиияти ғариб, лекин воқеаси, сюжети чет эл китобхони учун қизиқ туюладиган хомашёдан бинойидек асар яратилади. Четга чиққан яхши асарларимизнинг ўзи ҳам жуда кам, бир миллат адабиётини таниш учун тўла тасаввур бермайди. Лекин ўзим ўқиб келаётган чет эл ёзувчилари асарларига хаёлан қиёсласам, биздан уни таржима қилса бўлади, буниси бўлмайди, деган гапларни айтишга, очиғи иккиланаман, гапни бемалол қўйиб юборишга кўрпамиз калталиқ қилмасмикан дейман. Чўбир отлар пойгасидан воз кечиб, ўзимизга қайтайлик, аслимизни тиклайлик; эгамен мамлакат, мустақил миллатмиз, тилимиз давлат тили, ўзимизга қолди деб, уни бунча топтамайлик, ривожлантирайлик. Аввал адабий уйни саришта қилиб олайлик, дунёга чиқиш қочмайди... Юзимиз биринчи галда ўз китобхонимиз олдида ёруғ бўлсин. Адабиёт, адабий асар биринчи галда тил ҳодисаси, у миллий тилда яратилади, унинг миллий жаранги бўлса, четдагилар эшитади, йиртиқ карнайу тешиқ чилдирма билан дунёга чиқишни ўйлаш.. ҳай, билмадим.

Ижод фонди ғайрат қилаётган эканми, омадини берсин! Лекин бу ёқдаги эмас, у ёқдаги конъюктурага қараш керак. Ўзимиз ошна-оғайнигарчилик қилиб тузган расмий рўйхат бўйича қилган ишимиз у ёқда изсиз йўқолиб кетиши мумкин.

Ҳа, яна бир гап айтмоқчиман, яхши асар уни ўқийдиган яхши китобхон бўлсагина, уни кўзлаб ёзилади, бинобарин, китобхоннинг асар яралашда ҳиссаси катта. Бу учун ҳам унинг танглайи яхши китоблар билан кўтарилган бўлиши керак.

Суҳбатдош: Собир УНАР



Аҳмад АЪЗАМ

ОЙИМНИНГ ГАРАШАЛАРИ

Матн

Бир мунг келади, қадимлардан тўғри чиқиб, кўкрагимни қийиб ўтганича эртанги кунимга тортилиб туради бу ингичка сим дор. Болалиқ кунларим шу дорга тизилган.

Ойим, тиззаларида тикиш, нигоҳлари игна тешигидан ўтиб, узоқ-узоқларга – қизликлари ўтган узоқ тоғдаги Гараша деган қишлоққа кетиб қолган. Оғир сўлиш олишларидан биламан: э-э, тошкўрғонда турар эдик, бир ёнғоқлар бор эди, бир ёнғоқлар! Хаёлимга ҳайбатли тоғлар келади, шарқираган сойлари бўйи қуюқ ёнғоқзор. Ойим бир куни сув олишга тушсалар, бир одам осмонга шохалаб кетган шундай ёнғоқнинг тагида унга қараб туриб: “Э-эҳ-ҳе! Аққол солибди бу!”, деган экан, шигил солиб турган ёнғоқ бечора шу заҳоти ўртасидан қарс айрилиб, синиб тушибди. Кўзи шунақа ёмон одам, бир нарсага тикилмасин, тўғри бўлгани одамми, ҳайвонми,

ўзича ўйсиз ўсиб ётган дарахтми, нима бўлмасин, шикаст етар экан. Яхши ҳам кўзи ёнғоққа тушган, ойимга қарамаган, қарагандами, Худо кўрсатмасин, ойим ҳам, мен ҳам бу ерда шундай ўтирмаган бўлар эдик деб, неча-неча йиллар олдинги хавотирдан энди сесканаман. Кўрққанидан елкасидаги обкашга илинган сатилдаги сувгача дир-дир титраётган кичкина қиз кўз олдимида келиб, Гарашага, ойимнинг ўша ёшлиқларига тушиб бо-риб, кўзлик одамдан кўригим келади.

Ойим Гарашани гапиришдан олдин бир чуқур нафас олиб оладилар-у, мени бу ерда қолдириб кетадилар. Гарашани гапираётганларида эгилиб пастдан кўзларига қарайман: йиғи йўқ, йиғлагани ёш қолмаган.

Бугунларга келиб биламан, йиғлайдиган кўнгилларини ўша Гарашага қўйиб келганлар, бу кўнгил қўл бўшаб, тинчини топгани чоғлари “ҳий-й” деган сўзсиз

фарёд бўлиб изланади, йилларнинг тах-тахидан сизиб ўтиб келиб, менинг ҳам юрагимни симиллатади.

*Самарқанд уч юзу олптиш дара,
Кўрмадим ҳеч бир одами дусара...*

Маталми, қўшиқми, хиргойими, нималигини билмайман, бошқа давоми йўқ. Ойим менга мени кўрмай бир қараб қўядилар. Ўзимни кераксиз, бегона сезиб, юрагим шувиллаб кетади. Сўрашга тилим айланмайди. Биламан, э-э, болам, одамзотнинг бир гапи-да бу ҳам, деб қўядилар, холос. Ичимга ғулғула кириб, ойимга шу ўтиришимда қараб туриб, ўзим кўрмаган Самарқанднинг кунгурали қоялари устидан учиб ўтаётган бўламан, пастдаги дараларда оломон шовқинлайди, ғовир-ғувурда отим ҳам умид билан чиқиб туради, шу учган кўйи юрагим така-пука, одами дусаранинг изига тушганман, уни изляяпман-у, учратиб қолишдан қўрқаман; калласи иккитами ё орқа-олди ҳам бет битта бошми деб кўз олдимга келтиролмай ҳам ғам босади. Унинг йўқлигини, минг изласам ҳам учратмаслигимни билиб, излаш ваҳмидан қутулгим келмайди, шу ваҳмда учиш нимадир мардлик ҳам бериб, ойимнинг химоясида кезавераман.

Кўп учганман ўзим кўрмаган Самарқанднинг устида.

Тошқўрғони қанақа бўлса, уйлари ҳам тошдан тиклиниб, баланд деворлар билан ўралганмикан? Ғазирамиздаги уйлар хомғишдан қурилади ё синч. Иморатларнинг қўшошёнлиги йўқ. Чиқиб баҳорикордан қараса, ҳаммаси устига ғубор ёйилган кўкликка кўмилиб кўринади. Ғубдин тоғимиз етти чақирим нарида, қорлар биринчи ўша ёққа тушади, лекин қишда туравермайди, ҳар қанча ёққани ҳам кўкларнинг бошига етмай эриб кетади. Уйнагани чиққанда бургут-мургут деган нарсаларни кўрмаганмиз. Архар бўлган дейишади, лекин бу ҳам маҳоват, ҳамма тоғда бўладиган айиқнинг уруғи ҳам йўқ. Ҳай, номига каклиги бор, одамлар тутиб, тўрқовоқда сайратиб қўйганини эшитиб қоламиз. Тоғимизнинг нари ёқлари ичкарилаб кетган, жуда катта деб гап қилишади, аммо бу ёқдан, Ғазирамиздан кул босган тепалик мисол кўринади. Тоғ оти бўлгандан кейин кўр тўкиб турса, унга қараганда кўнглинг кўтарилиб кетса-да.

Ҳе-е, бу ёқда сиқилишдан бошинг чиқмайди. Ойим устимда қарчиғайдек қанот ёзиб олганлар: ҳай болам, у билан ўйнама, бу билан пиёла алишма, хом сув ичма, офтобанинг офтобда қолганига кўлингни ҳам ювма, терлаб Қипчоқариққа тушма, наҳор уйдан оч чикма, бир тишлам нон билан бир пиёлагина чой эсингда турсин, йўталсанг жон қоладими менда, тиришма гапимга, аччиқчангдан ўргилдим... сени одам қилгунча ўзим ўлиб бўламану...

Тугамайди! Қақшашга мени атайлаб туққанлар, тергаб толмайдилар. Ҳа, қўйманг, деб бақириб ҳам бераман, ер тепаман, араз қилиб сакраб тураман, далага кетиб қоламан. Э тавба, ўзимда эс йўқми! Ахир, ўйнамайми ҳеч ким билан, мактабга бормамайми, тўйга кирмайми! А, у одам айириб ўтирмаса, бир доридими, кейин тамом, бу бола яхши бола, овқатдан олдин қўлини ювади, қўлини касали борлар билан бир товоққа узатмайди, пиёла алишмайди деб қўйиб қўймайди, олиб кетаверади. Ойисининг айтганини қиладими, қилмайдими деб сўраб ўтирадим!

Лекин ойимдан кун йўқ, жуда ошиб тушадилар – сувга туйилиб қолсам ҳам юраклари ёрилади!

Мусаллам мен тенги, ҳамсоямиз, орамизда битта уват, уларнинг ошқадиси палаги бизникига ўтиб тугади,

олмурудимизнинг ярим шохи уларникига солинган, дастурхон устида икки уй бир-биримизни кўриб ўтираемиз, ўртада ол товоғим-бер товоғим. Ойим ўзлари Зийнат хола билан гурунг қилиб, бемалол пиёла алмашиб ўтирадилар-у, менга келганда, ҳай, у ёққа ўтма, ўйнама шу Мусал билан, деб шивирлаб улар ёққа чимрилаверадилар. Қаттиқ шивирлайдилар, бақиргандан ҳам баттар: касал бўлмаса ҳам одам кўрқиб кетади.

Мусаллам билан бир синфда ўқиймиз. Болалигимизда кўп бирга ўйнар эдик. Кейин бир-биримиздан сал тортинадиган бўлдим-у, лекин мактабдан бирга қайтаемиз. Қорамағиздан келган, миқтигина, югуриб чарчамайди, йўталиб юганини ҳам билмайман, шунга отасидан касал юкмаган деб юрар эдим.

Ундан кўм-кўк пахтанинг ичида бўйинини чўзганча оғзини очиб қараб тургани чизилган расмдек аниқ хотира қолган. Ҳали мактабга ҳам бормаган вақтларимиз, яшинмачоқ ўйнаб юривдик. Бўйимизни кўмадиган бўлиқ ғўза, ётиб қарамаса, ўтириб бекинган Мусаллам кўринмайди, уни топаман деб икки эгат ўртасига энди бошимни қўйганимда бирдан ғийқ-ғийқ, ғичир-ғичир бўлиб қолди. Сакраб турдим, Мусаллам ёнимда, бу эгатда экан, бўйинини чўзди. Икки томони яккам-дуккам тут йўлдан қатор арава ўтяпти, йўлнинг чуқуридан фақат аравакашу аравага босилган беда кўринади, отнинг боши силкиниб чиқади, мисоли кўм-кўк кўл сувида гарам ортилган от бошли қайиқ карвони сузиб кетаётгандек. Шу анқайиб туришимизда қаторнинг бошида келлаётган аравакаш бизни кўриб, шотида тикка турди-да, қамчинини ўқталиб, пўписа қилди, “Ҳа, бемазалар! Айтиб бераман!” деб бақирди.

Бекорга тухматга қолаётганимизни билмай, томошадан ҳайрон Мусалламнинг ўша беайб туриши ҳозир ҳам ич-ичимда бир хўрсиниқ уйғотади. Унинг нима бўлишини билиб, индамай юргандек, билиб ёрдам қилмагандек, нимадир ичимни эзиб ўтади.

У еттинчи синфда ўқиётганимизда ўлиб қолди. Қанча хасталанди, Пўшкинда ётиб келдимми, йўқми, билмайман.. Эрталаб уларидан хувиллаб йиғи чиққанида бор эдим, лекин кўтариб кетишгани эсимда қолмаган. Шу, чиқариш вақти келганда ойим мени, бола нарса, кўриб юрмасин деб, бор, молларингга қараб, китобингни ўқи, тушга келмай, Булунғурга тушсанг ҳам майли, деб далага кеткизиб юборган бўлсалар эҳтимол. Лекин кейин келиб уйимизнинг орқасига чиқиб, икки чақирим у ёқдаги Валибобо мазоратига тикилиб тураверганимни биламан. Унинг тўп қайрағочлари устида қандайдир қора шарпалар изғигандек, осмон ҳам бурқиниб олган; ичида ётган ўликлар кучанаётгандек дўмбайган гўрлар орасидаги янги тупроқ тагида бош-оёғи оққа ўроғлиқ Мусаллам тепага қараб ётибди, лаҳад қоронғисида кўрқув босиб: “Устимни очинглар! Ўлмаган эдим! Нимага эшитмайсизлар!” деб тинмай чинқиради, чинқириғи устидаги қалин тупроқни тешиб ўтиб, қулоғимгача етиб келади, мен эшитяпман, лекин тинч бир даҳшатда қимирламай туравераман.

Бу мазоратда молимизни боқаман, пичан қиламан, ўлик кўмганларида бориб қараб ҳам турганман. Томошадан юрагим сескангани билан, кўпчиликнинг орасида, унча кўрқмаганман. Лекин ҳозирлари ҳам изғирин алам билан юзимга чанг солаётгандек, Мусалламнинг бир ўзи ётгани мени ҳам тортиб кетаётгандек бўлаверади.

Ойимнинг бизни жон ҳалак кўриб-кўнжишларича бор эди: кўҳна касал Мусалламларнинг уйдан ҳаммани

қуритмагунча кетмади. Олдин отасини олди, кейин Мусалламни, дардларда куйган онаси сўгин йиқилди, йўқ, орада онанинг укаси, Мусалламнинг катта тоғаси Баҳром ака ўтди (у кишининг хотин-бола-чақаси нима бўлди, ёдимдан буткул ўчган, лекин иккита рўзгор битта ҳовлида, Мусалламнинг отаси ичкуёв эди шекилли), сўнгра ҳали уйланмаган кичик тоғаси Ҳамдам ака ҳам қайтиш бўлди. Битта беш ёшли Тешани амакиси Эшим кал ўзига олгандан кейин, шунча боласини ютган азахонада ғам ютиб бир боши билан Зийнат холанинг ўзи қолди. Тарашадай қотган, касал илинадиган эти ҳам йўқ питрак кампир энди яшаб ҳам нима қилдим деб, дунёга қўл силтаб ўзи ҳам кетиб юборди. Тупиркилос обод бир ҳовлини секин-секин одам турмайдиган чолдеворга айлангирди. Эшим кал ўзига янги жой қилганда бу уйларни бузиб, болорларини олиб кетгандан кейин деворлари осмонга анграйиб, одамнинг юрагини увиштирадиган ваҳимазор бўлди-қолди. Бир ўзим бўлсам, тиклаб қарашга ҳам юрагим бетламас эди: кимдир паст бир йиғи товуши билан ўзига чақираётгандек туюлаверар, бу йиғи Мусаллам ҳам бўлар эди. Ҳовли неча йил ташландиқ ётди, ҳамма ерда юрадиган илон ҳам чиқмади бу ердан, балки шу палакат нарса ҳам омонатини авайлаб бу ерга яқин йўламагандир.

Асли бутун балонинг кони кунботишдаги Пўшкінда эди. Шамол ўша ёқдан туради, тупиркилос касалларнинг йўталган нафасини бизнинг Ғазирага олиб келади! Шу зарарланган ҳаво тўғри ўпкага урилиб тургандан кейин гўрга қочасанми! Сил касалликлари шифохонасини қуриб қўйган ўша ерда, бутун тумандан ётқизилган силлар йўталиб, кўҳна касални ҳавога ёйиб ётади. Нимага бунақа касофатхона одамларнинг орасида, қишлоқнинг ўртасида бўлиши керак? Овлоқроқ жой қуриб кетганми? Ана, Ғубдиннинг тагидаги Қорақасмоқ, одам турмайди, дарахтлари кўп, серсоя, саратонда ҳам ҳур-хур шабада уриб, тоғдан бери ёйилган баҳорикорларга ўтиб кетади. Кейин, қадамжой, ёздан одамлар бориб жонлиқ қилади, қўй сўяди, касалларга ҳам яхши. Қиши қаттиқ, ёзлари қайнаб кетадиган паст ҳаволи, чанг-чунг Пўшкінда пишириб қўйибдимми!

Биз томондан, Ғазирадан туриб тикилиб қараса, тупиркилоснинг шу Пўшкин ёқдан, ўртадаги Исталиннинг дарахтлари оша ими-жимиди сийпалиб ўтиб келаётгани кўриниб қоладигандек ҳам туюлар эди.

Лекин ногаҳонда ўзи ҳам лоп этиб келиб қолади. Мактабга борсак, оқ терак-кўк терак ўйнаб, копток тепадиган жойимизда сўррайиб турган бўлади-да! Ҳамма ёғи, ойналари ҳам бир хил оч кўкка бўялган узун тобут! Қочиб кетишга оёқ ҳам ишламай қолади. Ана, касали очилиб қолишидан кўрқди, деган гап чиқиши бундан ёмон... Қатор навбатда турамиз, ҳамма ўзи билан, ўзининг жони ташвишида, атрофга жавдираймиз, бир-биримизга бегонасираб мўлтираймиз. Касал эмасман, кирмайман, менга тегманлар, деб ичимизда изиллаб йиғлайверамиз, лекин ҳимоячи йўқ, отамиз, онамиз бу ерда эмас, муаллимларнинг эса ўзлари ушлаб беряпти. Қоронғида қалт-қалт титраб, яланг кўкрагимизни рентгеннинг совуқ темирига тутамиз, ғира-шира кўринаётган халатли хотинга унсиз ёлвориб қараймиз. Автобусдан тушгандан, қаранглар, мана, бу касал чиқди, ушланглар, деб яна шу автобусга тикиб Пўшкінга жўнатиб юборишадигандек, ғирра жуфтани урамиз. Синфда ё кўчада нафас ростлаб олгандан кейин, дўхтир хотин ҳеч нима демади-ку

деб, мардлигимиз ҳам тутади, рентгенга кўрқмай тушганимизни мақтанамиз, намойишга қаттиқ-қаттиқ йўталиб, бу бошқа нарсдан деб бемалол изоҳ берамиз.

Яна битта эмлашлари бор, бу ҳам кўрқитади-ю, лекин кўпчиликнинг ичида, рентгенчалик эмас. Билакни чизиб тилиб, ачитмайдиган ҳам бир дори қўйишади: касални шунақа қилиб юқтириб кўришар экан, агар тилинган жой қизариб шишса, организм соғлом, қаршилиқ кўрсатяпти; шунақа гапга жуда ишонамиз, организм нималигини ҳам биламиз, шишмаса – урди Худо, Пўшкінга талабгор, энди бошланаётган бўлса, семиз-семиз қўй гўшти, қуйруқмойни уравериш керак, шунда қайтади. Катталарнинг оғзидан олинган бу гапга жуда ихлос қўйганмиз.

Бир куни нимадир иш билан Пушкин колхозига борганимда ўша касалхонанинг олгидан ўтдим. Даҳшат – одамлар яшайдиган жойнинг ўртасига қурилган! Гирд айланаси ҳовлилар, эгалари эса ёнларида шунақа юқма касаллар борлигига парво қилмай, бемалол кириб-чиқиб турибди. Эй инсонлар, ахир, ахир... нимага бу ерда яшайсиз, деб бақиргим келди, лекин буни ўзлари ҳам билади-ку, қаёққа ҳам кўчишсин, биров бошқа жойда уйлар қуриб, тайёрлаб қўйибдимми, кейин ўзлари ҳам ўрганиб, иммунитет пайдо бўлган, дедим яна ичимда. Иммунитетни ҳам кўп гапирар эдик: одамда шу кучли бўлса, мингта касалнинг ичида бало ҳам урмайди.

Тупиркилос Мусалламларнинг оиласидан шунча одамни олиб кетиб, ўртада девор ҳам йўқ, худого шукр, уйимиздан биттамызга ҳам кўзини тикмади. Бу энди оиймнинг ғайратларидан. Энди ўйлаб қойил бўламан, нима қилиб бўлса ҳам бизга касал текизмаганлар-да.

Қушда тиним бор, менда тиним йўқ, дер эдилар. Эртадан кечгача рўзгор билан томорқага фидо, қузу қулоқлари бизда, катта қидиришлари Ғазиранинг бозорига тушиб келиш. Ҳатто Самарқандга ҳам бормаганлар. Жиндай нафас ростлаб, қўлларига тикиш олган пайтлари Гарашани дард қилиб қоладилар, унинг тош кўрғонлари оралаб ёнғоқ тагида шарқираган сойида ҳасратлари оқиб кетади.

Гарашани оийм бу ёққа тушганларидан кейин қайтиб кўрмаганлар, шундан у қишлоқ хаёллари кун-кундан чирой очиб, ёнғоқлари тобора гуркираб, тоғи ҳам осмон қадар баландлаб кетаверган. Фақат Самарқандда кўринмаган одами дусара тўғрисидаги мунгли маталларининг мағзини чақа олмайман. Нимага дараси уч юзу олтмиш эканини ҳалигача билмайман. Лекин шуни айтсалар, нимагадир Гарашанинг тоғлари менга яқин келади, қорларидан оқиб келган ҳаводай тип-тиниқ сувлар бўйида, тош кўрғонларида яшайдиган одамлари ёнига касал ҳам чиқа олмайдигандек туюлади, ўша ёқда бўлганимизда оийм менга бунча кўп жаврамаган бўлур эдилар.

Ғазиранинг кўкликлари ичида сувга чўккандек юраман, нимага қишлоғимиз тоғда эмас деб кўнглим чўқади. Ғубдинимизнинг булут кўланкасидек келбатига қараб ўзимни камсатаман: нимага бунча паст, чўққилари чўққи эмас, дўнғалак, қишдан ёққан қордан ёзда оқ қалпоқ киймайди, шу ҳам тоғ бўлдию. Лекин Гараша! Катта бўлсам, оиймни олиб бораман, деб шунчалар орзу қиламанки! Аммо катта бўлиб, ўзимдан бўшамадим, машиналик бўлиб, олиб боришга имкони келган пайти эса оийм ётиб қолдилар – армонлари менга қолди.

Ҳозирлари шаҳарда яшайман.

Мен турган жойдан тоғлар кўринмайди.



Ўроз ҲАЙДАР

РУҲИЯТ ФАРРОШИ



Мен илк машқларимни эслолмайман. Аммо “Гулхан”, “Ғунча” сингари журналлар таҳририятидан кўнгилни кўтарувчи мактублар олганим эсимда. Ўша пайтлари кўлига қалам тутган кимса борки, улардан “тарбияловчи” нимарсалар талаб қилинган. Бизнинг қишлоғимизда бир машҳур молбоқар бўларди. Мен илк марта ана шу киши ҳақида ёзганман. Унинг ўзидан ҳам номи машҳур эди. Биласизми, ана шу одам кексайган чоғида дилдан ҳамсуҳбат бўлдим. “Поданинг энг яхши соғин сигирларини “катта”ларга совға қилардим-да, ўрнини кичикроқ ғунажинлар билан тўлдириб кўярдим, болам”, дейди. Бу қаллоблиқда подачининг қанчалик айби борлигини билмадим, аммо ана шу “ишбилармон” киши ҳақида шеър ёзганим рост.

Мақтанишга йўймасиз деган умид билан айтишим мумкинки, мен болалиқдан шеърга нисбатан жуда талабчан эдим. Шунинг учун “Ўқиш китоби”ни унчалик жиним суймасди. Китобдаги шеърлар ёқимсиз эди. “Роса пишса ёз ойлари, Қашқадарё бугдойлари...” сингари туйғусиз шеърларни бидиллаб айтишганида пешонам тиришиб кетарди. Бунақа қофиялар шақилдоғини чалғувчи шеърлар ғиж-ғиж эди. Айниқса, “Менинг икки онам бор” деб бошланувчи шеърни ўқиб роса кулганман. Ўқитувчим Жўра



ака мени доскага чиқариб, шу шеърни ёд айтишни сўраганда: “Менинг икки энам йўқ” деганман.

Шу ўқитувчимизнинг яхши бир одати бор эди. Қўшимча дарс соатларида янги-янги эртақлар ўқиб берарди. Яхши таассуротлар билан уйга қайтардик. Яна бир одати: энг қолюқ ўқувчиларни ҳам мактаб кутубхонасига етаклаб бориб, болаларбоп китобларни танлаб ўқишга мажбур этарди. Юқори синфларда адабиёт фани ёмон ўқитилди. Мутахассис етишмаганидан чет мактаблардан ўқитувчилар ёлланарди. Уларга йўл узоқлиги сабаблими, дарслар ўтилмай қолиб кетарди. Болалар ўйинқароқ бўлиб қолишганди. Адабиёт дарслари кўпинча танаффус билан ўтганлиги учун болаларда фанга нисбатан меҳр йўқ эди. Шунинг учун ҳам мактабни тугатгандан кейин кўпчилик синфдошларимиз аниқ фанлар бўйича олий ўқув юртларига киришди.

Дарвоқе, ўша пайтларда олий ўқув юртларига киришда иншо ёзиш шарт қилиб кўйилган эди. Ростини айтиш керак, иншо саводхонликни белгилайди. Бугунги ўқувчилар иншо ёзишни нечоғлик билишидан беҳабарман, аммо мана шу анъана ниҳоятда фойдали эди. Бугун шунчаки сўзларни ҳижжалаб ўқийдиганлар ҳам уялмасдан истаган олий ўқув юртига ҳужжат топширишаяпти. Назаримда иншонинг мавқеини тиклаш керак.

Адабиётга қизиқишим Чингиз Айтматовнинг “Мо-мо ер кўшиғи” асаридан сўнг бошланган. Китобга киритилган “Бўтакўз” қиссасини гўёки шеърдай ёд олганман. “Ҳей, академик” садоси ҳалиям қулоғим остида жаранглаб туради. Ўқувчилик йилларида болалар ҳақида шеърлар машқ қила бошладим. Шоир Турсунбой Адашбоевнинг “Олатоғ – лолатоғ” китоби менга қанот берган. Табиат манзараларини ёрқин бўёқларда акс эттирувчи шеърлар қуймалиги билан ҳайратлантирган. Шундан кейин молбоқару товўқбоқарлар ҳақида ёзишни бас қилганман.

Илк шеърим раҳматли акам Назар Шукурнинг ташаббуси билан “Ёшлик” альманахида босилган. Ушанда 22 ёшда эдим. Энам раҳматли халқ оғзаки ижодини яхши биларди. Акамиз иккимизга термалар айтиб берарди. Ёзининг сундай оқшомларида иккалаамиздан “Жетиган жулдуз жеттига борса савоб бўлармиш, нафас чиқармай айтинглар” дерди. Ака-ука бўғилиб қолгунча бу калимани айта-айта ухлаб қолардик. Шоирлик нуқси иккалаамизга ҳам онамдан оққан.

Илк тўпламим “Навқирон давра” жамоа тўпламида “Қуёш ўтови” номи билан чиққан. Қаттиқ суйинган бўлсам керак, энам: “Севинчингни ичинга ют, болам”, деб қўйганлигини эслайман. Аммо китобимни қўлимга олиб бирор кишига тутмаганман. Профессор Низомиддин Маҳмудов менинг ижодимга алоҳида эътибор берганлиги кўнглимни кўтарган. “Куйловчи тошлар” тўпламим ҳеч қандай баҳоланмади. Ҳеч кимдан эмас, ўзимдан ўксиндим. Мардона ва дадил ёзмоқ кераклигини ўқдим.

Энг оғири, акамнинг вафоти мени чилпарчин қилиб ташлади. Узоқ йиллар қўлимга қалам тутолмай юрдим. Ёзганларим оҳорсиз эди. Туман адабий муҳити эса ниҳоятда ғариб эди. Ана шундай паришон кунларнинг бирида кекса бир чўпон елкамга қўлини қўйиб: “Ўроз, сен ўзингни дадил тут. Энди икки шоир учун яшашинг ва ижод қилишинг керак. Айримлар акаси шеър ёзиб бериб юрганлиги учун ҳам у ёзишдан тўхтаган деб айтаяпти. Сен чекинма” деди. Устимга бир челақ совуқ сув сепиб юборгандек бўлди. Чўпоннинг мана шу далдаси ҳамон қалбимга кўр ташлаб туради. Шундан сўнг ўз синиқларимни териб олиб, ҳаётга мардона боқдим. Акамнинг қўлёмаларини алоҳида тартибга солдим. Уларни кўз қорачиғидай сақлаб келаяпман. Бир сафар укам Шоимназар: “Шоирнинг орқасида уни тушунадиган одам қолиши керак экан. Мен бу қўлёмаларни эгасига вафолик қилмаган деб ёқиб юборган бўлармидим” деганида юрагим музлаб кетди. У барибир ҳақ эди. Кўзимдан ёш қуюлди. Шоир учун уни тушунадиган таянч зарур. Акамнинг “Орзуси мўл кетса шоирни тушун” сатрлари вужудимга олов пуркайди. У ўзи ҳаёт бўлганида бир варақ қоғозни ҳам менинг зиммамга ташламаган бўларди. Аксинча, менинг тиниб қолишимни сира истамасди. Ҳатто ўлимидан икки ой олдин “Санъат саройи” йўлагига менга: “Ўроз, ҳали сен яхши шеърлар, насрий асарлар ёзасан. Сенга ишонаман, зўр шоир бўласан” деганида аввалига тошдай қотдим. Кўзимдан ёш потради. Юрагим ях тортди, юришга мадор топмай қолдим. Ушанда ака-ука ярим кечагача гурунғ қилдик. Энди билсам, ўша пайт менга у видолашув сўзларини айтган экан.

Акамнинг вафотидан кейин “Вақт хиёбонида”, “Видо”, “Мени кечир, муҳаббат”, “Сен қайтмасанг” сингари китобларини нашр эттирдим. Одил Ҳотамовнинг “Юксакдаги дарахт” хотира-қиссасини чоп эттиришга эришдик. Хотира-қисса самимий битилган. Китобни ўқиб, акам ҳамон биз билан бирга нафас олаётгандек туюлди. Бу китобларнинг чоп эти-

лишига укам ҳомийлик қилди. Аммо китоблар жуда кам нусхада чоп этилди. Акамнинг қўлёмаларини ўрганиш жараёнида янги-янги шеърлари топиляпти. Армоним: мана шу битиклар кенг миқёсда ўқувчилар қўлига етиб бормаяпти.

Инсон ўзининг ўзи тарбиячисидир. Тўғри, устозлар ижодий туртки беришади. Шеърларимни акамдан яшириб, Одил Ҳотамов билан танишиб қолиб, у кишига кўрсатмоққа журъат топганман. У киши машқларимни ишлаш жараёнида улуғ ижодкорлар асарлари ҳақида тушунчалар бериб борган. Ҳақиқий шеър қандай ёзилишини дам-бадам эслатиб турган. Аҳмад Аъзамга бир туркум шеърларимни кўрсатмоққа жазм қилдим. У киши сийлашни ёмон кўрарди. Роса “патим”ни тўкиб, ўнга яқинини “Ёшлик” альманахида олиб қолди. Туркум шеърларим шу боис матбуот юзини кўрди.

Орадан йиллар ўтиб, иш юзасидан Қарши шаҳрига келишим ижодим тубдан бурилишига сабаб бўлди. Ижодкор изланмай қўйган кунидан бошлаб тўхтади. Шоир ўсиб ва ўзидан ўзиб ёзмаган кун жарликка қулайди. Шоирнинг тўшаги ҳамини жар лабида тўшалган бўлади. Шуни айтишим керакки, менинг тенгқурларим ва беш-олти қўйлакни илгари йиртган ижодкорларнинг кўпчилиги йигирма-ўттиз ёшида қандай ёзган бўлса, эллик ёшда ҳам шу кўринишда ёзишаяпти. Китобларини қайта-қайта ўқийман, ўша-ўша.

Назар Эшонқул, Баҳром Рўзимухаммадлар билан алоқа ўрнатиш менга ижодий қанот бахш этди. Машҳур шоир Абдулла Шер сабоқлари ёзишга ва ҳушёрликка рағбат уйғотди. Менда ижодий туртки уйғотган ижодкорларни устозим дейишга ҳақлиман.

Шу кунгача йигирмага яқин тўпламларим чоп этилди. Ададига келсак, 45000 нусхани ташкил этади. Айримларини шошиб тайёрлаганимдан изза чекаман. Мен ўзимни катта шоир бўлдим дейишга ҳаққим йўқ. Шоир сафар одами. Ўз дунёсининг сайёҳатчисидир. Ижодкор ёзганидан қаноатланган кун тугайди. У сафар йўлланмасидан маҳрум бўлади. Ўзимга қаттиқ талаб қўяман. Тўғриси, кейинги пайтларда мадҳ этувчи шеърлар болалаб кетди. Худди саратон хасталигини эслатади. Юракни ғижимлайди. Ҳаводан ҳаво ютолмай қийналасан. Маддоҳлик балои офат. Баъзида мадҳ этувчи шеърларни қасидага



йўямиз. Қасиданинг ўз шакл-шамойили борлигини унутмайлик. Ҳазрат Навоийнинг “Тафаккур тухфаси” қасидаси қасида қандай ёзилишини белгилаб берган. Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” қасидасини олайлик: “Темур тиги етмаган жойни Қалам билан олди Алишер” сатрлари қалбни юксакка кўтаради. Қасида бошдан оёқ нурли сатрлар билан тўйинган. Ватаннинг обод ва озодлигини мақолабоп сўзлар билан эмас, янги ташбеҳлар билан безатиш лозим. Шўро даврида “Менинг бобомлар – Ленин бобомлар” каби сатрлар билан шеърлар битиб, китобини нашриётдан чоп этилишини талаб қилган қанчадан-қанча шоирларни кўрдик. Ҳатто адабиётга оталик даъво қилганлар ҳам бўлди. Қани, энди уларнинг асарлари? Бор-йўғи макулатурага айланишди.

Адабиётсиз тириклик сувсиз қақраб ётган дарё ўзанини эслатади. Адабиёт – руҳ фарроши. Инсон руҳи покланмас экан, вужуди оғирлашади. Борлиғи юраги тубига қулайди. Адабиёт инсониятни маънавий юксакликка етаклайди. Адабиёти юксалмаган миллат эрта қарийди, қуриган оғочга айланади. Бугунги кунда мактаб адабиёт дарсликларида жаҳон адабиётига жуда кам ўрин берилган. Менимча, 6-синфдан бошлаб жаҳон адабиёти дарслигини яратиш керак. Катта дарёдан сув ичган ёхуд уммон қудратини ҳис этган қалбда ҳаётга теранроқ қараш хусусияти шаклланади. Чехов ёки Фолькнер ҳикоячилигини билмасдан туриб насрда ютуққа эришиб бўладими?!

Яқинда бир гуруҳ талабалар таҳририятимизда амалиёт ўташди. Улар ижодий мулоқотларимиздан бирида жуда аччиқ бир мулоҳазани ўртага ташлашди. Улар айтишдики, “Ҳозирда яхши-ёмон адибларни ажратиш бўлмай қолди. Бойвачча тоғаси ёки амакисининг пулига китоб чиқараётганлар кўпайиб кетди. Айрим ёзувчилар бир ҳафтада роман ёзиб ташлашяпти. Ҳашар йўли билан асар ёзувчилар ҳам кўпайиб кетишган. Бу ҳолатда адабиётимизнинг эртанги куни қандай бўлади?” Бугунги ҳар бир фидойи ижодкор ана шу саволнинг жавоби устида бош қотирмоғи керак.

Мен миллий насримизни ерга урмоқчи эмасман. Аммо тан олишимиз керак, насримизнинг орқа оёғи ўз кўлагасига ботиб қолган. Китоб дўкони жавонлари детектив китоблар билан тирбанд. Дидсиз китобхонга эса барибир. Дўкондорнинг адабиёт ҳақида ту-

шунчаси йўқ. Аслида фаросатли дўкондор энг яхши китоблар тарғиботчиси ҳамдир. Ноширларга пул керак. Чўнтаги бақувват ёзғувчидан сира ажралмайди. Ахир асарнинг бадиий қиймати бўлмаса, у айнаган таомдай гап. У руҳиятни оғулайди. Енгил-елпи ёзилаётган асарлар ва сохта маддоҳликдан қутулмай туриб, юксак адабиётга йўл топиб бўлмайди. Китобхон Фолькнерни тушунмаса айб кимда? Албатта, адабиёттанувчиларнинг томошабинлиги, лоқайдлигининг ҳосиласидир. Адабий танқид тугаган жойда суваракча фикрлаш юзага келади.

Адабиётшуносларимиз ўтган асрнинг 80-йилларида адабиётда кўтарилиш юз берганини эътироф қилишади. Аммо бу кўтарилиш адабиётга нима берди? Ёзувчи Назар Эшонқул бу авлодни от минган авлод деб атади. Лекин “Кеча ва кундуз”га бўйлашадиган асарлар пайдо бўлмади-ку! Оннетти, Борхес, Фолькнер, Кортасар, Кафка, Камю, Акутагава яратилган каби янги яратилган инкишоф этилмади-ку! Менимча, ижодкор ижод бобида тошнинг сувини сиқиб ичадиган бўлиши керак. Бу олий мақом ҳаммага ҳам насиб этавермас экан.

Адабиётимизда кишини қувонтирадиган жиҳат таржимачилик соҳасида пайдо бўлмоқда. Ҳозирда жаҳоннинг етакчи адиблари асарлари она тилимизга ўгириляпти. Буни олқишлаш керак. Қодир Мирмуҳаммедов (марҳум), Низом Комилов, Иброҳим Гафуров, Аҳмад Отабой, Амир Файзулла ва бошқа таржимонлар меҳнати эъзозга лойиқ. Афсуски, бизнинг ижодкорларимиз асарлари жаҳон сари кенгроқ ва очикроқ бўйлай олмаяптилар. Тўғри, миллий руҳдаги асарларни таржима қилиш жуда оғир кечадди. Ҳерманн Ҳесс “Пушкиннинг асарларини таржима қилиб бўлмайди” деган. Шу ўринда Абдулла Орипов асарларини ўзга тилга ўгириш осон эмас. Шоир шеъриятидаги илоҳий оҳанг шовқинга айланиб кетиши мумкин. Бизнинг урф-одатимиз, осори-атикаларимизни билмаган ва танимаган таржимон янглишиши турган гап. Ҳассос шоирнинг шеърларини таржима қилиш азонни таржима қилиш билан баробар. Жаҳон адабиётининг илғор аънаналари, умуминсоний қарашлар билан шакллантирилган янги оқимлар тажрибалари бу ўринда жуда асқотади. Миллийлик қобилига ҳаддан ортиқ беркиниш ҳам яхшилиқ аломати эмас.

Бугун ҳукуратимиз томонидан адабиётимизга катта эътибор қаратилмоқда. Ижодкор аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун “Ижод” фондининг ташкил этилиши ҳам бунинг ёрқин далилидир. Шу озгина фурсат ичида “Ижод” фонди ҳомийлигида бир неча ёш ижодкорларнинг илк китоблари катта нусхаларда чоп этилди. Бу яхши-ку.

Республикамизда юздан ортиқ нашриёт бор. Ҳар бир нашриёт йилига 20-30 турдаги китобларни босмадан чиқарса, уларнинг сони қанча бўлади? Бу китобларга мухлис топиладими? Оқибатда мактаб, коллеж ва бошқа ўқув юртлари остонасида пайдо бўламиз. Яхши китоб бўлса-ку бу эзгулик белгиси. Бир чақага қиммат бўлса-чи? Яна китобхон жабр чекади. Яна уларни савиясизликда айблаимиз.



Яна бир гап. Вилоятларимиздаги адабий муҳит кўнгилдагидек эмас. Яхши ижодкорнинг асари ҳамиша ҳам ўз қадрини тополмаяпти. Кимдир яловбардорлик қилиши керак. Ёзувчилар уюшмасининг айрим вилоят бўлимлари мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилда ишлашяпти. Мисол учун, мен яшаётган вилоятда сўнги икки-уч йил оралиғида бирор марта ижодкорлар гурунги ташкил этилганини эсломайман. Мактаб ёки коллеж талабасининг илк китоби

тақдимоти ўтказилганлиги кулоққа чалинади, холос. Аммо шуниси аниқки, чин ижодкор учун булар баҳона бўлолмайди. Фақат ёшларнинг адабий диди пастга шўнғимаслигини ўйлаб айтаяпман, холос. Бизда адабий андишасизлик унчалик модага кирмаган. Бироқ лоқайдлик душманликдир. Айтадиларку, "қарс икки кўлдан". Барибир, ижодий баҳслари бўлмаган адабиёт тўниб қолади. Бу барчамизни ҳушёр этмоғи керак.

АДИБ ҲАҚИДА

Ўроз ҲАЙДАР – 1957 йил Чироқчи туманида туғилган. ЎзМУни тамомлаган. Ҳозирги кунда Қашқадарё вилояти ИИБ наشري – "Посбон" газетаси бош муҳаррири вазифасида фаолият юритмоқда. Унинг "Қуёш ўтови" (1984), "Куйловчи тошлар (1990), "Мусиқор"(1993), "Қизалоқ ва қизғалдоқ" (1993), "Ҳазилкаш қиш", "Аксиома" (2003), "Оқ соя" (2004), "Вақт изтироби"(2005)", "Яйловдаги оқ чодир" (2005), "Руҳафзо" (2006), "101 сонет" (2010), "Кечиккан фасл" (сайланма, 2010), "Фалак фаввораси" (2012) шеърӣ ва "Талваса" (2004), "Эн" (2005), "Икки ўлим" (2011) насрий асарлари чоп этилган. Бир нечта публицистик тўпламлари нашр қилинган. "Талваса" детектив романи асосида кўп қисмли видеофильм суратга олинган. "Кечикмаган тазарру" драмаси вилоят мусиқали драма театрида сахналаштирилган. "White shadow" (инглиз), "Beyaz go'lgе" турк тилида китоблари чоп этилган. Бир туркум шеърлари рус, ассам, тожик, қозоқ тилларига таржима қилинган. Ҳиндистонда нашрдан чиққан "Ўзбек шеърӣяти антологияси"да ассам тилида ва "XX аср ўзбек шеърӣяти антологияси"да бир туркум шеърлари ўрин олган.





Ўроз ҲАЙДАР

Мендан замин ўтар, ўтгунча кутгум

КУТИШ

Менчалик ўртаниб сизни ким кутган,
Она боласини кутмайди бундай.
Ерлик эканин ким мендай унутган,
Ким кутган, илдизин узган юлгундай.

Мендай соғинмаган Сизни онангиз,
Отангиз ичкиб тўкмаган кўз ёш.
Раҳмини яшириб дўст-дугонангиз,
Кулиб йигисини этолмаган фош.

Кўз ёшим тоғ бўлиб ўсгунча кутгум,
Кутганни йўқлаб-да келармиш қуёш.
Мендан замин ўтар, ўтгунча кутгум,
Кутаман то фалак бергунча бардош.

* * *

Нега булар бунча шовқинга ўчдир,
Нега? Негга булар бунча бақироқ.
Аммо саҳро каби қалби бўм-бўшдир,
Манглаймас, саробдан толе ярқироқ.

Куриган дарахтдек қовжираб сўнган
Дунёқараиш деган илоҳ эҳсони.
Кўзларида меҳр томчиси тўнган,
Ичида бор эмиш юҳо илони.

Нонуштаси зулмат, ичгани зардоб,
Кўнглингни қилига теккани-теккан.

Ўзиникин эмас, қозоғга ўраб
Ўзгалар ҳасратин чеккани-чеккан.

Гарчи Олимп эмас, қўлида ўт йўқ,
Ҳар жойга ўт қўймоқ шавқида жунун.
Ўтинин ёқмоққа тополмасдан чўғ,
Қуёшни келтирар тутатқи учун.



ТАВБА

Ёлвормайман, севгилим, кечир,
Таяммумга муҳтож чоғи Ииқ.
Мендан бугун, о, ҳамма чўчир,
Бекинади атроф ҳам очиқ.

Иш тутмангиз экан таваккал,
Кўрсатаркан ҳар не-да кучин.
Кечир, гулим, Худодан аввал,
Сени суюб қўйганим учун.

РАДДИЯ

Йўлнинг ўртасига қозиқ қоқиб чол,
Эчкисин боғлади ва бўлди хушҳол.

Назоратчи келди ҳовлиқиб: – Оббо,
Бу жой ўтлоқзормас, адашманг, бобо.

Сени шу йўл боқар, ранжима ҳеч ҳам,
Менинг эчкимни ҳам боқар-да, болам.






Неъмат АРСЛОҢ

КҮҢГИЛ ТУБИДАГИ ДУНЁ

Ҳикоялар





ТУМАНЛИ МИНТАҚА

I
Қуёш тўла тутилганга ўхшар, унга ойнинг сояси эмас, ойдан ҳам улкан бошқа бир сайёранинг қўланкаси тушиб тургандай нотабий бир манзара зуҳур этган, бутун борлиқ қўнғиртоб рангларга қоришиб ётганлиги сабабли ҳамма нарса ваҳимали ва айна тобда сирли кўринар, Тушнинг ёлғиз ўзи (у ҳаммиша ёлғиз эди) ана шу манзарага бир бўлак шиша синиғи орқали қараб ўтирарди.

Салтанат ажойибу ғаройиб воқеа-ҳодисаларга нақадар бой бўлмасин, улардан фойдаланишга Тушнинг ҳаққи йўқ. Уларнинг ҳаммаси Миябеканинг тасарруфид ва Миябека ўз салтанатини ғоят қаттиққўллик билан бошқариб тунда ўз аъёнлари билан уйқуга кетишдан олдин ўша ажойибу ғаройиб воқеа-ҳодисалар водийси устига улкан чойшаб ёпиб уларни ухлатиб кўярди.

Қариб қуюлмаган донишманд ва айна пайтда боладек ўйинқароқ Тушнинг тункезарлиги ҳамма ухлагандан кейин дунёни бошқаришга ўзича беҳуда уриниб салтанат кўчаларини айланиши, чойшаб остидан учи чиқиб қолган битта-яримта воқеотни топиб олиб турли-туман шаклларга солиши Бекага маълум бўлса-да, бундан ҳеч кимга жиддий зарар етмаслигини ҳисобга олиб индамасди.

Декабрнинг узун кечаларидан бирида Миябека ва унинг салтанати уйқуга кетгандан сўнг Туш одатдагидек чироқлари ўчган уйлар деразасидан мўралаганча боқаркан, харобгина бир кулбада эртанги дарсга ҳозирлик кўриб ўтирган иккинчи тоифа ўқитувчиси Қурбонони кўриб қолди. Дарҳол қўлига синиқ шишасини олиб кўзига тутиб қаради.

Шунда Қурбоно ҳам одатдан ташқари нимадир юз бериши муқаррарлигининг дастлабки белгилари зуҳур эта бошлаганини пайқади ва ишга бориш олдидан ҳар эҳтимолга қарши шимини дазмоллади, жавондан энг яхши кўйлагини олиб кийди. “Крокодил” фирмасида тайёрланган бу кўйлак андек шалвираб қолган бўлса ҳам шуни маъқул кўрди. Тўғрироғи кўйлакнинг ўзи эмас, ёқаси ва чўнтаги устига туширилган кўк тимсоҳнинг суврати унга ёқарди. Шу кўйлакни кийиб, ҳаворанг бўйинбоғини боғлаб чиққан куни ўзини дадилроқ сезарди у.

Кийиниб бўлгач тақвимга қараб кунни белгилади: чоршанба, 1899 йил, декабр.

– Октябр, баркут мавсум, – дейди Туш дераза рапига бемалол жойлашиб олиб, – октябрнинг ўртаси, адашма.

Қурбоно деразадан қараб япроқлари заъфарон тус олган тутни кўрди. Унинг ёнида ловуллаган гулханга айланган зардолу ва япроқлари қирмизи ранга бўялган терак. Аммо бу рангларнинг ҳаммаси қўнғир шиша орқали намоён бўлаётгани сабабли туманга чўлғангандай таассурот қолдирарди.

Қурбононинг ҳайрати ошди, қошларини чимириб, “ё тавба!” деганча чўзинчоқ қотма юзини силади, мактабга боргач бу ғаройиб манзара тўғрисида ўқувчиларга гапириб беришни ўйлаб жилмайиб кўйди.

– Йўқ, – деди Туш, – сен мактабга бормайсан, маошинг кам, ҳаётинг ночор, тун бўйи ухламай консепт ёзасан, дафтар текширасан, кўрғазмали қурол тайёрлайсан, сен бу оғир меҳнатдан қутилиб, ҳеч бўлмаганда

маориф соҳасининг раҳбари бўлишинг керак. Бу хомхаёл Қурбонони чалғитолмади. Шундай бўлса-да, ширин бу орзиқ ичра иягини силай бошлади, соқоли олинмаганди, эринди, бир кун ишга ўзи хоҳлагандек борса осмон узилиб ерга тушмаслиги хаёлидан ўтаркан, бўйинбоғини ечиб ташлади. Назарида бўйинбоғ соқоли олинмаганини бўрттириб кўрсатадигандай.

Бўйинбоғсиз кўчага чиқди-ю, кўзга кўринмас аллақандай куч таъсирида яна қайтиб ҳовлига кираркан, деворларга дарз кетганини кўрди. Қаншаридаги оғирлик (ўша кучнинг таъсири бўлса керак) силжиб энсасига ўтди. Тут япроқлари бошига, елкасига кўнди. Дарахт танасидан қоп-қора суюқлик оқаётганини кўриб унга бармоғини теккизди ва ялаб кўрди, нохуш таъм: аччиқ-тахир, какрадай. Тутнинг қони!..

Ичкарида сувараклар дастурхонга хужум бошлаганди. Улар шу қадар кўпайишган эдики, бу ерда инсон уйнинг эгаси эканлигини хаёлларига ҳам келтиришмасди. Оёғини ерга тап-тап урди Қурбоно. Сувараклар бир дам тўхтаб бошларини кўтаришди, шохларини осмонга тўғрилаб қотиб туришди ва нон бўлакларига аввалгидан ўн карра кучли иштаҳа билан ёпишдилар.

Қурбоно ортига тисарилди ва қичқирди:

– Зибижҳаво!

Унинг чорловига ҳеч ким жавоб бермади. Аслида Қурбоно ёлғиз яшар, бўйдоқлигини билар, шундай бўлса-да, мана бир неча дақиқадики, ўзини Зибижҳавога уйланган деб ҳисобларди.

Зилзила олдидан бўладиган гувранишга ўхшаш овоз эшитилар, давомли, босиқ, салобатли эди бу овоз. Дунёдаги бошқа бирорта кучни тан олмайдиган зуғум сезилиб турарди унда. Вазият ёмон, ишга боришим керак. Ана шундай қарор билан яна йўлга отланди Қурбоно. Ҳовлига чиққанда дарахт ям-яшил барг ёзиб турарди. Беихтиёр жилмайди Қурбоно. Осмон зангор тусда. Қуёш. Девор устида бир тўп қизғалдоқ. Енгил бир куйни хиргойи қилиб кетаверди.

“Агар қорнингга бир тепсам,

Нақанг... қурвақадек сайрар...”

“Нақанг” деганда қоғозга ёзиш ноқулай бир нарсани кўзда тутарди у. Очиқ айтишдан истиҳола қиларди. Ишхонага яхши кайфият билан кириб борди. Лекин бошлиқ қовоқ осиб, хурпайиб қарши олди. Шунда кўзга кўринмас кучнинг яна бир аломати “мана ман” деб яққол кўринди. Бошлиқнинг хонасида узоқ йиллардан бери осилиб турган суврат ўрнини бошқа суврат эгаллаганди. Кўзлари чағир бир одам.

Хонага бошлиқ ўринбосари ва яна беш киши кириб келишди.

– Хаёлингиз жойида эмас. – Танбех берди бошлиқ.

Қурбононинг пешонаси тиришди. Беихтиёр соқолини силади. Соқол кўйган кишиларнинг ҳаммаси шундай қилади. Соқол гоҳида вазиятдан чиқишга ёрдам беради, уни силаб туриб вақтдан ютиш, фикрни тўплаб олиш, рақибни чалғитиш мумкин.

Ҳамманинг нигоҳи Қурбонога қадалганди. Буни пайқади Қурбоно, шунданми, бармоқларининг учидан титроқ пайдо бўлди. Соқолини юзидан сидириб ташлашга чоғланган каби кафтини юзига босиб аввалги ҳаракатини бир қадар тез ва асабий тарзда такрорлади-да, қўлини дарҳол стол остига яширди.



– Дам олинг, – деди бошлиқ.
Кимдир енгил хўрсинди. Қурбоно бош кўтариб бошлиққа қаради.

- Дам ола тулинг, – такрорлади бошлиқ.
- Қандай маънода? – сўради Қурбоно.
- Тўғри маънода, – жавоб қилди бошлиқ.
- Бирор ўзгариш юз бердимми? – сўради Қурбоно.
- Берди.
- Газета ўқимайсиз, – гапга аралашди ўринбосар.
- Нима керак ўзи сизга шу даҳмаза!
- “Даҳмаза” деб соқолни айтаётганди бошлиқ.

Қурбоннинг қўллари юзига томон кўтарилди-ю, соқолига етиб бормади. Бир дам ҳавода муаллақ қолиб, сўнг яна стол тагига кириб яширинди. Дам олсам қайтанга яхши эмасми, хаёлидан ўтказди Қурбоно. Ўрнидан турди, хайрлашди ва ташқарига чиқиб эшикни аста ёпди.

II

Бир ҳафта уйдан чиқмай ётди, китоб ўқиди. Хона деворида Леонардо да Винчи билан Лев Толстойнинг суврати осиглиқ. Иккала чол ҳам соқолли, иккаласи ҳам ғоят буюк. Ўқиётган китобини қўйиб сувратларга қаради. Иккаласининг ҳам соқоллари оқ, пахмоқ, бир кучоқ. Ўзиникини силаб кўрди ва ойнага қаради. Соқоли қисқа кузалган, чеккаси бўйлаб токи жағигача тўғри тушган ва иякка томон қайрилиб келган, юнон нусха. “Соқол қўйган билан инсон аҳмоқ бўлиб қолмайди”. Ана шундай хулосага келди Қурбоно.

Бошлиқ айтган муддат тугаган ва энди ишга бориши керак. Эрталаб соат етти бўлмай ўрнидан турди. Нима учундир ташқари ҳали ёришмаган. Худди деразаларнинг ташқи тарафидан қора парда тутиб қўйгандай. Эшикни очаркан, еру кўкни туман қоплаб олганини кўриб хайрати ошди. Май ойида ҳам шундай қалин туман тушиши мумкинми? Йўқ, бўлиши мумкин эмас, олди ёз. Ақлга сизгайдиган ҳолат. Туманми ўзи шу, деган шубҳа билан қўлини чўзганди, қўли тирсагидан кесиб ташлангандай тумтоқ кўринди. Кўрқиб кетиб бирдан қўлини тортиб олди. Сўнгра бармоқларини силкитиб лойқа сув бетидеги хас-чўпларни чайпаётгандай ҳаракатлар қилиб кўрди. Қўлини тўлғаганда туманлик сийрақлашар, чекинара, оралиқ пайдо бўлар ва қўл ҳаракатдан тиниши билан зарралар яна аввалгидай қуюқлашарди. Туман ичкарига ҳам бостириб кира бошлаганини, унинг бир бўлаги эшик ортидаги кунжакни эгаллашга улгурганини кўриб эшикни дарҳол ёпди. Энг ёмони: туман унинг кўзларидан, бурнидан, қулоғи ва оғзидан кириб бош чаноғини тўлдираётганди. Қурбоно буни пайқаб саросимага тушди. Балки бирор хабар эшиттириб қолишар деган умидда радио қулоғини буради.

Бир маромдаги гувиллаш орасидан кимдир хирқироқ овоз билан ҳаётнинг фаровонлиги, дастурхоннинг тўқинлигини мақтарди. “Аҳмоқ ўзини мақтайди” иккинчи бор хулоса чиқарди Қурбоно ва бундай пайтда уйда қолиши мумкин эмаслигини тушунди. Вазиятга ўй эмас, ташқи олам аниқлик киритади деган умидда кўчага отилди.

Туман қалинлашган, зулумот, ҳеч нарса кўринмайди. Дов-дарахтлар қани? Йўл бўйлаб улкан илондек бураланиб ётадиган иссиқлик қувурлари қани? Кўзларини қанчалик йириб-йиртиб қарамасин ҳеч нарса кўролмади.

Туманлик ичида Нисо турганини пайқайди. Уни кўролмади, лекин шу нарса аниқки, Нисо шу ўртада.

Нисонинг олдига бориш учун қора туманликни худди сувда сузаётгандай қулочкашлаб суриб ташлаб олган интилди. Аммо Нисони кўриш имкони бўлмади. Туман борган сари қалинлашарди. Нисо эса шу ўртада. Ҳавони ҳидлаб кўрди. Нисонинг ҳиди. Фақат Нисогина шундай ҳид таратади. Атрофга аланглаш бефойда, чақирди:

- Нисо, қаердасиз?!
- Қурбоно! – овоз берди қиз.

Товушнинг қайси тарафдан келаётганини бундай туманда англаш қийин. Қурбоннинг юраги орзиқиб туманнинг бу қадар қалинлигидан хурсанд бўлиб кетди. Жуда соз! Нисони бемалол кучоқлаш мумкин, ҳеч ким кўрмайди! Қизни аввал бирор марта бўлсин кучоқламаган, ҳатто қўлидан ушлашга ҳам журъати етмаган. Мана энди имкони бор. Фақат уни топсам бас, кучоқлаб оламан. Индамайди. Чунки... шу жойга келганда бироз ўйлаб қолди Қурбоно, нега индамайди? Индамаслиги аниқ, лекин нега индамайди? Чунки бугун одатдан ташқари кун. Туман. Нимадир юз берадигандай. “Юз бера бошлади” ўз фикрини тузатди Қурбоно. Агар туман кўтарилса ер юзида ҳеч вақо қолмайдигандай, ҳаммасини туман ўзи билан осмонни ҳафтумга олиб чиқиб кетадигандай. Шундай экан, Нисо нега аясин ўзини, аямайди. Шундай ўйлар хаёлида чарх уриб яна чорлади:

- Нис-о-о!
- Мен бу ерда, Қурбон-ноо! – қичқирди қиз унинг ёнгинасидан. Қўл чўзганди Қурбоннинг бармоқлари қизнинг кўксига тегди. Ушлади. Қиз индамади. Аммо шу лаҳзада ишга бориши ёдига тушди.

– Хайр! – деди Қурбоно ва қулочкашлаб суза кетди.

- Қиз индамади.
- Сени ишдан кейин “Тўқин дастурхон” емакхонасида кутаман деган қичқириқ эшитилди туманлик ортидан. Қиз бунга ҳам жавоб қилмади.

Сузиб бораркан, ўз-ўзидан қувониб кетди Қурбоно. Чунки энди сузиб бораётганини аниқ пайқайди. Бундай ҳолатда бошмоқ йиртилмайди, кўпга чидайди.

III

Ишхонада кўп нарса ўзгарган. Бошлиқнинг хонасида яна бошқа кишининг суврати.

– Хўш, хизмат? – деди бошлиқ соқолини силай туриб.

- Ишга, – жавоб қилди Қурбоно.
- Қанақа ишга? – ажабланди бошлиқ.
- Ўзимнинг ўрнимга, – жавоб қилди Қурбоно.
- Сиз кимсиз ўзи? – сўради бошлиқ.
- Мен Қурбоно.
- Танимадим.

Хонага уч нафар ходим кириб келди. Ҳаммаси нотаниш. Соқол қўйган ёшлар. Ҳаммасининг юзида ажабланиш. Яна икки киши кириб келди. Иккаласи ҳам соқоллик. Уларнинг бири таниш, бошлиқ муовини. Ўрнидан туриб қўл чўзди Қурбоно. Муовиннинг кўриниши ўша-ўша, ўзгармабди, бир ҳафтада ўзгариб қаерга ҳам борсин. Қуюқ сўрашди Қурбоно, шу одамга хушомад қилгиси келди.

- Бошлиқ сўради:
- Бу киши ким?
- Бир пайтлар бизда ишларди, – жавоб қилди муовин.



– Нега бир пайтлар? – ажабланди Қурбоно.
– Етти йиллар бўлди-ёв, – деди муовин Қурбононинг гапига эътибор бермай.

Дам бошлиққа, дам муовинга жовдираб қаради Қурбоно.

– Ишдан не сабаб кетгансиз? – сўради бошлиқ.

– Кетганим йўқ, – жавоб қилди Қурбоно.

– Кетмаган бўлсангиз энди кетасиз.

Муовинга савол назари билан қаради Қурбоно.

– Газета ўқимайсиз, – ўпкалади муовин.

– Штат қисқарган, – яқун қилди бошлиқ.

Қурбононинг хўрлиги келди.

IV

“Соқолимни қириб ташламаганимда балки шундай бўлмасди” деди Қурбоно ўзига ўзи. Ходимлар бошлиқ хонасини тарк этишди. Нега соқолимни олдим ўзи, биров мени мажбур қилмагани-ку! “Нима қиласиз шу даҳмазани” деганди ўшанда муовин, бор гап шу. Уларнинг соқоли йўқ эди, бир ҳафтада девордаги суврат ўзгариши ҳамон соқол қўйворишибди.

– Сизга рухсат, – деди бошлиқ.

Дарҳол ўрнидан турди Қурбоно.

– Бугун туман тушган, – деди кўнглида пайдо бўлган мубҳам илинж билан. Табиат кучларининг одатдан ташқари шиддати инсон кўнглини юмшатади, одамларни бир-бирига меҳрибон қилиб қўяди.

Лекин бошлиқнинг кўнгли юмшамади.

Қўйи Қават даҳлизда муовинни кўраркан, унинг “етти йил бўлди-ёв” дегани эсига тушди. Нега булар бир ҳафтани етти йил дейишади, мени мазах қилишяптими? Ё бўлмаса уларники Ер вақти-ю, меники коинот вақтими? Коинот вақти! Коинот вақти!

Ана шундай ўйлар оғушида кўчага чиқди. Туман тарқалмаган, эрталабкидай. Ҳеч нарса кўринмайди. Ўзини қора қурум зарралари бағрига отди Қурбоно ва ҳар иккала қўлини баравар ишга солиб суза кетди. Рўпарадан қулоч отиб келаётган кекса бир киши саломлашиб ўтди. Шуниси қизиқки, ўз уйини адашмай топиб келди. Уйнинг девори ва эшик-деразалари кўринмаса-да, қўли билан пайпаслаб айрим белгиларни таниди.

Уйга кириб ойна олдига борди. Кўзгу сатҳини қоплаб олган чанг пардаси ортида иккита қорачик. Бармоқлари билан чангни силаганча ойнага гоҳ ўнг, гоҳ чап ёни билан қараб Нисо билан ўзи ўртасидаги муносабатларнинг чуқурлашиб бораётгани ва бир кун келиб шу қизга ҳаётий масалада гап очишга зарурат туғилиши, қиз уялиб кўзларини ерга қадаб “майли” деб жавоб беришини ўйларкан, афсус, шундай нозик дамда унинг юзини, кўзини, киприklarини кўролмайдман, лаънати туман халақит беради деган хаёлга борди-ю, кўзгу олдидан шахт ила узоқлашиб хона тўрига, деворга тақаб қўйилган курсига бориб ўтирди.

V

Дедушка туман

Всё спрятал в карман

И леса, и поля...

Болалигида ёд олганди Қурбоно бу ўрисча шеърни. Ҳеч ким мажбурламаган, ўзи ёд олганди. Бироқ шу аснода давомини эслолмади. Сўзларни ҳам тўғри айтганига шубҳаланди. “Ҳа, хотирамнинг мазаси қочаяпти” деганча бошини ушлаб-ушлаб қўяркан, ран-

ги униқиб кетган икки дона дорини оғзига ташлаб совуқ чой билан ютиб юборди. Яна ойнага қараганда қорачиқлари кучли ҳароратдан ёғдуланиб турганини кўрди. Чекка томирлари одатдан ташқари куч билан лўқиллаб урарди. Вужудида лоҳаслик. Дўхтирга бориш керак деган ўй билан ташқарига чиқди. Ўттиз-қирқ чоғли одам бараварига қулочкашлаб сузиб ўтди олдидан. Улар зобитлар эди. Зобит дегани забт этувчи, яъни босиб олувчи дегани. “Булар қаерни босиб олмоқчи экан” деган ўй лип этиб хаёл кўзгусида бир кўринди-ю, дарҳол сўнди. Бу тўғрида ўйлашнинг зарурати йўқ. Зобитларни таниб бўлмас, юз-кўзлари кўринмас, эгниларидаги либослари хурпайиб турарди. Силтаб ташлаётган қўллари ҳавосиз бўшлиқ ва кучли оқим ҳосил қилаётгани сабабли туманлик нишолда-дай чўзилар, дам қисқарар, қоронғу кечада ундан-да қоронғироқ соялар ўйнаётгандай кўринарди.

Агар кўзим ловуллаб алангаланиб турмаганда балки уларни умуман кўролмаган бўлардим, хаёлидан ўтказди Қурбоно. “Каркидон” емакхонаси ёнида иккита қора шарпа кўринди. Шакли-шамойили одамдай. Бир-бирига қапишиб турибди. Эркаклар бунчалик бири иккинчисининг пинжиги кириб турмаслиги керак, аёллар ҳам. Демак, уларнинг бири аёл. Шундай бўлгач иккинчисининг эркак бўлиши шубҳасиз.

– Нисо-оо! – чақирди Қурбоно.

Туманлик ҳаракатга келди.

– Нима иши бор сенда, – тўнғиллади эркак.

– Ҳозир, – деди Нисо унга ва Қурбоно томон кела бошлади. Эркак ортидан эргашди-ю, икки қадамча нарида “нима гап” дегандай қараб тураверди. Сўнгра худди йўл торлик қилгандай Нисонинг қўлидан ушлаб нарироқ суриб қўйди-да, ўзи олдинга ўтди. Тақалиб келди. Соқоли туман рангида бўлгани учун ҳам иягидан ергача осилиб тушгандай кўринарди. Қўйнидан пичоқ олиб Қурбонога хезланди.

– Ўлдирма, – деди Қурбоно.

– Нима учун? – сўради Соқолли.

– Ўзим ўламан, – жавоб қилди Қурбоно.

– Алдама, – пўписа қилди Соқолли.

Нисо юзини тескари ўгириб турарди. Кейин сал нарироққа бориб тош устига ўтирди. Туманлик орасидан уни аниқ ва тиниқ кўриб турарди Қурбоно. Пичоқ тақаб турган эркакнинг ҳаракатларини назардан қочирмаган қўйи кўз қири билан қизни ҳам кузатмоқчи бўларди.

– Алдама! – вишиллади ғазаби тошган Соқолли.

– Ҳамиша рост гапирганман, – деди Қурбоно бо-
сиқлик билан.

– Ҳозир ҳеч ким рост сўзламайди. Рост гапирганман деганингни ўзи алдов. Ҳатто анавиам, – тош устида ўтирган қизга боши билан имо қилди Соқолли.

– Мен ўзим учун жавоб бераман, – деди Қурбоно.

– Нима, ундан кечасанми?

– Ундан бошқа ҳеч вақом йўқ, кечмайман.

– У меники.

– Мен унга уйланаман. Сеники бўлса ҳам майли, уйланаман.

– Бесоқолга тегмайди.

– Соқол қўяман.

– Улгурмайсан.

– Меники тез ўсади.

– Аввал жонингни қутқаз. Ўликнинг соқоли ўсмайди.

Қурбоно индамади.

– Тезлатинглар, – қичқирди қиз.

Нозу истиғнога тўла бу овоз эркакларнинг диққатини тортди. “Ҳозир-ҳозир” дейишди улар ва тезлатиш мақсадида бир-бирларига кўз тикиб, юзларига қатъият ифодасини беришди.

– Соқолим бор эди, бир сабаб билан олдиришга тўғри келди, – муроса қила бошлади Қурбоно.

– Ўлдираман, – вишиллади нимадандир баттар жаҳли қўзиган Соқолли.

– Айтдим-ку сенга ўзим ўламан деб.

– Қачон?

– Яқинда.

– Кунини айт.

– Бир кунга етмайди.

– Авжима.

– Рост айтаяпман. Бир неча дақиқа қолди.

– Мен ўлдирарканман-да унда?

– Йўқ ўзим ўламан.

Соқолли соатига қаради ва сўради:

– Заҳар ичганмисан?

– Шундай десам ҳам бўлади.

– Унда нега азобланмаяпсан?

– Азобдаман. Ҳали бирор кун роҳат қилганим йўқ.

– Курареми?

– Ундан ҳам баттар.

– Балки синил кислотасидир?

– Ичганман.

– Маргимуш керак эди сенга, – маслаҳат берди Соқолли.

– Еганман.

– Лекин манави пичоқ ишни ҳаммасидан тезроқ бажаради, пичоқ ейсан.

– Хоҳишинг, – деди Қурбоно афсус билан, – бесабр экансан. Ўзингга қийин. Мени ўлдирсанг ўзинг ҳам омон қолмайсан. Ҳеч бўлмаганда қамаласан. Нисодан мосуво бўласан. Қўй, ундан кўра ўзим ўлай. Умрим қисқа, бор-йўғи бир неча дақиқага ё етади, ё етмайди.

– Хўп, кўра миз, – деди Соқолли ва пичоғини қўйнига тикиб қиз томон одимлади.

– Мен коинот вақти билан айтдим – қичқирди Қурбоно унинг ортидан.

– Менга барибир, – қўл силтади Соқолли, – ўлсанг бас.

VI

Шифоатхонага йўл олган Қурбоно туманликда адашиб жун жийитиш корхонаси олдидан чиқиб қолди. Яшил бўёқ билан катта-катта қилиб ёзилган “Ж-Ж-Ж” ҳарфлари юқорига қараб барабар ўрмалаб кетаётган кўнғизларга ўхшарди. Жун жийитиш жамоаси деб ҳар доимдагидек ички овоз билан ўқиди Қурбоно. Тоғораларнинг даранглаши, сувнинг шапирлаши, ивиган юннинг шап-шап этиб ерга тушиши қулоғига чалинди. Бинонинг зах босган ва шўрланган деворлари шарқ томондан тери қабул қилиш омборхонасига, ғарб томондан тери ошлаш цехига туташ. Ҳовлининг олдида ошхона, орқасида ўт ўчиришга мўлжалланган ҳовуз.

Қурбононинг шуурида иккиланиш. Шундай бўлаверса ишдан ажралиб қоладигандай. Ҳеч қуриса шу ерга ишга кираман деб кўнғидан ўтказди. Дарвозадан ичкарига кираверишда “Илғорлар” деган лавҳа. Нариги деворда “Жаҳон бизга тан берди!” деган шиор, унинг

ёнида кўрсаткичлар жадвали. Жадвал ёнида кармакда ивиган терини пичоқ билан қиртишлаётган ишчи тасвири. Бамисли мижознинг соқолини қираётган сартарош қиёфасида. Беихтиёр жағини силаб соқоли анчагина ўсиб қолганини пайқайди Қурбоно. Иягининг ости қичиди. Икки бармоғи орасига олиб эзгилаб қичиғини қолдирди ва яна суратга қаради.

Соқоли тез ўсаётганидан кўнгли тоғдек кўтарилиб баланд руҳ билан қаддини тик тутиб ишхонасига йўл олди. Туманлик ер сатҳидан икки ярим қулоч юқорига кўтарилган кўйи қотиб қолган. Ўзининг энг сара либосларини кийиб олганди Қурбоно. Колорадо кўнғизидай йўл-йўл кўйлаги анча кийилган бўлса ҳам ҳали яп-янгидай кўринар, малла тусдаги чий бахмал шими ўзига ярашиб турарди.

Йўл бўйидаги ёғоч ўриндиқда қарта ўйнаб ўтирган икки чол худди мўъжизани кўргандай оғизлари очилиб Қурбонога қарашди.

– Дунёни бузаётган ана шулар, – тўнғиллади чоллардан бири.

– Бунга бирорта ҳам аёл турмушга чиқмайди, – пихиллаб кулди иккинчи чол, – соқолини қара!

Қурбоно ортига ўгирилиб қаради. Чолларнинг шалвираб қолган соқолсиз юзлари такаки теридай тароватсиз.

Ишхона дарвозаси олдида турган миршаб ҳужжат сўради.

– Шу ерда ишлайман, – деди Қурбоно.

– Уч йилдан бери шу дарвоза олдида тураман, сизни кўрмаганман.

– Катта жамоа, ҳаммасини танимайсиз-ку?

– Танийман. Бу ерда соқолли кишилар ишламайди.

– Бошлиқ ҳам, муовини ҳам соқолли, ходимлар ҳам.

Миршаб билан узоқ тортишди Қурбоно ва ниҳоят беш дақиқага руҳсат сўраб олди. Бошлиқ ўз хонасида ўтирарди.

– Хўш, хизмат, – деди бошлиқ салобат билан.

– Ишга.

– Ваъда беролмайман, – деди бошлиқ.

– Соқолим бор-ку, – ажабланди Қурбоно.

– Соқол ҳужжат эмас. Ундан ташқари кўпчиликдан ажралиб қолмаслик керак. Бир ўзинг доно бўлгунча, кўп билан девона бўл, дейдилар.

– Ахир кечагина ҳамманинг соқоли бор эди, – эътироз билдирди Қурбоно.

– Сиз айтган “кеча”дан буён кўп сувлар оқиб ўтди.

– Бўпти, қирдириб ташлайман, ишлашим керак.

Менга соқол эмас, иш керак. Бир кунда шунча ўзгариш, – деди Қурбоно девордаги суратга қараб.

– Замондан ортда қолмаслик керак, – насиҳат қилди бошлиқ, – унга зид бормаслик ҳам керак.

– Ахир, соқолнинг қўлидан нима ҳам келарди.

– Ҳалиям англамадингиз, – дея ўрнидан кўзғалди бошлиқ. Суҳбат тугаганини тушунди Қурбоно.

VII

Бошлиқнинг хонасидан чиқиб атрофни диққат билан кузатди, одамларга разм солди ва дунёда нималар бўлаётганини билиш учун шаҳарнинг шарқий минтақаси томон йўл олди. Туман худди кечагидек ер сатҳидан анча юқори кўтарилганча қуюқ қора тим ҳосил қилган кўйи қотиб турарди. Тўрт нафар аёл “Ило-ё соқолинг гўрда чирисин!” деганча югургилаб

ўтаётганини кўриб ўзини панага олди. Аёллардан бири ниманидир пайқаб қолгандай ортига қайтиб келди. Чаққонлик билан симёғочга ёпишиб юқорига кўтарилла бошлади Қурбоно. Ва туманлик ичига кириб беркинди. Симёғоч остида тўхтаб юқорига қаради аёл ва огоҳлантирди:

- Токка эҳтиёт бўлинг!
- Сиз мени кўраяпсизми? – ажабланди Қурбоно.
- Ҳазилга бало борми, – чийиллади аёл ва ўз йўлига кетди.

Йўлақдан писта чақиб келаётган қиз Нисога ўхшарди. Ёнида дурустгина кийинган эркак. Иккови гаплашиб келишарди. Симёғоч тагига келиб тўхтаб юқорига қараганча кула бошлади.

- Нима гап? – сўради Қурбоно.
- Ўзингдан сўрасак, – деди қиз ҳамроҳига кўз қисиб.
- Сени кутиб тургандим.
- Қурбономисан? – сўради эркак.
- Шундай, – жавоб қилди Қурбоно.
- Э... ҳалиям тирикмисан?
- Ўзинг-чи?
- Бу нима деганинг, ахир сен ўламан деб ваъда берганинг.– Соқолинг қани?
- Даврдан ортда қолгансан, Қурбоно, – кулди қиз.
- Сенга уйланиш учун соқол кўйдим.
- Наҳотки соқолли эркакларнинг хотинлари қочиб кетишаётганидан беҳабар бўлсанг?
- Хабарим бор. Ҳозиргина эрларини лаънатлаб ўтиб кетишди.
- Унда шунга қараб иш қил.
- Улар қўл ушлашганча узоқлашдилар.
- Бесоқолга тегмайди деганинг-ку, – қичқирди

Қурбоно уларнинг ортидан ва симёғочдан тушиб орқасига қайтди.

Уйининг деразаси тагига бир уюм туман чўкиб қолганди. Оёғи билан уни тепиб кўрди, шунда гувраниш кучайди. Қўрқиб кетиб ўзини четга олди Қурбоно. Сўнгра уйига кириб оғир ўйга чўмди. Балки умрида биринчи марта астойдил фикрламоқда эди. Натижа чакки бўлмади. Хаёлига шундай ажойиб фикр келдики, ҳамма муаммоларнинг ечими ана шу фикрда ўз тажасумини топганди.

Шошилиш тарзда ишга киришди. “Ҳа, инсон онги ҳамма нарсага қодир, фақат уни ишга солиш керак” деди қувончдан юзи ёришиб. – Замон тез-тез алмашиниб турибди. Аёллар бугун соқоллиларни яхши кўришса, эртага бесоқолга муҳаббат қўядилар. Иш масаласи ҳам худди шундай. Демак қарорим тўғри”.

Қурбоно сира иккиланмади. Соқолининг ярмини олиб, ярмини қолдирди. Энди чап юзи соқолсиз, ўнг юзи соқолли. Ойнага сўнги марта назар солди. Ажойиб! Иягининг ўртасигача жуда аниқ чегара ҳосил қилган соқолли худуд билан соқолсиз минтақа кескин ажралиб турибди. Кўзгуга ёнбоши билан турди, соқолли одам намоеън бўлди. Тескари томонга ўрилганди, бесоқол йигит юз кўрсатди.

Энди бемалол ишга бораверса бўларди.

Кўчага чиқиб кўнғир тусдаги бир бўлак ойна оёқ остида синиб ётганини кўрди. Туманлик мисли кўрилмаган даражада қалинлашган. Гувраниш кучайган, гўё ҳар бир зарра ўзича овоз берар ва уларнинг овози кўшилиб умумий гувраниш ҳосил қиларди.

Афсуски, Қурбоно ана шу гувранишга диққат билан қўлоқ солмади. Вужудини туманлик бағрига отдида, қўлочкашлаб сузиб кетди.

СОЯДА УХЛАЁТГАН ТОЛЕЪ

*“Толёъим сандал ёғоч,
экса кўкармас пояси”
(Раҳматли момонинг чарх йиғириб
айтадиган кўшиқларидан).*

I

Патрот топган рўзгорини ўнглаб олишга бўлган узоқ уринишлар Бешимни батамом толиқтирди. Ниҳоясизлик чарчатди уни. Қайси ишга қўл урмасин, меҳнатнинг сўнги кўринмас, энг ёмони қўл урган иши хунук оқибатларга олиб келарди. Натижада, Бешимнинг афти довча еган одамникидек буришиб турадиган бўлиб қолди. Уйқусизликдан кўзининг жияклари қизарди, оғзининг икки чети пастга осилиб тушиб, юзига сўлжайган ифодани муҳрлаб қўйди. Онда-сонда ташриф буюрадиган ним табассум ҳам унинг ажин босган юзини ва нурсиз кўзларини тарк этди. Фақат қорингина садоқат кўрсатиб, аввалги кўринишини бежирим сақлаб қолган ва ўз соҳибининг фаровон кунларидан хотирадек басавлат кўринарди.

“Эҳ Бешим, сени нима жин урди! – дея нола қилди бир куни у каравотига чалқанча ётиб шифтга термуларкан. – Бир қадам олға боссанг икки қадам ортга кетаясан”.

Ҳовлида ёлғиз ўзи бўлганлиги сабабли унинг фарёдини ҳеч ким эшитмади. Қариндош-уруғлари ўз-

ларини олиб қочишар, хотини кетиб қолган, гоҳида укаларини кўчада учратиб қолиб, ўз тақдирининг шумлигидан шикоят қила бошлайдиган бўлса, улар осонгина кутулишар, яъни ака гап бошлаши ҳамон укалар ҳам бир-бирларига навбат бермай ишлари юришмаётганидан нолий кетишарди.

Каравотда ётганча кейинги кунларда юз берган воқеаларни тахмин қиларкан, бошқа дурустроқ йўл тополмай, фол кўрсатиш керак, деган қарорга келди. Ҳеч бўлмаганда қуёнларини ким ўғирлаб кетганини билишни истарди. Қуёнларга қўшиб якка-ю ягона товуғини ҳам олиб кетишгани, айниқса, алам қиларди унга. Ҳар кун, гоҳида кунора тухум туғиб турарди жонивор. Шу воқеадан бир ҳафта олдин омборхонаси ёниб кетганда ҳам бунчалик куюнмаганди. Аслида омборхона катта йўл бўйида жойлашган кенгу мўл-кўлгина бўлиб, Бешим унинг орқасини тешиб, ҳамма қўшниларикидай “савдо дўкони” очишни мўлжаллаган, ҳатто баъзи бир нарсаларни харид қилиб қўйганди. Шундай бўлса-да, омборхонадан кўра, товуғининг йўқолганига кўпроқ ачинди. Ҳар кун кўрамтага кўмиб ёки қайнатиб, иши шошилиш пайтда қовуриб ейдиган тухумини ўйларкан, фолга бориш керак, деган фикри қатъийлашди. Ўрнидан туриб беихтиёр белини ушлади ва ғижимлашга тушди. Унинг буйраги оғирди. Ҳайдовчилик қилиб орттирганди

бу дардни. Қишда машинаси бузилиб, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги узилишда қолиб кетганди. Бахтга қарши ер музлаган, ширабўрон қилиб қор уриб турган ўша тунда бирорта таниш машина ўтмади. Бу ҳам етмагандай, орадан бир ой ўтиб-ўтмай “авария” содир бўлди. Бешим машинаси билан йўл четидаги тижорат дўконига бориб урилди. Ғазабнок дўкондор роса сўқди, калтаклади ва жарима ундириб олди. Машина деворга урилганда қаттиқ жароҳат олган Бешим касалхонадан чиқиб келганда хотини уни ташлаб кетиб қолганди. Хувиллаб қолган уйни кўздан кечириб, тошойна олдидан икки энлик хат топиб олди. Ўқиди, хотини шундай ёзган эди:

“Сенга тақдиримни кўшиб хароб бўлдим. Толеъинг паст. Энди ўз кунимни ўзим кўрай, ортимдан борма, фойдасиз. Хайр. Ёқутхон”.

Бешим стулга ўтириб қолди. Йиғлади. Кейин бир неча кун тергов идораларига қатнаб юрди, жарима устига жарима тўлади, қарзга ботди, пировардида ишдан ҳайдалди. Бу унинг еттинчи бор ишдан кетиши эди.

II

– Кўп гапирманг, – танбеҳ берди фолбин Бешимнинг бетиним жаврашидан безор бўлгандай бир қиёфада, – ўзи шундоғ ҳам юзингиздан ҳаммаси аён: пешонангизда узук-юлуқ етти қатор чизиқ, демак, ўйловингиз кўп. Кўзингиз нурсизланган, бу – умидсизлик ва омадсизлик нишонаси. Рангингизнинг таги заҳил. Демак, дардингиз бор...

Бешим жимиб қолди.

Фолбин бошига қора тўн ёпиб, унинг енгидан осмонга қараб ром очишга киришди. Бешим нафасини ичига ютиб, тўннинг осмонга чўзилган енгига қараб, енг худди кўктоқига ёзилган сатрларни бирма-бир ўқиётгандай маълум бир масофада тебраниб турарди. Ниҳоят, фолбин тўн ичидан бошини чиқариб: “Кўрдим, толеъингиз сояда ётибди”, деди.

– Энди нима қилишим керак? – сўради Бешим.

– Офтобга чиққунча кутасиз.

– Қачон чиқади? Балки умуман чиқмас!

– Балки бу менга қоронғу.

– Толеъим сояда ётса, мен бахтли бўлишим керак эмасми?

– Йўқ. Кимнинг толеъи ҳузурда бўлса ўзи азобда, аксинча жони қийноқда бўлган кишининг толеъи ҳузурда бўлади.

– Қаерда ўша номард толеъинг ўзи, кўрсам бўладими?

– Бўлади.

Бешим буни кутмаганди. Фолбинга шубҳа ичра қаради.

– Толеъларнинг ҳаммаси бир жойда, “Дўстаман” водийсидан макон топишган. Ҳозир тўнни беҳуда титкилаяпсиз, барибир ҳеч нарсани кўролмайсиз. Бунинг учун ўша водийга бориш керак.

– Олиб боринг мени! – илтижо қилди Бешим фолбиннинг пойига тиз чўкиб.

– Майли, – дарҳол рози бўлди фолбин. – Ўзим ҳам кўпдан бери шуни ният қилиб, дурустроқ ҳамроҳ топилиб қолишини кутардим. Сизга уч кун муҳлат. Ҳозирлик кўринг, уч кундан кейин ё насиб деб йўлга равона бўламиз. Иншооллоҳ, толеъингизни топасиз.

Бешим уйига хурсанд бўлиб қайтди.

III

Улар узоқ йўл босишди. Сўнги довондан ошиб юксак чўққига кўтарилганларидан кейин инсон ҳаётига бутунлай бегона, тасаввурга сиғмас даражада ғайритабиий бир манзара намоён бўлди.

– Ана, – шивирлади фолбин пастликка эгилиб қараб, – “Дўстаман” водийси шу.

Бешим ҳам ерга қорни билан ётиб, тошга тирмашган кўйи пастликка қаради, ҳайратини яширолмай, ўзгарган товушда сўради:

– Нимади анавилар?!

Фолбин жавоб бермади. Водий манзараси мантқиқсизлиги билан Бешимни шу даражада қойил қолдиргандики, ўз саволининг жавобини эшитишни унутиб, мубҳам маъвога тикилиб қолганди.

– Пастга томон энайлик энди...

Узоқ-узоқлардан эшитилгандай бўлди фолбиннинг овози. Бешим ҳамроҳининг мақсадини базўр англаб ўрнидан турди. Сўқмоқ тагма-таг айланалар ҳосил қилиб, водийга томон олиб тушарди. Ранглар тиниқ тарта борди, чаплашган чизиқлар муайян шакл ола бошлади. Тепадан қараганда булут бўлиб кўринган қора кўланка аслида дарахтлиги, дарахт бўлганда ҳам ниҳоятда улкан эканлиги аён бўлди. Фақат кўйлар суровига ўхшаб кўринаётган маъвонинг нималигини англаб бўлмасди. Етти кеча-кундуз йўл босганларидан сўнг Бешим ҳақиқатнинг тагига етгандай бўлди ва нидо қилди:

– Э воҳ, бунча кўп қўй!

– Ғалат сўзламанг. Улар қўй эмас, умуман бу жойда ҳуда-беҳуда гапларни айтавермасликни маслаҳат бераман. Муқаддас жой.

Бешим муқаддаслик белгиларини топмоқчи бўлиб, атрофга аланглади. Саҳро поёнсиз ва ҳад-худуди кўринмасди. “Бу ер Дашти Карбаломикин? Ёки Саҳройи Кабир деганлари шу жойми?” ҳаёлидан ўтказди, адабиёт дарсларида тилга олинган бундай калималардан хабардорлигидан мамнун бўлиб. Фолбин эса жиддий қиёфада кетиб борарди. Бешим ҳам юзига жиддий тус берди. Қошлари чимирилди, кекирдагини бироз олдинга чиқариб, бошини адл кўтарганча ҳамроҳига монанд одимлай кетди. Аммо бундай қиёфада узоқ йўл босолмади. Оёғи остида ўсиб ётган тиканлар игна каби ўткир бўлиб, эркин юришга қўймасди.

Манзара алмашинди: тиканзор майдон ортда қолиб, темир чангақдай чайир бутазор бошланди. Йўл йўқ, учи қармоқ каби қайрилган шох-шаббалар теккан жойини узиб оларди. Бешимнинг қийналаётгани ва ҳафсаласи пир бўлаётганини кўриб, фолбин далда берди:

– Бардам бўлинг, тақсир, меҳнатнинг таги роҳат, иншооллоҳ, мақсадимизга етурмиз, – деди-да, олдинга ўтиб йўл бошлади.

“Шу пайтгача тақсир демаганди, ҳаёлидан ўтказди Бешим, – демак, бу жойлар ҳақиқатдан ҳам муқаддас экан-да”.

Олға босиш оғир, ортга ҳам қайтиб бўлмасди. Бутазор тугай демас, йўловчиларнинг эғнидаги кийимларини беаёв юлқилар, тиканлар ўткирлашиб, йўллар чалкашиб, бутазор қалинлашиб борарди. Бешим бир лаҳза тўхтаб, ортга қаради. Аста жуфтакни ростлаб қолиш нияти ҳам йўқ эмасди унинг. Аммо ортга қайрилиши ҳамон юраги орқасига тортиб кетди. Қоронғулик. Буталар бамисоли чала ёнган ёғочлардек

қорайиб кўринади. Шошиб олдинга интилди, чайир симчивикдек қаттиқ новдалар шартиллаб юзига келиб урилди.

– Қайтамыз! – ўкириб юборди Бешим, эгилиб қўллари билан юзидан оқаётган қонни артаркан.

– Элакка қолганда оқсаманг-да энди, – жавоб бўлди фолбин тарафидан.

– Уйимда оёғимни узатиб ётиб, бир пиёла чойни ичиб, тўйиб бир ухласаму ўлсам розиман. Жин чалган бу лаънати жойда итдек ўлиб кетамиз. Ўз юртингда ўз қабринг бўлиши ҳам катта бахт. Шу чангалзорлар орасида ўлигимиз қолиб кетса, ўша бахтдан ҳам маҳрум бўламиз.

– Тушкунликка тушманг, тақсир.

– Сиз ҳам вазиятни холисона баҳоланг.

– Эр кишига йиғлаш ярашмайди.

– Ярашиғли бўлишимнинг кимга кераги бор?

– Кўйинг, айтишиб ўтирмайлик, оз қолди. Қани даядил бўлинг, кетдик, тақсир!

Бешим ноилож кўнди.

Ҳамроҳидан қолиб кетиб, бу куни ҳам кўплик қилишини ўйларкан, шох-шаббаларни тирсақлари билан четлатганча, фолбиннинг қорасини кўздан қочирмай бораверди. Энди эгнида тўннинг ёқаси ва икки кафтигина осилиб турар, орқасида, икки курагининг ўртасида эса бир бўлак узунроқ қизғиш матоҳ кўринарди.

Нихоят бир гиламнинг ўрнидеккина ялангликка чиқишди. Табиатнинг бу инъоми Бешимни қувонтириб юборди.

– Худога минг қатла шукур-е, тақсир, – деди Бешим ҳорғин нигоҳ билан ҳамроҳига қараркан.

Фолбин нигоҳини ундан олиб қочди. Тескари ўгирилганча, халтасини кавлади ва ундан четларига кашта урилган, этак-ёнларига пирпирак тикилган белқарс олиб узатди. Ўзи эса ҳамон четга қараб турарди.

– Нима гап, тақсир? – сўради Бешим ажабланиб.

– Олинг, олатингизни тўсинг.

Бешим эгилиб қараб, мешдек улкан қорни остида чарм қайишдан бўлак ҳеч вақо қолмаганини кўрди.

– Ана энди исмингиз жисмингизга мос бўлди, – кулгу аралаш ҳазил қилди фолбин.

Дарҳақиқат, Бешим энди бутунлай бешим қолганди.

– Узр тақсир, фақат юзимни тўсиш билан овора бўлиб... – ғўлдиради Бешим ва белқарсни олиб, олдини тўсди. Қарснинг икки учини тортиб орқасига боғлади. Сўнгра унинг толиққан вужуди бамисоли бир қоп гўштдек шилқиллаб ерга йиқилди. Узоқ ухлашди улар. Ўринларидан туришганда ҳавонинг авзойи ўзгарган, қуёш кўкимтир ғубор ортида қолган, ҳавода тутунга ўхшаш, аммо қўл билан ушласа бўладиган зарралар учиб юрарди. Бошқа бир томонда қўнғир тусдаги қурум бурқсарди.

IV

Олақуроқ туманлик кўтарилиб, бамисоли шишадек ялтироқ тўртбурчак шаклидаги муз қотган тепалик намоён бўлди. Осонроқ ўтиш мумкин бўлган бирорта кемтик ёки тирқиш кўринмас, тепалик йўлни бор бўйича тўсиб турарди.

– Қайтамыз! – деди Бешим қатъий қилиб.

Фолбин оғиз очмади. Афтидан Бешимни тетикликка ундаш ва алдаб-сулдаб йўлга солиш жонига теккан ва энди “билганингни қил” қабилида индамай

муз тоғига тикилиб турарди. Бир дамлик иккиланишдан кейин у йўл бошлади ва қўл-оёғи билан баравар ҳаракат қилиб, тик ёнбағирдан юқорига томон ўрмалай кетди. Тепалик сирти музлагандай бўлиб кўринса-да, темир каби қизиб ётарди. Кўп машаққатлардан сўнг тепалик устига чиқиб олишди, қадлар ростланди. Бешимнинг тирноқлари кўпорилган, тирсақлари сидирилганди.

– Мана Дўстаман! – қўли билан пастликка ишора қилди фолбин. Ястаниб ётган водийга ҳайрат ичра тикилиб қолишди. Ўша улкан дарахт, ўша манзара яна кўз олдиларида намоён бўлди. Ҳаракатсиз қотган сон-саноксиз қўйлар тўдаси. Дарахтнинг шохлари тепаликка тегай-тегай деб турибди. Фолбин энг пастдаги чирмовиқсимон новдалардан бирини ушлади-да, Бешимга ҳам имо қилди.

– Шохдан маҳкам ушлангу, кўзингизни чирт юмиб ўзингизни пастга отинг! – буюрди фолбин.

Бешим журъат этмади.

– Сақранг!

Бешим тараддуланиб белига боғланган белқарсни пайпаслашга тушди. Иштон ўрнида хизмат қилаётган белқарс липасини силади, тугунини ушлаб кўрди, хуллас, сақрашни пайсалга солди.

Агар айтганимни бажармасангиз, бир умр шу ерда қолиб кетасиз, толеъингизни кўриш nasib этмайди.

– Ҳозир! Мана, ҳозир, – деди Бешим шохга маҳкам ёпишиб.

– Оёғингизни кўтаринг!

– Кўзимни юмайми?

– Юминг!

– Оғзимни-чи?

– Шак келтирманг, Бешим, ҳазилнинг жойи эмас.

Сақранг!

Бешим сал ортга тисарилди-ю, тиззаларини букиб, ўзини шохнинг ихтиёрига топширди. Бирдан вужуди енгил тортди, қулоқлари остида шамол ғувиллар, қандайдир салқинлик танига ҳузур бағишлар, гўё пастга эмас, юқорига томон учиб борарди. Кўзини очиб қарашга журъати етмади. Шундай бўлса-да, киприклари бир-икки пирпираб кетди. Атроф бамисоли шишадек тиниқ, кўм-кўк ва шаффоф. Бошқа ҳеч нарсани англамади. Оёғи ерга тегиб, кўзини очганда рўпарасида бегона киши турарди.

– Ассалому алайкум, тақсир! – деди Бешим қўллари кўксига қўйиб ва ҳурмат ила ерга эгилди.

Нотаниш киши алик олди. Шу пайт фолбиннинг ҳам овози эшитилиб қолди. У ҳам қўлини кўксига қўйиб саломлашди.

– Толеъидан норози бир бечорани ҳузурингизга олиб келдим, – гап бошлади фолбин, – гуноҳимиздан ўтинг, тақсир. Умр бўйи фол кўрдим. Толеъидан рози одам дунёда кам...

– Рози одам сизнинг ҳузурингизга бормади-да, – кулги аралаш сўзлади нотаниш киши ва ўзини таништирди:

– Мен толеъбонман.

– Бағоят хурсандман, – хушомад қилди фолбин.

– Мана шу биринчи минтақа менинг тасарруфимда. Қани, марҳамат, ичкарига киринглар.

Толеъбон бағдоди нақшлар ўйилган оғир дарвозани очиб толеъталабларни ичкарига киргизди.

Ҳовли тандирдек қизиб ётарди. Гиёҳ деган нарсадан асар ҳам йўқ. Бешим шундагина ўзи шохига осилиб тушган дарахтнинг ҳам йўқолиб қолганини

пайқади ва ҳайрати ошди. Ер шу қадар иссиқ эдики, этикларнинг тагчарми чиппа-чиппа ёпишар, қизиби кетиб оёқни куйдирарди.

– Ҳа, бизнинг минтақа андак иссиқроқ, – изоҳ берди Толеъбон.

– Бу ер дарё ўзаними, сув қачон қуриган? – сўради Бешим сабри чидамай ва қалашиб ётган тошларга ишора қилди.

– Улар тош эмас, толеълар, – тушунтирди Толеъбон.

– Йўғ-е!

– Шундай. Иши аъло даражада юришиб турган кишиларнинг толеълари булар.

– Бахтлиларнинг толеъи шундай азобда бўлса, меникининг ҳолига вой экан-да! – қичқирди Бешим оёғи қуяётганини ҳам унутиб.

Қақроқ ерга думалаб ётган тошларнинг инсон толеъи эканлигига сира ишониб бўлмасди. Бешим улардан бирини оёғи билан секин туртиб кўрди. “Тош” қатик тўлдирилган тухумдек илқиллади. Тепасида нимадир соя солганини пайқаб талпина бошлади. Бешим ўзини четга олди.

V

Толеъбон навбатдаги дарвозани очаркан, толеъталаб меҳмонлар ҳовлига киришга журъат этмай, остонада тўхтаб қолишди. Мешлар нотинч чайқалишар, телефон учун ўрнатилган ёғоч соясига ўзларини уриб “ғизз-ғизз” этган овоз чиқаришарди. Толеъбон дастакни кўтарди, рақам терди ва ким биландир гаплаша бошлади. Бешим унинг авзойига разм солиб, ишлар жойида эмас шекилли, деган хулосага келди. Толеъбоннинг товуши тобора пастлаб, ичига тушиб борарди. Фолбин ҳам унга қараб, ғамгин бош чайқаб қўйди.

– Ўртоқ иккинчи, узр! Йўқ, узр, – дерди толеъбон, – хизматим давомида сира бундай ҳолга дуч келмагандим. Йўқ, ўзбошимчалик қилганим йўқ. Уларни меҳмон сифатида... Хўп, яхши, безовта қилмаймиз, яхши! Тартиб бузилмайди! Худди шундай! Тушундим!

Толеъбон соя излаб оёқлари орасига тикилаётган бадбуруш, афтидан қариб қолган бир толеъни тепиб юборди-да, иккинчининг гапини маъқуллашда давом этди:

– Бўпти ўртоқ, иккинчи! Айтганингиздай қиламан. Рўйхатдан ўтказаман. Дарҳол ўз ўрнимга қайтаман. Кузатувни давом эттираман...

– Буларга ҳам қийин экан, – фолбиннинг қулоғига шипшиди Бешим.

Фолбин жеркиб ташлади, ҳавода учиб юрган пашшани уриб туширмоқчи бўлгандай қўлини кескин силтаб қўйди.

– Кетдик, – деди ниҳоят дастакни жойига қўяркан Толеъбон ва толеъталабларни сариқ мойбўёқ чаплаган дарча томон бошлади. Ичкарида чорпоя кўринди.

– Сиз шу ерда қоласиз, – деди Толеъбон фолбинга, – сиз эса мен билан борасиз.

Бешим деворлардаги сувратларга қараб, ҳайратланиб турарди. Назарида абстракт йўналишидаги рассом чизган сувратларга жуда-жуда ўхшарди улар. Толеъбон унинг тирсагига кафтини тегизиб қўйиб, йўлга тушиши кераклигини билдирди. Дахлиздан ўтиб қабулхонага кирганларида уч нафар котиба кутиб турарди. Улар тезкорлик билан ишга киришиб, чамаси ярим соатларда ҳужжатларни тўғрилаб беришди.

Бошлиққа қўл қўйдириш учун Толеъбоннинг ўзи кирди. Ун дақиқалар ўтди. Бешим бу ерда вақтни ўз андозаси билан ўлчарди. Умуман, Дўстаман водийсида вақт оқими инсон ўйлаб топган дақиқаю сонияларга бўйсунадими ёки уларнинг ўз эталони борми, буни билиб бўлмасди. Сўнгра улар бошқа бир хонага киришди. Унлаб компьютерлар ва бўлак кўринишдаги Бешим номини билмайдиган – ускуналар... Қизлар бошқаришаяпти уларни.

– Бешим Ботмонов! – баланд овозда эълон қилди Толеъбон.

– Кўзгуга рўпара қилинг! – деган буйруқ эшитилди.

Бешим тошойнага рўпара бўлди. Ойнадан соқоллари ўсган, чақчайган кўзли, ярим яланғоч кимса бегона нигоҳ билан қараб турарди. Оёғида соғиси узиллиб тушган дағал кирза этик. Бўйнида дабдала бўлиб кетган тўннинг бир бўлақина астари илиниб турибди. Елкалари тилинган, юлинган, моматалоқ бўлиб кетган. Белида кирга ботган белқарс.

– Ўзингизми? – деган савол берилди.

– Ўзим, – жавоб қилди Бешим йиғламсираган овозда.

– Мақсадингиз?

– Толеъимни кўриш.

– Сабаб?

– Бахтсизман. Ишим юришмайди.

Худди шу мазмунда яна бир қатор саволлар берилди. Толеъбон эшик ёнида кутиб турарди.

Пировардида шу нарса аниқ бўлдики, Дўстаман водийси ходимлари ўз ишларини у қадар яхши билишмас экан. Бешим шундай қарорга келди ва бунинг сабабини ҳам ўзича изоҳлади: “Демак, мендан аввал ҳеч ким ўз толеъини қидириб келмаган, буларнинг мазкур ишларга тажрибаси йўқ”. Қўлидаги ҳужжат рақами ҳам шуни кўрсатиб турарди. Ўз хулосасидан кўнгли таскин топди. Ходимлар “лох”, демак, ўз тош-тарозумни қўйсам бўлади, деган тўхтама келди.

Хоша ва толхивичдан ясалган эрганак дарвоза олдида тўхтадилар. Толеъбон кўнғироқ тугмачасини босиб, ичкарига маълум қилгунча Бешим бармоғи билан дарвоза ёндорисини суртиб кўрди ва мойбўёқнинг ҳали қуриб улгурмаганини аниқлади: “Демак, менинг келишимдан булар салгина бўлса-да, чўчишибди, тайёргарлик кўрибдилар”, деди Бешим ич-ичидан қувониб. Ана шу ҳиссиёт таъсирида остонадан виқор билан ўтиб, қаддини ғоз тутганча пешайвон томон юрди. Йўлақдан пилдираганча келаётган одамча Бешимнинг ҳайбатидан чўчигандай тўрт-беш қадам нарида тўхтаб қолди. Деразалардан аёллар ва бўйи етган ёш қизлар қараб туришарди. Албатта, Бешимнинг ярим яланғоч гавдаси, антиқа тарздаги кийимлари ва айниқса, улкан қорни уларда катта қизиқиш уйғотаётган эди. Толеъталаб буни пайқади: “Қани энди бу хонимчаларнинг олдидан қора костюм, оқ қўйлак кийиб, бўйинбоғ боғлаб ўтсанг, бошингда шляпа, оёғингда чет эл туфлиси бўлса”, ўйлади афсус билан Бешим ва ўз кўринишини бирров кўздан кечириб, ахволи ҳақиқатдан ҳам хароб ҳамда кулгили эканлигини тан олди. Майкаси йиртилиб, баҳайбат қорни очилиб қолган, белқарс учма-уч бўлиб олдини тўсиб турса-да, орти очилиб ётар, елкасида ҳамон тўннинг ўша “Т” ҳарфи шаклидаги увадаси.

– Йигитни жанданинг ичида танисин деганлар, – қичқирди Бешим аёлларга қараб.

Қизлар жилмайишар, аёллар қиқирлаб кулишарди. Мазах қилиш ёки ижирғаниш аломатлари кўрин-

масди уларнинг юзларида. Бешим ёнида фолбиннинг йўқлигидан фойдаланиб, қизлардан бирига кўзини қисди.

Одамча кўли билан айвонни кўрсатди ва орқамдан юринг, дегандай имо қилиб йўл бошлади. Толеъбон хайр-хўшлашганча дарвоза олдида қолди. Маҳкамда ёлғиз ўзи ўтирган киши натижани дарҳол маълум қилди:

– Сизнинг толеъингиз бизда йўқ.

– Нега? – ажабланди Бешим.

– Мен сизга айтсам, ҳамма одамлар бир-бирларига ўхшайдилар: данғиллама уй, чиройли машина, лавозим, мустаҳкам соғлик ва ҳоказо. Бахтсизлар бир-бирларидан кескин фарқ қилади. Бахтсизликнинг чеку чегараси йўқ: биров тўшакка миҳланган, бошқаси фарзандсиз, ёлғизлик азобига маҳқумлар бор, бири икки бўлмаётган сарсон юрганлар бор... хуллас, бахтсизлик хилма-хилу ранг-баранг. Агар ўқиган бўлсангиз, Толстой деган бир ёзувчи бу ҳақда қотириб айтиб қўйган. Гапнинг индаллоси шуки, сизнинг толеъингизни топши анча мушкул иш. Аммо кўл қовуштириб ўтиганимиз йўқ, ҳаракат қилаёلمиз. Таҳлил натижаларини учинчи поғонага ўтказдик, бироз кутасиз.

– Время – это денег, – деди Бешим ўзи ҳам кутмаганда бирдан ўрисчалаб.

Иккинчи минтақа толеъбони ўзга лафзни унчалик тушунмай анграиб қолди, унга биргина “денег” сўзи таниш эди. Унинг саросимага тушиши Бешимни руҳлантириб юборди. Ўзга тил сирли таъсир кўрсатмоқда эди. Бир пайтлар раҳбар ходимлар худди шу йўлни тутишарди, яъни ўзбекча гапира туриб русчадан битта-иккита сўзни шундай оҳангдор қилиб, бежаб ва ўзгача ургу бериб қўшиб юборишардики, оддий фуқаро бир неча йиллар ифтихор билан ўша раҳбарнинг нуқтадонлигидан таъсирланиб юрарди. Бешим ҳам туман халқ таълими бўлимнинг мудирини лавозимида ишлаб юрган кезлари бу усулни бот-бот қўлларди. Шунинг эслаб, сўзида давом этди:

– Мне пара!

Толеъбон қуллуқ қилди. Мийиғида кулганча Бешимга яқинлашди. Бироз тараддулланиб тургач, унга бақамти келди-да, чўнтагидан бир даста пул олиб Бешимнинг белқарси остига тикди.

– Э тақсир, нима қилаёпсиз? Не, хорошо, – деди босиқлик билан Бешим.

– Арзимас совға...

Афтидан Толеъбон “пара” сўзимни пора деб қабул қилган ва ҳали хаёлида айланиб турган “денег” таъсирида пора сўраяпти, деб ўйлаганди.

– Не хорошо... – бош тебратди Бешим ва шу аснода ҳамёнлари кенг шими тиканли буталарга “ем” бўлганлигини эслади, кўлини белқарс остига юбориб, пулни маҳкам ушлади.

Телефон кўнғироғи жиринглаб қолди. Толеъбон югургилаб бориб дастакни кўтарди. “Тайёрни? Олиб кириш”, деди-ю, Бешимга қараб, хушнуд жилмайди. Орадан беш дақиқа ўтганда учинчи ҳудуд дарвозаси олдида пайдо бўлдилар. Толеъбон кўнғироқ тугмачасига кўл чўзди. Бешим ичкарига қадам кўяркан, бутун борлиққа соя ташлагудек ғоят улкан дарахтга кўзи тушди. Ҳаво мўътадил, аввалги жазирамадан ном-нишон йўқ. Икки-уч одим нарида мешлар думалаб ётибди. Бешим улардан бирини оёғи билан туртиб кўрди, илқиллайди.

– Ухлапти, – тушунтирди Толеъбон.

– Нега ухлайди? Қанақасига ухлайди? – ажабланди Бешим. – Улар мешлар-ку ахир, оддий мешлар. Боши ҳам йўқ, кўзи ҳам. Қатиқ тўлдирилган тулумнинг ўзи, бир туки кам эмас.

– Шундай, лекин улар тирик, ҳатто зарурат туғилганда ҳаракатланадилар ва юрадилар ҳам.

– Буларнинг қайси бири меники? Кўрсата оласизми? – сўради Бешим бепоён кенгликни эгаллаб ётган бу антиқа жонзотлардан кўз узмай.

– Кўрсатаман, – жавоб қилди Толеъбон.

Толеъбон йўл тортди, Бешим унинг ортидан эргашди.

– Мана! – кўли билан мешлардан бирига ишора қилди Толеъбон.

Меш соянинг куюғида илқиллаб ётарди.

– Шуми? – ишонқирамай сўради Бешим.

– Сизнинг толеъингиз шу.

– Бунинг нимаси менинг толеъим? Қандай исботлайсиз? Ахир, уларнинг ҳаммаси бир хил-ку!

– Йўқ, фарқи бор. Эътибор берган бўлсангиз, аввалги ҳудудлардаги мешлар буларга нисбатан кичикроқ, баъзилари буришиб қолган, ҳатто сўлинқинамолари ҳам бор эди. Уларнинг ранги тўқ кўнғирдан қорамтиргача бор эди, буларнинг ранги эса оч кўнғир, ҳатто оқимтирлари ҳам бор.

– Билишимча, бу ерда минглаб толеълар ётибди. Шундай бўлгач...

– Фикрингизни уқдим, – унинг сўзини бўлди Толеъбон, – мешлар рақамлар билан белгиланган. Мана, ҳозир... Толеъбон эгилиб мешнинг у ён-бу ёнига қаради, аммо рақамнинг нечалигини айтолмади.

– Товламачилик! – қичқирди Бешим, Толеъбоннинг хижолат чекаётганидан фойдаланиб.

– Бор, бор, топамиз. Толеъингиз узоқ йиллар сояда ётавериб, ўта семиркан, натижада териси тараңлашган ва рақамлар ўз кўринишини йўқотган, сийқаланиб кетган. Лекин топамиз.

– Семиркан? Нега семиради? Мен бир умр қийналсаму, бу ҳайвон семиради ётса, ҳозир чавақлаб ташлайман! – ўдағайлади Бешим ва бор кучи билан мешнинг қорнига тепди.

– Шовқин солманг, тақсир. Уларни чўчитиб юборасиз. Нима бўлганда ҳам инсон тақдири улар. Ҳамма иш ўз ройиши билан бориши жоиз.

– Мен бахтли бўлишим учун нима қилишим керак?

– Бу ернинг қондаси оддий: толеъ азобда бўлса, соҳиби роҳатда ва аксинча соҳиби азобда бўлса, толеъи роҳатда.

– Ҳозир чавақлайман у лаънатини! – жўшиб кетди Бешим ва чавақлаш учун ўткирроқ нарсани қидириб, атрофга қаради. Девоҳ дарзида шакли ўроққа ўхшаш қандайдир асбоб кўринди. Толеъбон унинг йўлини тўсди.

– Барибир ўлдираман, – бўкириб юборди Бешим. – Мени шунча йил азоблаган, ўзи сояда ётиб семиркан толеънинг баҳридан ўтаман!

Биқинига устма-уст тепки тушаётган толеъ “ғиз-ғиз” этиб овоз чиқарар ва аста-аста худди шимол денгизларида яшайдиган тюленлардек қийинчилик билан ҳаракатланиб, офтобда қизиб ётган майдонча томон силжирди. Толеъбон нима чора кўришини билмай, эсанкираб қолмаси эди, деб атрофга хавфсираб қарарди. Ўз муваффақиятидан руҳланиб кетган Бешим

аввалгидан беш баттар жазавага тушиб, мешни тепкилай кетди. Унинг имиллашига қаноат қилмай муштани ишга солди. Чўкка тушиб, мешнинг елкасидан тишлади, хуллас, терлаб пишиб “жанг қилди”.

– Бас, етар! – деди Толеъбон журъат билан унинг кўлидан тутиб. – Катталар билиб қолса, менга ёмон бўлади.

– Шуми ўзи, – пўписа қилди Бешим, – бошқанинг толеъини чиқарган бўлмай.

– Сизники. Агар шубҳа қилсангиз рақамини кўрсатишим мумкин.

– Кўрсатинг-да. Шу пайтгача нима қилиб лайлак хайдаб турибсиз?

Толеъбон омборхонадан белкурак олиб чиқди. Уни толеънинг тагига суқиб, Бешимни кўмакка чорлади. Икковлашиб мешни ағдарилди. Унинг кўкимтир томирлар бўртиб турган оппоқ қорнида қатор тизилган рақамлар кўринди.

– Хужжатингизга қаранг, солиштиринг, – деди Толеъбон.

Бешим рақамларни солиштириб кўриб, мамнун жилмайди.

– Фақат бу томони қандоқ бўларкин? Бошлиқлар нима дейишаркин? – деди Толеъбон ўзига ўзи гапиргандай қилиб, Дўстаман тарихида сира бундай бўлмаганди.

– Наридан битта ҳайфсан оларсиз, – минғирлаб кўйди Бешим ва сўради:

– Энди бу лаънати меш яна ўзини сояга урмайдими?

– Уради. Лекин булар ўта ялқов, камҳаракат ва эринчоқ. Шу туришда азобланиб, бир неча йил ётиши ҳам мумкин.

– Менга қаранг, – деди Бешим кўлини Толеъбоннинг елкасига ташлаб. Икков дўст бўлайлик, қиёматли дўст. Мана буни олинг! Липпасига қистирилган пулни олиб узатди. – Сояга ўтгани кўйманг, илтимос. Йўлингиз тушиб, биз томонларга борсангиз хурсанд қилардим...

Толеъбон ўйлаб қолди. Пул ўз кучини кўрсатдими ёки Бешимнинг дўстлик тўғрисидаги гаплари ёқиб қолдими, ҳар ҳолда унинг қулоғига эгилиб, шивирлади:

– Кечаси дарвоза олдида сизни кутаман. Келинг, муҳим гап бор. Ҳозир боринг-да, яхшилаб дам олинг. Кечаси соат бир ярим, иккилар орасида кутаман. Хўп, ҳозирча хайр!

Бешим савол беришга улгурмай қолди. Толеъбон дарчадан ўтиб, кўздан пана бўлди.

Бешим тунда бир неча бор уйғонди. Тинч ухломмади. Ўзича турли хаёлларга борди. Ниҳоят айтилган пайтда дарвоза ёнида ҳозир бўлди. Толеъбон кутиб турарди. “Ушланг” деб Бешимнинг кўлига юмшоқ бир нарса тутқазди.

– Нима бу? – хириллади Бешим.

Толеъбон ўзига хос бир ҳаракат билан жим юриш кераклигини аңлатди. Бешим қоронғуда пайпаслаб бўлса-да, кўлидаги нарса чоғроқ қоп эканлигини аңлади, аммо бунинг нимага керак бўлишини тушунмади. Бораверди. Толеъбон ерга чўккалади ва Бешимнинг енгидан тортиб, уни ҳам чўккалашга ундади. Ерда толеъ меши қорайиб кўринди. Толеъбоннинг ишораси билан қопнинг оғзини ҳимариб, унга толеъ мешини солишди. Бу иш анча машаққат билан бажарилди. Иккаласи ҳам ҳарсиллаб нафас олишарди. Толеъбон

ўрнидан туриб, йўл бошлади. Бешим қопни елкалаганча унинг ортидан эргашди. Бу ишлар замирида нима ётганини ҳамон тушуниб етган бўлмаса-да, яхшиликка йўяр ва қовун тушириб қўймаслик учун жим борарди. Йўлда икки-уч бор дам олдилар. Шунда ҳам ҳеч ким ғинг деб оғиз очмади. Уч марта девордан ошиб ўтишга тўғри келди. Дарвозалар қулф бўлганлиги сабабли шундай қилишдан бўлак иложлари йўқ эди. Толеъбон девор устида туриб қопни тортиб олар, Бешим пастдан кўллари билан кўтариб боши ва елкаларини ишга солиб унга ёрдам берар, кейин қопни деворнинг нариги томонига секин туширар ва яна елкага олиб йўлда давом этишарди. Уч бора ана шундай доводдан ўтишга тўғри келди. Ниҳоят биринчи ҳудудга – толеълар азобда яшайдиган ҳудудга етиб келдилар. Толеъбоннинг имоси билан Бешим қопни бўшатди. Толеъбон катталиги ўртача қовундек келадиган мешлардан бирини қопга солди ва “кетдик” дея шивирлади. Унинг овозидан қаттиқ ҳаяжонланаётгани билиниб турарди.

– Хайрият! – деди Толеъбон ўз ҳудудига етиб келгач.

Бешим қопни ерга кўйди.

– Бўшатинг! – буюрди Толеъбон.

Бешим буйруқни сўзсиз бажарди. “Муҳим гап”нинг нима эканлигини энди аңлаб етган ва Толеъбонга қандай қилиб миннатдорчилик билдиришни ўйларди. Пули қолмаганди. Қоронғуда ҳеч нарса кўринмаса ҳам унга миннатдор нигоҳ билан тикилиб турди-да, белидан чарм камарини шартта ечиб, дўстига узатди. Дўстаманда бундай буюмлар жуда қимматли совға ҳисобланарди. Бешим барча ҳудудларнинг Толеъбонлари камарига оч нигоҳ билан тикилишганидан буни пайқаб олганди.

– Ўзим ҳам шундай қиларсиз, деб ўйловдим, – миннатдорчилик билдирди Толеъбон камарни оларкан.

Бешим туннинг қолган қисмини ўша ҳудудда ўтказди. Кўнглида “Қайси бир шўринг қурғурнинг толеъи бўлса?” деган ўй шарпа ташлаб турса-да, қилган ишидан ҳар қалай мамнун эди. “Кимнинг толеъи бўлса ҳам буришиб муштдеккина бўлиб қолган экан, мана энди бироз жонланади”, деб ўзига таскин берди ва кўнглининг бир четида илиниб турган хижилликни қувди. Толеъбон уйқудан туриб белидаги камарга дамбадам қараб кўяр ва кўллари билан юмшоқ чарм тасмани силаб-сийпаларди.

– Ҳар ҳолда билиб кетсам ёмон бўлмасди, – Толеъбоннинг елкасига кўл ташлади Бешим. – Биз алмаштириб қўйган толеъ кимники?

– Мен айтаман, – жавоб қилди Толеъбон. – Аммо сиз қаттиқ сир сақланг. Ҳар ҳолда бу қалтис иш. Бировнинг толеъи билан ўйнашиб бўлмайди.

– Албатта. Сиз айтганингиздай бўлади.

Толеъбон чўнтагидан қоғоз олиб рўйхатга кўз ташлади ва минғирлаб ўқий бошлади: Синдор Сулаймонов, ёши ўттиз бешда, манзили – Кешкаш шаҳри.

VI

Сафари қариганини ҳис қилди Бешим. Тезроқ ўз юртига етиб бориши ва юз бериши муқаррар бўлган мўъжизани кўшқўллаб кутиб олиши даркор эди. Йўлга тушди. Бош маҳкама олдида вертолёт кутиб турарди. Қудратли машина кўкка парвоз қиларкан, ҳамроҳларига кўз ташлади Бешим ва фолбиннинг йўқлигини шундагина пайқайди. Басавлат, мансабдор ки-

шиларга ўхшарди улар. Олдинги ўриндикда ўтирган икки кишининг суҳбати беихтиёр қулоғига чалинди:

– Сиз ҳам шу масалада келганмидингиз? – сўради ёши улугроқ киши ҳамроҳидан.

– Ҳа, сал шовурини сезиб қолдим. Айғоқчиларим яхши ишлашади. Биттаси... товушини пасайтирди ўттиз беш ёшлардаги мансабдор, – бизди тағимизга сув қуймоқчи бўлган экан. Вертолёт кира қилдим, дарҳол етиб келдим.

– Натижа қалай?

– Тинчитдим.

– Омон бўлинг, ука. Замон сиздай ишбилармонларниқанда, Синдор ука!..

“Синдор Сулаймонов”, – хаёлидан ўтказди Бешим ва бутун вужуди билан титраб кетди. Шундай басавлат одамнинг офтобда қуришиб жижғанақ бўлиб қолган толеъи кўз ўнгига келди. Унинг “тинчитгани”га ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмасди.

Суҳбатдошлар ҳам ниманидир сезгандай жимиб қолишди. Фақат Бешимнинг хаёлига антиқа режалар келди, аммо ер билан осмон ўртасида муаллақ туриб ҳеч қандай режани амалга ошириб бўлмасди.

ЯШАШ ҲУҚУҚИ

*Сеъғи ўлим даҳшатидан кучлироқ.
В.Шекспир.*

Корхонанинг биттагина ғунажини бор эди. Ҳовлидан ўтаётиб унга эътибор қилдим. Юнглари ўсиқроқ, олагина ва ҳали ёш тумса мол. Балки урғочи ҳам эмасдир, лекин нима учундир менда бу мол ҳали туғмаган ғунажин деган тасаввур қолдирди. Нарироқда рангпар бир йигит товуқ пойларди. Касалманд эди у: ранги кўкимтир, юзи чўзиқ, кўзлари ғамгин. Унинг олдида иккита товуқ донлаб юрибди. Йигит уларни тутиш ниятида ўрмалаб боряпти. Унга ҳам бир-икки дақиқа қараб турдим. Рангпар йигит товуқларни тутиб, иккаласини оёғидан жуфт қилиб ушлаб худди бир даста гулни кўтаргандай боши узра тутиб менга кўрсатди. Товуқларни у қандай ушлади – буни пайқамай қолдим.

Бошлиқнинг ҳузурига киришим керак эди. Даҳлизчадан чап томонга ўтиб чап ёндаги эшикни тортдим. Бошлиқ тўртбурчак шаклдаги катта, аммо саёз алюмин идишга энгишганча ниманидир капаларди. Унинг атрофида ердан шифтгача пахтаҳалвога ўхшаш қандайдир нарсалар қалашиб ётибди. Хона узунчоқ ва нимқоронғу. Ҳеч қанақа жиҳоз йўқ, столнинг устига ҳам дастурхон ёки ёпқич солинмаган.

Бўйчангина бир аёл ўрнидан туриб менга жой берди. Хонада яна бир ёш йигит ҳам бор экан, уни кейинроқ пайқадим. Йигит ҳам ўрнидан турди. Мен бошлиққа яқинроқ жойдаги ёғоч курсига ўтирдим, аммо қандай ўтирсам ҳам бошлиқнинг юзи яхши кўринмасди. Курсини кўтариб ҳар хил ҳолатда қўйиб кўрдим ва жойлашиб ўтирдим.

Ҳовлида танани кўрганим, касалманд йигитнинг товуқ тутгани ва яна шунга ўхшаш бир-иккита воқеани бошлиққа маълумот сифатида айтиш, тўғрироғи, ўзимнинг корхона ҳаёти билан танишлигимни билдиришни истардим.

Аёл столга сони билан таяниб, қошларини чимирганча менга қараб турарди. У жуда чиройли эди. Қиёфаси ғамгинроқ, юзи оддий, безаксиз, аммо қандайдир мумтоз эди. «Мен худди шундай юзни яхши кўраман» дедим ичимда. Унинг чимрилган қошлари пешонасига томон кўтарилиб учиб бораётган турна қанотидай синиқ бурчак ҳосил қилганди. Йигит кўринмай қолди. Бошлиқ менга қараб турар, аммо афтидан мени кўрмасди.

– Вы что-то хотите сказать? – деди аёл мен томонга ярим ўгирилиб.

Бироз саросимага тушдим. Русчани яхши гапиролмаслигимни билдириб қўйишдан чўчиб тараддудланиб қолдим. Бошлиқнинг ўзи билан гаплашмоқчи эдим. Шу мақсадда унга қарадим. Юзи, боши, гавдаси тўладан келган, ранг-рўйи тиниқ, қизил, умуман, бутун вужудидан соғлиқ гупириб турган киши эди у. Шу жиҳати билан содда ва эркин гаплашса бўладигандай туюлди. Чунки унинг юзида ғайритабиий ҳеч нарса йўқ эди. Одатда бундай одамларда билим у қадар чуқур бўлмайди. Улар суҳбатдошининг ички дунёсини ҳам юзакироқ, энгилроқ илғайдилар. Мураккаб жараёнларни билишга интилмайдилар. Ўша лаҳзада руҳиятимни илғайдиган киши менга керак эмасди, сабаби, ҳовлида кўрганларимни баён этиш ва кузатувчанлигимни бошлиққа кўрсатишдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди.

Бошлиқ ҳеч нарса сўрамади. Стол устидаги тақвим варағини йиртиб олиб аввал аёлга, сўнгра менга кўрсатди. Эътибор қилдим: варақда 1941 йил 7 июн санаси турарди.

Яна бироз ўтирдим. Аёл ҳолатини ўзгартирмади. Бошлиқ идишдаги унга ўхшаш нарсага қараб қолди. Хонадан чиқиб кетиш кераклигини англаб ўрнимдан турдим. «Сени итдай савалайман» ёки «Сизни эш-шакдай ишлатаман» деганда нимани тушунасиз? «Итдай» деган сўз кимга тааллуқли? Ишлатувчигами ёки ишловчигами? Ҳар иккаласига ҳам. Шундай эмасми? Хўш, шу гапнинг фақат бир томонга тегишли шамойилини қандай топса бўлади? Инсон тафаккурининг сира ақлга сиғмайдиган жиҳатлари бор. Хонадан чиқиб ҳовлида кезарканман, ана шу тўғрида уйлардим ва бундай ўй шу лаҳзадаги ҳолатимга сира мос келмасди.

«Ҳозир грамматикага бало борми» дедим бироздан сўнг ўзимга ўзим. Ундан кўра бошлиқнинг хонасидаги ҳолатни таҳлил қилсам бўлмасмиди. Нега у 1941 йил 7 июнь ёзилган санани бизга кўрсатди? Шу савол ортидан «Лекин аёл чиройли эди» деган гап хаёлимдан ўтди. Кейин хонадаги пахта ҳалво уюмлари, бошлиқнинг ун капалаши ва йигитнинг ғойиб бўлиб қолганини ўйладим. Ўша аёл сигарета чекармикин? Унинг лаблари қанақа эди ўзи? Юпқа, асабий ва ҳаракатчанми? Ёки оғир, қалин, серчизик ва дағалроқми? Кейин ўша аёл билан ўзимнинг ўпишаётган ҳолатимни, ёмғир шивалаб ёғаётганда бостирма остида турганимизни ва ниҳоят ёзнинг жазирама иссиқ пайтида унинг чўмилаётганини кўз ўнгимга келтирдим. Сочлари елкасига ёпишган, бадани сувда ювилиб ялтирарди. Тошларда шундай хусусият

бор. Чизиклари билинар-билимас ранги хира тошни сувга ташласангиз ажиб бир эврилишнинг гувоҳи бўласиз. Сув остида тош тиниклашади, ранглар куюқ тортади, чизиклар ёрқин бўёқларга беланиб жилвананади. Уни сувдан чиқариб олсангиз токи қуригунча ўша кўринишини сақлаб туради. Қуригандан кейин боз боягисидай кўримсиз бир нарсага айланади. Чўмилаётган аёл ҳам шундай демоқчиман. Албатта, аёл чўмилмаганда ҳам жозибали. Мен ҳар иккаласининг ҳам тиниклашувини муқояса қилмоқчиман. Йўқ, ўйлаб кўрсам аёл бутунлай бўлакча. Уни ҳеч нарсага муқояса этиб бўлмайди.

Корхонада яна бир-икки кун қолишга қарор қилдим. Балки ўзгариш бўлар. Аммо нимани кутаётганимни, қандай ўзгариш бўлишини тасаввур этолмасдим. Энг ёмони, бу корхона нима билан шуғулланади ўзи, шуни ҳали аниқлаб ололганим йўқ. Мен бировнинг эшигини тақиллатишдан аввал ҳамиша ўйлаб оламан. Уйдан эркак ёки аёл чиқса-чи? Лекин бошлиқнинг хонасига кираётганимда бошқа ҳиссиётлар таъсирида эдим. Бутун фикрим ўзимни шу корхона ишига садоқатли қилиб кўрсатишга қаратилганди. Лекин бундай бўлмади.

* * *

Дераза очилди. Мени имлаб ичкарига чорлашди. Имлаган аёлнинг қўли эди. Узуклари қуёш нурида ярқираб нур таратарди. Лекин аниқ биламанки, бошлиқ олдида уни учратганимда бирорта ҳам тақинчоқ йўқ эди. Қўлларини столга тираб турганда бармоқларида узуги йўқлигига эътибор қилгандим. Бирозгина эгилиб турарди у ва мен унинг куймичига ҳам бирров қараб олгандим. Куйлаги нафис матоҳдан эди, куйлак остида ички кийимининг қавссимон жияги билиниб турарди. Атайлаб менга кўрсатиш учунми деган хаёл миямда садо бергани ҳам ёдимда. Ҳатто французча мана бу икки мисрани ичимда айтиб тургандим:

Су вотр жюп бланш

Брее ля анш

Сизнинг оқ юбкангиз тагидан оёғингиз оқариб кўринади дегани бу. Аёл қўли билан мени ичкарига томон имларкан, ана шу майда тафсилотларни сира миямдан чиқариб ташлолмасдим. Кирдим. Хонада аёл йўқ эди. Мени бошқа бир киши қарши олди:

– Муқаддам судланганмисиз? – сўради дабдурустандан.

– Ҳа, ўн беш сутка ўтириб чиққанман.

– Нима учун?

– Майда безорилик деб айб қўйишганди, лекин камалиш сабаби бутунлай бошқа эди. Бир жойда но-жўяроқ гапириб қўйгандим.

– Робеспьер бўлмоқчи эдингиз, – деди у бошини мазмундор ликиллатиб.

– Балки, – дедим қайсарлигим тутиб.

Унинг ҳам қайсарлиги тутди:

– Сиз сариқ чақага ҳам арзимаёсиз.

Индамадим. Бу ҳақоратга мос жавоб тополмадим. Ўрнимдан туриб эшик томон борарканман, раҳматли бобомнинг ўғитлари ёдимга келди:

– Жавоби аҳмоқ – сукут, – дедим.

Кулги овози эшитилди. Кулаётган хаёлимда аёл киши эди, аммо ортимга ўгирилиб қарамадим. Корхонадан бутунлай кетишни дилимга тугиб ташқарига чиқдим.

* * *

Дарвоза ортида уч киши турарди.

– Чой ичинг, – деди улардан бири

– Иккита қулоқчаси бор экан, – деди бошқаси.

– Қўллари бақувватгина, чидайди, – қўшилди учинчиси.

Бу гапларни эшитмаганга олиб йўлда давом этдим.

Улар ортимдан эргашдилар. Ёмон бир нарса бўлишини юрагим сезди, лекин билдирмадим. Тақдиримда бори-ни кўраман. Яшашнинг ҳам қизиқчилиги йўққа ўхшайди ўзи. Балки ҳаётимни тўғри қуролмагандирман.

– Шошилманг, – деган овоз келди ортимдан.

– Бошлиқнинг хонасига кирдингизми?

– Кирдим.

– Кўрдингизми?

– Кўрдим.

«Нимани» деб сўрамадим. Зеро, фойдаси ҳам йўқ эди. Ортимдан келаётган бандалар ҳиссиётдан бутунлай маҳрум.

– Ўннга юринг! – деган бўлди орқадан.

Ҳукм қатъий, босиқ ва аниқ эди, аммо буйсунмадим, ўзимни эшитмаганга олдим. Балки қочиб қутул-арман деган хаёлга бордим, аммо қочиш режаси миямда ҳали пишиб етилмаганди.

– Ўннга!

– Тўғрига кетаверса ҳам майли, бари бир ўша ерга боради.

– Майли, тўғрига!

– Икки ўн беш – бир ўттиз.

Улар ўзларининг гапларига ичакузулди бўлиб кулишди. Бу гапнинг нимаси қизиқ туюлди экан, англамадим. Балки мени кўйдек олдиларига солиб хайдаб боришаётгани учун кулишаётгандир. «Кўйдек» уларга тааллуқлими ёки менгами? Яна мантикий силлогизм. Ундан кўра қочиб қутулишни ўйлашим керак.

* * *

Ортимга бир қараб олдим у бор кучим билан югура кетдим. Узоқ югурдим. Бахтга қарши йўл тобора юқорилаб борарди. Нафасим оғзимга текилиб ҳарсиллаб қолдим ва нима бўлса ҳам қир ортига ўтиб олишни мўлжалладим. Қир устига чиқарканман, муво-занатини сақлаб туролмай мункиб кетдим. Қир орти тик қиялики эди. Шу қадар тик эдики, гоҳи-гоҳида майда ғўрашакли тошлар ўз-ўзидан «шиқир-шиқир» этиб пастликка томон силжирди. Тутиб қолай десам бирорта бута ёки тош йўқ. Оёғим тойиб кетиб ортим билан ўтириб қолдим ва ўзимни тўхтатолмай пастга томон сирпаниб кета бошладим. Кейин дустанан ётиб бутун вужудим билан ерга қапишдим, қизил ғўрашакли шағални кучоқладим. Бармоқларимни чангақ қилиб ерга ботиришга уриндим; тиззам, иягим ва ерга тираш мумкин бўлган барча аъзоларимни сафарбар этиб ўзимни тўхтатишга уриниб кўрдим, қайта-қайта уриндим, бўлмади. Орқам билан ётиб товонимни тирадим. Фойдаси йўқ эди, пастликка – Аспалатисофилинга томон шиддат ила кетиб борардим. Тез орада шимимнинг орқаси йиртилганини пайқадим, аммо ўрнимдан туролмадим. Оёқ остида ва ҳамма жойда тупроқ ҳам эмас, сополга ўхшаш, аллақандай, нўхат катталигидаги тошсимон ғўрашаклар туришга сира имкон бермасди. Йиқила-сурина ортимга ўгирилиб қарадим. Қир устида етти киши турганини кўрдим, ўша лаҳзада санаб улгурмаган бўлсам-да, пастга томон тойганиб

бора туриб ҳисобини чиқардим. Ҳалиги уччаласи ён-ма-ён туришар, ўртада бошлиқ ва унинг ёнида яна икки киши. Бири аёл... демак, олтита экан.

– Қайт! қайт!

Овоз менга нотаниш эди, лекин ички бир ҳиссиёт билан бошлиқнинг ўзи чорлаётганини англадим.

Бу ҳам бошлиқнинг овози эди.

Ёнбағир тобора нишаблашиб борарди. Энди ўзимни тўхтатиб қолишдан тамом умидимни уздим. Оёқ тирашим, панжаларим билан ғурашак ерни чангаллашим, ортимни ерга маҳкамроқ босишимдан заррача наф йўқ. Қияликнинг охири кўринмасди. Мени кутқазувчи кун бу дунёда йўқлигини билсам-да, ёрдам сўраб қичқирдим:

– Кутқаринглар! Ёрдам беринглар!

Овозимни шамол юлқиб олиб учириб кетди. Энди ҳаво зарби юзимга шу қадар шиддат билан урилдики, яна бир марта ёрдам сўраб қичқирмоқчи бўлгандим, барча сўзларимни шамол ҳўл латтадай лўндалаб оғзимга тикди.

* * *

Аспалатисофилинга томон шиддат билан кетатубриб «аслида умрнинг ўтиши ҳам шу» дедим. Денгизларда фақат бир дақиқагина яшаб, шу муддат ичида авлод қолдиришга улгурадиган аллақандай жонивор бўлармиш. Дўзахнинг бир суткаси ер юзининг 1600 йилига тенг дейди япон ёзувчиси Кензабуро Оэ. Аспалатисофилин эса дўзахнинг энг чуқур жойи. Мен энди ана шу кўрқинчли чуқурликка томон силжиб ёки сирпаниб эмас, учиб боряпман. Назаримда оёқларим тагидан учқунлар сачраётгандай.

Қулоқларим остида шамол ҳўштак чалади. «Иккита қулоқчаси бор экан» деганди ҳалиги, ортимдан келаётган, уч кишидан бири. Ҳа, қулоғим бор, аммо энди ундан менга не наф? Оғзимдан, кўзимдан-чи? Йўқ, ҳар ҳолда кўзим нималарнидир фарқлаётгандай. Ана, олдинда қандайдир симчизикқа ўхшаш нарса кўринди. Бамисоли «Риштаи Марямдай» ингичка. Миям ҳам бир нав ишлаб турибди. Яқинлашганим сари симчизикнинг йўғонлашаётганини англаяпман. Қаламдай, жимжилоқдай, бошбармоқдай...

Ушладим! Бирдан шамол тўхтади, ҳўштак тинди. Симчизикни маҳкам ушлаганча бамисоли турниқда машқ қилаётган спортчидай бир алпозда турибман. Аспалатисофилинга қилаётган шиддатли сайрим тўхтаган, сукунат. Елкам, тирсақларим, орқам шилинган, ғувиллаб ачийди. Бу қайси гуноҳим учун берилган жазо, билмайман. Худога шукур дейман, ҳозирча тирикман. Ногоҳ қулоғимга инграган товуш чалингандай бўлди. Балки ўпкам ёки бирор ички аъзоларимдан чиқаётган товушдир. Нафасимни ичга ютиб қулоқ тутдим. Ҳа, кимдир ингранар ва оҳ тортарди. Наҳотки бу жаҳаннам тойғаноғида мендан бўлак ҳам бирор жонзот бўлса! Ўша ожиз товуш гўё «ҳа, мен бор» дегандай яна такрорланди. Овоз бердим:

– Кимсан? Қаердасан?!

– О-о-оҳ, ёрдаам!...

Овоз ўнг ёндан, жануб тарафдан келарди, ўша томонга қарадим. Қоронғуликда ҳеч нарса кўринмади. Йўлга тушдим. Оёқ билан эмас, қўл билан юриб боряпман. Қўлларим билан симга осилганча жануб томон силжияпман. Бармоқларим карахташиб, билагим толиқиб, елкаларим оғирлигимга дош беролмай

қолгунга қадар юрдим. Бу аҳволда йўл босиш оғир эди. Қандай бўлмасин дам олиш чорасини кўриш керак. Товонимни ерга тираб, қўлларим билан симни қаттиқ тортиб гавдамни кўтардим, сим устига чиқиб олмоқчи эдим, бўлмади, қўлтиғим билан бир муддат осилиб турдим. Иягимни ҳам ишга солдим. Бармоқларимга куч қайтгунча иккала қўлтиғимга симни қисиб, жағимга таяниб турдим. Изтиробга тўла овоз яна такрорланди:

– Ёрдаам!

Энди аниқроқ эшитилди. Овоз аёл кишиники. У мендан унчалик узоқда эмас, ҳатто инграгани ҳам эшитила бошлади.

– Ҳозир, бир озгина сабр қилинг!

– Қўйвораман, тезроқ!

Нолага тўла овоз мени югуришга мажбур қилди. Қўлларимнинг ўрнини тез-тез алмаштириб «қадамба қадам» силжияпман. Қора кўринди. Мендан уч-тўрт қадам нарида нимадир симга осилиб турарди. Ўша томонга интиларканман, елкам билан алла нарсага тақалиб тўхтаб қолдим. Шу пайтгача симни нима ушлаб турганини ўйлаб кўрмаганимни қаранг. Елкамга тақалган нарса бетон устунча эди. Демак, маълум бир масофада симни тутиб туриш учун устунчалар ўрнатилган. Бу менга катта қувонч бағишлади. Қаранг-а, ҳатто шундай ҳолатда ҳам қувониш мумкинми дунёда! Аммо ҳозир бунга фурсатим йўқ. Нола қилиб ёрдам сўраётган аёлни кутқазиб керак аввал. Сўнгра бир гап бўлар.

– Мана, боряпман, бир озгина чиданг!

– Оҳ, тез бўлинг!..

«Қадамимни» тезлатдим, бироқ етиб боролмадим. Қўлимни чўздим-у, унинг билагидан ушлашга улгурмадим. Куч-қуввати батамом тугаган, сўнги дақиқада менинг яқинлашганимни ва қўл чўзганимни кўриб тамом ўзини ташлаб юборди.

– Ё!.. – деган бўғиқ, кучсиз, аммо жон ҳолатда айтилган нидо мени кескин ҳаракат қилишга ундади. Унинг қўллари симчизикдан узилган ва у бир неча сония ичида тубсизлик қаърига томон учиб кетиши мумкин эди. Талпиндим, қўлим етмади ва шу лаҳзанинг ўзида оёғимни чўздим ва қичқирдим:

–Ушла! Оёғимдан ушла!

Бу ҳолатлар бир сония ичида бўлиб ўтди албатта. Унинг қўллари пойчамга ёпишди ва юқорига чиқиш учун типирчилай бошлади. Қўлларим қанчалик толиққан бўлмасин, пойчамга илашиб, тебраниб турган, ихраб-сихраётган жонзотнинг вазни унчалик катта эмаслигини пайқадим. Тиззамни юқорига тортиб уни ўзимга яқинлаштирдим. Чап қўлим билан симни ушлаганча пастга эгилдим. Қўлимга унинг сочи илашди.

– Тортинг, майли, тортаверинг, чидайман, – деди у умидворлик билан.

Оёғим билан ҳимо қилиб сочидан енгилгина торта бошладим. Вазни енгиллашганини пайқаб у ҳам болдиримдан маҳкам кучоқлаб олди. Иккинчи оёғимни ишга солдим. Бошмоғим аллақачон йиртилиб тамом бўлганди, бош бармоғим билан ерни пайпаслаб оёғим остида икки бармоқ жойлашгулик чуқурчани «кашф» қилдим... Қандайдир бир жониворнинг уяси ми ёки оёғим билан пайпаслаганда ўрnidан кўчган тошнинг кавагими, нима бўлганда ҳам биз учун нажот чамбараги эди. Икки панжамни унга жойлаштириб қўлимга бироз дам бердим. Пойчамга ёпишиб турган хилқатни юқорига тортиб олиш учун шунинг ўзи

етарли эди. Ёшлигимда гимнастика ва оғир атлетика билан шуғулланганимга шукур қилиб унинг сочидан қўйвордим қўлтиғидан тутдим. У аввал белимга, сўнг-ра тирсагимга ва ниҳоят бўйнимга ёпишди. Иккала қўли билан бўйнимдан маҳкам кучоқлаб олди.

VI

Билакларимда ғайритабиий бир куч пайдо бўлганини ҳис қилдим. Келган йўлимдан аста-секин ортимга қайта бошладим. Энди юким аввалгидан оғирроқ бўлса-да, анча илдам борардим.

– Исминг нима? – сўрадим юришдан тўхтамаган куйи.

У жавоб бермади. Ухлаб қолганди. Бошини кўксимга қўйиб бўйнимдан кучоқлаганча бемалол ухларди. Сочи юзимга ишқаланиб борар ва илиққина нафаси бўйнимни қитиқларди.

– Майли, ухлайвер, – шивирладим унинг бошига юзимни босиб ва яна бир неча одим силжидим. Мана, устунча! Қани энди унга бир амаллаб чиқиб олсам. Бўйнимга чирмашган қўллар бўшашди, унинг нозикки-на билаги елкам узра оҳиста сирғалаётганини пайқаб бир қўлимни симдан бўшатдим ва қизнинг белидан тутдим. Иягим билан туртиб бошини силкита бошладим. Уни уйғотиш керак эди, бу аҳволда узоқ туролмасдим. Бирдан атроф ёришиб кетди. Ой чиқди. Тўлин ой. Қиз уйғонди ва ўзини четга олмоқчи бўлди. Тасодифан ўзини бегона эркак кучоғида турганини кўрган қиз қандай аҳволга тушса у ҳам ана шу ҳиссиётни бошдан кечирмоқда эди. Яхши ҳамки унинг белидан маҳкам ушлаб турардим.

– Тинчлан, – дедим уни чўчитиб юбормаслик учун юмшоқроқ қилиб, – мана бу симдан ушла.

– Симдан?! – қичқириб юборди қиз чўчиб.

У энди ўзи қаердалигини эслаганди. Бир неча дақиқалик уйку давомида балки ширин тушлар кўргандир, тушида текис ерда сайр қилиб юргандир. О, Ер устида ишонч билан оёқ босиб юриш нақадар катта бахт, ўзимнинг ҳам юрагим орзиқиб кетди. Пастда нима бор ўзи? Наҳотки тубсизлик устида осилиб турган бўлсак?!

Хаёлга берилишнинг мавриди эмасди.

– Симдан ушла! -кескин оҳангда буюрдим қизга.

У тиззалари билан менинг устимда ҳаракат қилиб симни чангаллаб олди.

– Мана шу ерда, чап елкамнинг ёнида устун бор...

Товушим зўриқиб чиқди. Чунки бу пайтда товонларимни ерга тираб, қўлларим билан юқорига тортдим ва шу усул билан қизни ҳам кўтармоқда эдим. Бир қўлимни яна симдан бўшатиб олишга тўғри келди. Қизнинг тўпиғидан тутиб, оёғини устун устига оширдим.

– Ерми?!

Болаларча қувонч янграб кетди унинг овозида.

– Ер, бизнинг еримиз.

Қиз товушимдаги алам ва изтиробни тушунди, жимиб қолди. Устунчанинг эни бир қарич, узунлиги учтўрт қарич бор. Икки киши бемалол сиғиши мумкин. Қиз иккала қўли билан сочларимдан маҳкам ушлаганча тирмашиб чиқиб, елкамга икки оёқларини қўйиб олди. Нимадир юзимни силаб қитиғимни келтирарди. Бошимни кўтариб қараб унинг белида осилиб турган икки бўлак латтани кўрдим. Қиз ҳам менга ўхшаб иштондан айрилган ва ой ёруғида унинг орқаси оқариб кўриниб турарди. Кулгим келди. Қиз елкаларим силки-

наётганини пайқади. Алам ва изтироб кулгусидан силкинаётган вужудимни у толиққан тананинг титроғи деб ўйлади ва тезроқ устунчага чиқиб олишга шошилди.

– Орқага ўгирилиб қорнинг билан ерга ётиб ол, – дедим ҳар эҳтимолга қарши унинг оёғини қўйвормай.

Қиз айтганимни чаққонлик билан бажарди. Энди унинг юкидан бутунлай халос бўлгандим. Чамамда қизнинг оғирлиги ўттиз беш килодан ортиқ эмасди. Бундай юкни ерда бўлганимда кун буйи бемалол қўлимда кўтариб юрган бўлардим, ўз кучимга ишонаман. Ахир мен узоқ йиллар тош кўтариш ва штанга билан ҳам машқ қилганман. Бу соҳада Рустамбойдан узиб кетаман деб ўзимни кўп қийнаганман. Ҳатто питбул зотли Америка итларидек тишим билан турникка осилиб туриш машқини ҳам олганман.

«Ерда» деганим эришроқ туюлади, албатта. Бошқа нима ҳам дей, ҳавода муаллақ десам ҳам тўғри келмайди, тик турибман ёки ётибман ҳам дея олмайман. Утиролмайман ҳам.

Тонг отди. Энди иккаламиз олдинма кетин, мен орқада, қиз олдинда устунча устида туриб қуёшни кўзатардик. Қуёш ҳали чиқиб улгурмаган, унинг нурлари осмон сатҳида парпарон уриб ўйнади. Эсаётган енгилгина шабада қизнинг сочларини тўзғитар ва олиб келиб менинг юзимга урарди. Қиз ўгирилиб менга қаради. Жилмайди. Бир нафас кўзларимдан нигоҳини олмади, тикилиб турди. Нимадир демоқчи бўларди-ю, истиҳола қиларди. Буни тушунди. Мен орқамни ерга маҳкам тираб қизнинг белидан ушлаб турардим.

– Начора, бошқа иложимиз йўқ, – дедим унинг ўнғайсизлаётганини сезиб, – сен қандай қилиб бу туюққа тушиб қолдинг?

– Уша корхона... Аа-а-а!

Қизнинг кўзларидаги даҳшатни кўриб ортимга қарадим-у, ўзимни пастга отдим. Иккаламиз олдинма-кетин қиялик бўйлаб думалаб келаётган улкан ҳарсангни кўриб қолгандик. Тош тўппа-тўғри биз турган устун устига бостириб келиб унга тегай-тегай деб ўтиб кетди.

Биз муқаррар ўлимдан қутулиб қолган бўлсакда, номаълум «келажак» сари шиддат билан кетиб борардик. Йўлнинг адоғи кўринмасди. Ярим соатлар ўтгач, қиз инграниб йиғлай бошлади. Дам қорни билан ётар, дам орқаси билан ётар, дам ўнг ёнбошига, дам чап ёнбошига ағдариларди. Мен бўлсам унга ёрдам беролмаётганимдан хунобим ошиб чора излардим. Уни устимга миндириб олишдан ўзга иложим қолмади. Шундай қилдим.

– Сен нима сабабдан бу ерга келиб қолдинг? – сўрадим нимадир қилиб уни чалғитиш мақсадида.

– Қочдим.

– Кимдан?

– Бошлиқдан.

– Нега?

– Зўрламоқчи бўлди.

– Нега боргандинг у ерга?

– Ишга.

– Нима иш қилардинг?

– Сигир соғмоқчи эдим.

– Нега бошқа томонга қараб қочмадинг?

– Бошқа томонга йўл йўқ. Барча йўллар шу ерга олиб келади.



– Сен қайси сигирни соғмоқчи бўлгандинг?
– Ола таначани. Болалагандан кейин. Мени бир аёл олиб борганди. Узун буйли, чиройли аёл. Бошлиқнинг хонасидаги аёл кўз ўнгимдан ўтди ва сўрадим:

– Ўша аёл ким ўзи?
– Бошлиқнинг... ҳамхонаси.
– Анави товукбоқар-чи?
– Ўша аёлнинг укаси. Касал. Сиз уларни қаердан биласиз?

– Мен ҳам ишлаш учун боргандим.
– Сизни ҳам... зўрламоқчи бўлдим?!
– Нималар деяпсан? Йўқ, лекин нима гуноҳ қилганимни билмайман.

– Баъзилар ўша товукбоқар йигит аёлнинг укаси эмас дейишади. Аёлга қарагани, уни яхши кўриб қолгани учун бошлиқ шундай қилиб ташлаган эмиш.

– Исминг нима?
– Субҳия.
– Ота-онанг борми?
– Бўлишган, ҳозир етимчаман.
– Неча ёшдасан?
– Ўн... етти.

Субҳия охирги рақамни ўйланиброқ айтди. Мендан ёшини яшираётганга ўхшарди.

– Сизга бари бир эмасми? – деди бироздан сўнг. – Энди ёшнинг мен учун фарқи йўқ.

Унинг фикрини тушундим. Кўзлари жиққа ёш эди. Ўлимга маҳкуммиз, бу тузоқдан қутулиб кетолмаймиз, демоқчи эди. Яна қийин аҳволда қолдим. «Қутулиб кетасан, ҳали ёшсан» демоқчи бўлдим, аммо ёлғон айтишдан не наф. Аспалатисофилин томон кетиб бораяпмиз. Тўғри, энди ҳаракатимиз аввалгига нисбатан анча суст. Бу томон нисбатан текисроқ, ҳатто бир-икки жойда озгина тўхтагандай ҳам бўлди. Аммо қандайдир мубҳам бир куч бизни муқаррар комига тортиб бораётгани аниқ эди. У тўхтаб қолишга имкон бермасди.

Субҳияни устимдан туширдим. Елкам ва тирсақларим шилиниб кетганди. Илма-тешик костюмимни унинг остига тўшаб бердим. Силжиб бораётганда костюм енгларини қизнинг кўлтиғи остидан ўтказиб олиб боғлаб қўйдим ва тугун тагидан кўлимни ўтказиб олдим. Ёнма-ён бораяпмиз. Юқорига чиқишнинг сира имкони йўқ. Ортга қайтишнинг демоқчиман. Бу борада қилган барча уринишларимиз беҳуда кетди. Бекорга куч сарфламаслик учун яна нишаблик измига бўйсунушга тўғри келди. Жуда секин, лекин қаричма-қарич тубсизликка томон бораяпмиз. Тагимизда ғурашак шағал бир маромда шиғирлайди. Тепадан бошқа тош думалатишмади... Шусиз ҳам барибир ўлишимизни билишади. Тошни шунчаки эрмак учунми, қизиқчиликка думалатишган бўлса керак.

– Шундай кетаверамизми?
Қизнинг юзига қараб нима мақсадда бундай деётганини билмоқчи бўлдим ва сўрадим:

– Нима қил дейсан?
Субҳия кўзларини олиб қочди.
– Сиз кимсиз? Уйланганмисиз? Болаларингиз бордир балки?..

– Ҳеч кимим йўқ.
– Мен ҳам сизга бегонаман. Ҳеч кимингиз бўлмайман.

– Бизнинг тақдири аъмолимиз бир.
– Лекин ҳаётимиз бошқа-бошқа.
– Ҳаётимиз ҳам бир. Токи ўлимгача шу йўлни бирга босиб ўтамиз.

– Бир-биримизга бегона ҳолдами?
– Ким бўлишимизни истайсан? Ака-сингилми, ота-болами, ёки...

– Инсон умрининг охиригача ака-укаси ёки ота-онаси билан бирга яшай олмайди. Йигит ҳам, қиз ҳам вояга етгач оила қуради, ўзига ҳаёт йўлдоши танлайди. Фақат ана шу йўлдош билангина умрининг охиригача боради.

Бирдан ҳаво булутланиб ёмғир ёға бошлади. Субҳия совқотиб пинжимга тиқилди. Момақалдироқ гумбурлар, чақин чақар, атрофимиздан қондай қип-қизил сув оқарди. Лаҳза ўтмай жиққа ҳўл бўлди. Қизнинг ёмғирда ювилган юзи ойдайгина эди. Сув остидаги тошдек тозариб ярқирарди.

Қуёш чиқишини бир олам қувонч билан кутиб олди. Субҳия совуқдан кўқарган лабларини, елкасини офтобга тутар, бутун вужуди билан унга интилар, қуёшни бағрига босишни истарди. Кафтим билан унинг елкасига, бўйнига шувалган лойни артиб қўйдим. Костюмимни белидан ечиб олиб офтобга ёйдим. Бу пайтда биз биринчи «юриш»дан тўхтагандик. Ёнбағир одам ўзини тутиб туролмайдиган даражада тик бўлса ҳам ёмғир оқизиб келган ғурашак ва лой оёғимиз остида тўпланиб ношудгина зинача ҳосил қилган ва биз бу ноёб қурилмага оёқларимизни авайлабгина қўйиб турар, бир-биримизга қараб хушнуд жилмаярдик, гўё оламшумул бир кашфиётни бузиб қуйшдан кўрққандек эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилардик. Шундай тик ёнбағирда зинача ҳосил бўлишининг ўзи ҳақиқатан ҳам мўъжиза эди.

Қуёш энди дурустгина қиздирар, "рўзғоримиз"нинг яккаю ягона бисоти костюмдан илиқ буғ кўтариларди. Биз шу сонияларда ғоят бахтли эдик. Яна бир неча дақиқадан сўнг нималар рўй беришини ҳам, оёғимиз остида тубсиз бўшлиқ турганини ҳам унутган, келажакни ўйламас, шу лаҳзанинг шодлиги билан яшардик. Ўтиришга ва бир-биримизга рўй-рост қарашга, кўзларимизга тикилиб ҳузур олишга имкон берилганига шукроналар айтардик. Дилларимиз сўзсиз бир нидо билан қўшиқ қуйламоқда эди.

Ногоҳ унинг кўзларида қувликка ўхшаш бир нарса ни кўрдим. Ундан «ҳозир мўъжиза кўрсатаман» деган маънони уқдим. Ҳақиқатан ҳам у кафтлари билан ерга таяниб менга орқа ўгирди. Лозимасининг тилка-тилка бўлиб йиртилганини унутганди афтидан. У эгилганча мендан яшириб нимадир қилди. Кўзлари қувончдан порлаб менга қаради. Кичкинагина муштчасини маҳкам сиқиб турарди.

– Кўзингизни юминг, – деди ёш қизчаларга монанд ўйинқароқлик билан.

Бир ҳисобдан унинг бу қилиғи ёшига мос ҳам эди. Назаримда ҳали у ўн бешга ҳам тўлмаганди. Кўзимни юмдим.

– Оғзингизни очинг!
Оғзимни очдим.
Нозиккина бармоқлар лабларимга тегди, кафтининг ҳароратини ҳис қилдим.
– Бўлди!

Кўзимни очиб унинг қувончдан ёришиб турган юзига қарадим. Оғзимда данак катталигида нимадир бор эди. Дафъатан уни ғурашак тош деб ўйладим. Субҳия менга ҳазил қилаётгандир деган хаёлга бордим ва шу лаҳзанинг ўзида оғзим сувланиб нордонгина таъмини сезди.

– Қурут!..

Ўзининг ҳам лунжи думпайибгина турарди. Икки бармоғини оғзига тиқиб оқ зўлдирчани олиб кўрсатди ва яна оғзига солди.

– Бошқа йўқ, – деди гўё шуни узоқроқ, тамшаб-тамшаб шимишимни уқдиргандай бир оҳангда. Бундай оҳанг менга таниш. Онам кўлимга бор дона қанд ёки бир бўлак нон тутқазардилар-да, «бошқа йўқ» деб писанда қилиб кўярдилар.

Мен бош силкиб жилмайиб қизнинг бу ишини рағбатлантирдим. Қурутдан билинар-билинемас тер ҳиди келар ва назаримда таъми ҳам бошқачароқ эди.

– Чўнтагингда яна бордир, – дедим жиддий қиёфада.

– Чўнтагимда йўқ, – иқрор бўлди қиз.

Офтобшувокда ётиб қурут шимидик.

Арининг ғинғиллашидай овоз эшитилди. Субҳия хиргойи қиларди:

*Йўл бўйида бир тўп олма бор,
Мен шўрликдай танҳо ва ёлғиз.
Йўловчисин кутар умидвор,
Оҳ, олмачалар, бўйга етган қиз...*

Уни шу лаҳзада авайлабгина бағримга босгим, эркалатгим, сочларини силагим келди, аммо бундай қилмадим. Мумкин эмас, ҳаққим йўқ, унга бегонаман. Бундан ташқари ҳиссиётларим ҳам аллақандай чучмал. Ҳаммаси аралаш: оталик ҳисси билан яна бошқа туйғу қалбимда тинимсиз қураш олиб бораётгандай. Балки бу ҳислар қўшилиб бир-бирига чатишиб қолган-у, энди бири иккинчисини маҳв этиб ва ажралиб чиқиб, вужудим ва шууригимга ҳукмронлик қилишга уринаётгандай.

*Ана йўлда кўрунди биров,
Тўкилдилар олмалар тўп-тўп...*

Унинг қўшиғи шу жойда узилиб қолди. Ёнида бегона эркак борлиги ёдига тушиб ялт этиб қаради, юзига дув этиб қизиллик югурди. Нима учундир менга аччиқ аралаш қаради. Кўзларида гинамикан, таънамикин, шамамикин, хуллас, мен номини аниқ билмаган нимадир балқиб турарди.

– Нима гап? – сўрадим ажабланганимни яширмай.

– Олмалар, мен шўрликдай танҳо ва ёлғиз... – дея қўшиғининг, афтидан ўзига қаттиқ таъсир этадиган мисрасини такрорлади, кўзларига ёш қалқиб чиқди.

– Сен ёлғиз эмассан, Субҳия.

Қиз бола учун кўнглидаги фикрни айтиш қанчалар қийин. Ҳаммасини тушунганим ҳолда мен ҳам кескин фикр айтишга ботинмай турардим.

– Барибир ўламиз, шундай экан...

– Шундай экан, бир лаҳза бўлса ҳам...

Мен ҳам давомини айтолмадим. Ёнимда аёл киши бўлганда балки ҳаммаси осонроқ ҳал бўларди. Шу ҳақда ўйлаб қолдим.

– Дунёда муҳаббат борлигини билмай ўлиб кетиш катта бахтсизлик, – деди Субҳия ва кўзларимга илтижо билан қаради.

Мен унинг билагидан ушлаб ўзимга тортдим. Қаршилиқ кўрсатмади. Шу пайтгача қилган яқинликларимиз: уни бағримга босишим, кўксимга бош қўйиши ва бошқа барча ҳолатлар тақдирнинг тақозоси бўлиб, бошига бир хил қулфат тушган икки инсоннинг дард-кашлиги ва бир-бирига ёрдами эди. Энди эса иккаламизда ҳам бутунлай бўлакча ҳиссиётлар туғён ўрмоқда.

– Тўхтанг, – деди Субҳия кўкрагимдан оҳиста итариб, – никоҳ ўқитиш-чи?

Шу лаҳзада унинг кўзларида зухур этган ифодани сўз билан таърифлаёлмайман. Қандайдир ваҳшиёна куч шарм ва ҳаё пардасини йиртиб ташлаб отилиб чиқишга шай турар, назаримда кўзичоқни ейишга шай турган бўрининг кўзларига ўхшарди, унинг кўзлари. Балки бошқачароқдир, аммо начора, менинг жайдари таърифим шу. Балки бу фикрим хатодир, менга шундай туюлгандир, ҳар ҳолда довдираб қолдим. Унинг вужудидаги титроқ менга ҳам ўтди.

– Никоҳ ўқитамиз, – дедим. Товушим аранг чиқди.

– Мен розиман!

Қуёшга қарадим. Олам ёритгичи қизариб ботиб бормоқда эди.

– Эй улуғ отамиз! – дедим Субҳиянинг елкасига кўлимни қуйиб. – Нидомизни эшит, илтижомизни рад этма, мана бу қиз – Субҳи. Мен – Бенаво. Бизга раҳнамолик қил, ўлимимиз олдидан никоҳлаб қўй!

Субҳиянинг ҳам лаблари пичирлаб турар ё менинг сўзларимини ичида такрорлар ёки дилидаги энг яширин гапларини улуғ Сўфимиз – Қуёшга айтарди.

Биз Қуёш ботгунча кутдик. Тун борлиққа ва оёғимиз остидаги тубсизликка чойшабини ёпаркан, Субҳия бағримга кирди ва ўзини бутунлай менинг ихтиёримга топширди.

Эс-ҳушимизни йиғиштириб олганда аввалгидан ҳам катта тезлик ва шиддат билан тубсизлик томон кетиб бормоқда эдик. Муҳаббат жазаваларига оёғимиз остидаги ночоргина Еримиз дош беролмаган ва ўз фуқароларини тақдир ҳукмига қўш қўллаб топшириб қўяқолганди. Субҳияни йўқотиб қўймаслик учун бағримга маҳкамроқ босдим.

Ногоҳ остимиздаги ғурашак тошларнинг шиғирлаши тўхтади. Вужудимнинг энгил тортганини пайқаб кўлим билан билан остимни пайпаслаб кўрмоқчи бўлдим, Ерни тополмадим. Биз ҳавода учиб борардик. Вужудимиз ердан узилган, муаллақ ҳолатда эдик. Юқорига кўтариляпмизми ёки пастга томон кетиб бораяпмизми – билмасдик.

Энди биз учун бунинг аҳамияти ҳам йўқ.

Субҳия бўйнимдан маҳкам қучганча қулоғимга ҳарорат билан шивирлади:

«Мен сизни севаман»!



Рустам МАННОПОВ,
тадқиқотчи

БЕДОР ҚАЛБ МУҒЪЖАЛАРИ

“Шарқ” наشريёт-матбаа-акциядорлик компанияси бош тахририяти иқтидорли шоир Зикрилла Неъматнинг “Онам эккан райҳонлар” номли сайланма китобини нашр этди. Китобдан шоирнинг турли йилларда ёзилган шеър, ғазал, туюқ, муҳаммаслари, баллада ва достони ўрин олган. Китобда шоирнинг қардош халқлар адабиётидан ўгирган шеърлари ҳам жой олган. Шоир Зикрилла Неъматнинг бу сайланма китобини ўқир эканмиз, ундаги халқона тилда ёзилган содда, самимий туйғулари сизга ўзгача кайфият бағишлайди. Шоирнинг қалбида кечаётган улкан тўлғанишларидан ажиб бир ҳолатга тушамиз.

Зикрилла Неъматнинг кайфият манзараларига беихтиёр ошно бўласиз. Шоир ким, нима ҳақида ёзмасин, унинг самимий дил изҳорлари сизни ўзига мафтун этади. Китобни варақлар экансиз, ундаги ранг-баранг мавзулардаги шеърлар сизни ўзига тортиб олади. Зикрилла Неъмат сайланма китобидаги шеърларни етти бўлимга ажратиб тартиб берган. Булар: “Умр қарвони”, “Бахтлар бешиги”, “Муҳаббатсиз яшаб бўлмас”, “Саккизинчи мўъжиза”, “Қуёш бўлиб порлар меҳр-оқибат”, “Она табиат, сенга минг таъзим”, “Эртақлар ўлкаси”, “Нурли Бухором”. Бу рукнлардаги шеърларда ватан, севги-муҳаббат изтироблари, бахт, соғинч, армон туйғулари тараннум этилади. Шоир “Дунёга келдинг-у”... шеърда шундай сатрларни битади.

*Ҳар тонга уйғонмасанг дилда ишқ билан
Булбулга жўровоз бир қўшиқ билан
Ёв келса, чиқмасанг қўлда тиг билан,
Дунёга келдинг-у келмадинг нима,
Сен инсон бўлдинг-у бўлмадинг нима?!*

Бу шеърда инсонни фаол яшашга, ўз ватанига содиқ бўлишга ундовчи даъват янграйди. Шоир инсонни маънавий етук бўлишга чорлайди. У Ватанида бўлаётган улкан бунёдкорликни мадҳ этувчи сатрлар битади.

*Бу йўллар – кўп қадим, улуг йўллардир,
Атрофи тоғу-тош, дашту-чўллардир.
Бу қутлуғ йўлларнинг бунёдкори ким?!
Заҳматкаш, забардаст, қадоқ кўллардир.
Халқим қудратидан олий бир нишон.
Бу йўллар Тошғузар-Бойсун-Қумқўрғон.*

Шоирнинг сайланма китобида муҳаббат мавзуси алоҳида ўрин эгаллайди. Шоир севги-муҳаббатни кенг маънода идрок этади. Бу муҳаббат Ватанга, ёрга, онага каби улкан ҳис-туйғу эканлигини таъкидлайди.

*Ажойибдир бу гўзал ҳаёт
Меҳр истар бутун мавжудот
Токи тирик экан одамзод
Муҳаббатни қўмсаб яшайди,
Кўнгил меҳр истаб яшайди.*

“Саккизинчи мўъжиза” рукнидаги шеърларида оналаримиз, аёлларимиз ҳақидаги шеърлар ўрин олган. Уларда меҳр, фарзандлик бурчи тараннум этилади.

*Ҳовлимизда ҳар баҳор
Онам райҳон экарди.
Тонгда туриб ҳар сафар
Ҳовлига сув сепарди.*

*Шунда гўё оламни
Райҳон ҳиди тутарди
Думоқларни чоғ қилиб
Дилларни шод этарди.*

*Эвоҳ, энди онам йўқ
Ўзим райҳон экарман.
Волидамни соғиниб,
Дув-дув кўз ёш тўкарман.*

Бу шеърдаги она образи таъсирчан чиққан. Кўнгилларга бир маҳзунлик олиб киради. Кўз олдимизда мунис оналар гавдаланади. Сайланмадаги “Қуёш бўлиб порлар меҳр-оқибат” рукнидаги шеърларни ўқир эканмиз, болаликдаги ширин, беғубор дамлар ёдга келади. Оддий инсонлар ҳаёти хаёлда жонланади. Шоирнинг “Ёмондир”, “Отажон”, “Қишлоқ соғинчи”, “От минганлар”, “Бободехқоним” каби кўплаб шеърлари фалсафий мушоҳадага бой.

*Аросатда қолма э аҳли одам,
Дунёнинг Ғарб ва Шарқини билинг.
Олам сирларини билмасангиз ҳам,
Одамнинг одамдан фарқини билинг!*

Хулоса қилиб айтганда Зикрилла Неъматнинг сайланмасидан жой олган асарларда теран фикр, кенг мушоҳада, қалб тўғёнлари гавдаланади. Шеърлардаги мусиқийлик ўқувчини ўзига маҳлиё қилиб қўяди. Сатрлардаги соддалик юракларга жуда яқин. Шу яқинлик доимий бўлиб қолишини истаймиз.



ХУМОЮН



Унтилганинг сайин олислар тоғлар

БОБУРНОМА

Инсон яшай билмас бу қадар,
Не синовлар ёғдирмиш фалак,
О, бу тарих юракни ўртар
Бобурнома – қадимий эртак!

Саф-саф бўлиб лашкар юриши,
Тогдан тоғга мисли афсона
Уруш қилмоқ тақдирнинг иши
Бобурнома, балки жангнома.

Турфа одам, турли феъл-атвор,
Тақдирлари зайли замона.
Дўстлар ичра қоларсан ночор,
Бобурнома, балки панднома.

Бу сафардир, ўтиб тоғу чўл,
Иқлимлари сенга бегона.
Ҳайратларга лиммо-лим бу йўл
Бобурнома – саёҳатнома.

Ҳар не таъриф ярашгай унга
Тирик тарих парчаси гўё.
Саҳфалардан талпинар сенга
Ҳазрат Бобур кашф этган дунё!

ЁҒМАГАН ЁМҒИР

Қайдан келди дайди шамоллар,
Булутларни оқизиб кетди.

Гўё тарқаб кетди хаёллар,
Юрагимга дард сизиб кетди.

Юлдузлар-да кўринмай, тўзон
Тун дунёни қоплади бутун.
Кўнглим хира, мисли тунд осмон –
Ёмғирларни ўғирлади тун!

Фақат ёмғир бўйлари қолди,
Томчи-томчи ўйлари қолди...

ШАХМАТ

Пиёда юргандан отлиқ яхишироқ,
Шитоб манзил бориб, тургайсан қоим.
Филдан кўра асп маъқул-ку, бироқ,
Кенг майдон керакдир хосларга доим.

Фидойи-ю магрур, марддир пиёда,
Исбот этиб шоҳга садоқатини.
Фарзин ўз фарзлари ила зиёда
Маҳкам тутиб турар шоҳнинг тахтини.

Фарзин билар сипоҳ кучин, қурбини
Бирликда курашмоқ асли ҳаётдир.
Узсанг-чи мантиқнинг занжирларини
Қўшин тарқаб кетар, шоҳ эса мотдир!

СОҒИНЧ

Одамлар шаҳарда яшайдилар зич,
Алдашиб ўзларин, бир-бирларини.



*Дилларин ўртаса мунаввар соғинч,
Ҳеч кимсага айтмас бу сирларини.*

*Билишар, уларни қўмсар қишлоқлар,
Тоглар соғинади қучиб осмонни.
Соғинар денгизи кетган қирғоқлар,
Саҳролар соғинар қўмсаб карвонни...*

БОЛАЛИКНИНГ ТУГАШИ

*Ўтиб борар дунёни кўрдим,
Юрагимни ўртади алам,
Беҳол-беҳол қўлларин ўндим,
Онам қариб қолмишлар, онам.*



*Мен боладай беғам, беташиви,
Интилганим – она даргоҳи,
Бошим узра мудом ёзилмиш,
Битта паноҳ – она паноҳи.*

*Осмон боқдим, бағрим тигладим,
Мадад тилаб, етмай бардошим.
Ва тун бўйи бедор йиғладим,
Саҳар билан оқарди бошим.*

Онам қариб қолмишлар, онам...

АФСУС ВА ПУШАЙМОНЛИК

*Бу тало-тўп олам ичинда
Аввал омон бўлсин омонлик,
Гоҳ безовта қилишар тунда –
Афсус ҳам пушаймонлик.*

*Эгизакдир, ажралмас икков,
Тегажоғлик қилар асабга,
Сал ён боссанг, етаклаб дарров,
Олиб борар тўғри газабга.*



ТОГЛАР ОРТИДА

*Тогнинг этагида турган одамга,
Чўққилар яқиндай, забт этиши осон.
Ғайрат жўш уради дилда шу дамда,
Дадил одимлайсан чўққилар томон.*

*Интилганинг сайин олислар тоғлар,
Юксалиб боради ҳар қадам сари,
Тоглар таширфингдан кўнглини чоғлар,
Бағрига олади ёнбағирлари.*

*Юксалаверасан, қуёш йўлидан
Ҳис этиб дунёнинг кенгу-торлигин.
Чўққига етганда, кўрасан бирдан –
Тоглар ортида ҳам тоғлар борлигин.*

* * *

*Бағримда бир ҳис бор бешафқат,
Номи недир, балки адолат,
Балки виждон, ё сабр, тоқат
Бир ундан кўрқаман мен фақат!*

*Ноҳақлик дуч келса ногаҳон,
Сапчимоқ истайди осмонга,
Кўнгилма, тор ҳатто кенг жаҳон –
Лаҳзада айланар арслонга!*

* * *

*Хаёлимга қуюлар оҳанг,
Қайлардадир ажиб сатрлар,
Эй, илҳомнинг маликаси кел
Англолмасман, дилда не сирлар.*

*Айтгил менга сеҳрли калом,
Кўнгил нотинч, ўйларим бетин.
Менга йўқдир бу дамлар ором –
Асрлардай чўзилади тун.*

*Майли, фироқ қўшиқларин айт,
Бир сўз десин мунаввар тонглар.
Шивирласин ақалли бир байт
Тинч қўйса бас, ўжар оҳанглар!*

* * *

*Гоҳ ёлғизлик суҳбати создир,
Булбул чаҳ-чаҳ қилсин, дилроздир.
Менга севги шаробидан қуй,
Дилга малҳам бўлсин кўҳна куй.*

*Дунёларни унутгим келди,
Ўз ўзимни мен қутгим келди.
Гоҳи шундоқ танҳо қоламан,
Сўнг ўзимга келиб оламан!*

* * *

*Ҳакам, билсанг бўлар эди соз,
Ҳукм қилмоқ яратганга хос,
Замонабон қонунларинг ҳам,
Сен ўзинг ҳам восита, холос!*



Раҳмон ҚўЧҚОР,

филология фанлари номзоди, доцент

ИЖОД ВА ИЖОМ

Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг “Адабиёт – ҳунар, уни касбга айлантириб олганларнинг олмага тушган қуртдан фарқи йўқ” деган гапида гап кўп экан. Адиб фикрини шунинг учун ҳам эслаяпмизки, чинакам ҳунарманд бирор янги нарса яратмоққа азм этар экан, ўзини бу иш билан худди биринчи бор тўқнаш келаётгандек ҳис қилиши, кеча орттирган тажрибасидан бугунги ишида айтарли фойдаланмаслиги яратилажак нарсанинг жозибасини, оҳори – оригиналлигини таъминлашда асосий омил бўлади. Агар гап дунё миқёсида ҳар куни минглаб, балки миллионлаб сонда ёзиладиган шеър ҳақида борса, инчунун.

Шу нуқтаи назардан қараганда, даври, тили ва эътиқоди, миллати ё ирқидан қатъи назар, ҳаммага ато этилган КЎНГИЛга изҳор тили топиш, уни шунчаки тўкиб солиш эмас, ўзга кўнгилга малол келмайдиган, унга худди қақроқ ерга томган сув сингари сингиб кетадиган табиий малҳам тарзида баён этиш қанчалар мушкул. Қолаверса, шеър ёзила бошлаган ибтидодан то ҳозирга қадар баён этилмаган туйғунинг ўзи ҳам, унинг ишлатилмаган иншо усули ҳам деярли қолмагандек. Лекин, шуниси мўъжизаки, истеъдодли ижодкор буларнинг барини қайта ва қайта кашф этаверади, ҳар сафар унинг изҳори кутилмаган янгилик сифатида тан олинаверади. Бу ҳунарнинг ўзгармас талаб-қоидасини эса Ҳенрих Ҳейне шундай таърифлаган эди:

*Ҳамма эснаб турди, қулоқ солмади,
Қайғумни гапириб берган вақтимда.
Мени алқаманган киши қолмади,
Қайғумни назмга терган вақтимда...*

(Чўлпон таржимаси)

Вақтли матбуотда, кўплаб тўпламларда чоп этилаётган сонсиз-саноксиз тизмалар орасида санъат юқи бор мисра учраб қолса, шеър қадрини биладиган ўқувчи қанчалар суюнади. Шу маънода шоира Хуршиданинг “Самойинур” дея чиройли ном берилган

сайланмасига кирган ўнлаб гўзал шеърлар адабиёт аҳлини мамнун қилмаслиги мумкин эмас.

Ўрни келганда шуни таъкидламоқ керакки, у ёхуд бу ижодкорнинг дарду дунёси, изҳор усули, мақсад-муддаоси тўғрисида кенгроқ, яхлитроқ тасаввур ҳосил қилиш учун бундай тўпламлар ниҳоятда асқотади. Чунки шоирнинг жорий матбуотда чиққан, бир сафар кўриб, бошқа сафар кўлимизга етиб келмаган ижод намуналари, ҳар қанча уринманг, ўша тасаввурни яхлитлаб беролмайди. Бошқача айтганда, “Самойинур” тўплами муаллифининг қалб биографиясини нисбатан тўла акс эттириши билан ҳам эътиборлидир.

Шоира бундан ўн йил аввал мўъжизакор Баҳорга шундай илтижо қилган экан:

*Баҳор!
Ўргат менга оҳиста,
кулиб,
қаро ерга алвон либос бичмоқни,
нозик ниҳолларинг савалаган сел
сувларин меҳр ила ичмоқни!..*

*Баҳор!
Сен йилдан йил яшнайвер, эркам.
Мен – очилмай сўлган гулнинг
дарбадар,
сенга ўхшолмаган байтларига ҳам
ҳаёт бахш этиб тур ҳар сафар!..*

Шоирадаги мана шу – ўзидан қоникмасликдек муҳим ижодий ҳис йиллар оша уни бедор тутди, шеър ёзиш – сўзлардан оҳангли матн тўқиш касби эмас, балки ҳаёт аталмиш ширин ва беҳад шафқатсиз реаллик сирини англаб бораётган безовта кўнгил тилини таржима қилиб бериш санъати эканини эслатиб турди.

*Мен жой ахтариб юрибман,
Халқим, сенинг юрагинг аро.
Бир тайинли сўз айтолмадим,
Афсус, шеърим йўқ бирор сара.*



Ҳолбуки, шоира ўзи танлаган ижодий йўлда таллайгина сара шеърлар топди, устозу тенгдошлари ичида ўз овози билан танилиб туришга эришди. Шуниси муҳимки, Хуршида ўзи безовта бўлмагунча шеърхонни ҳам безовта қилмасликка кўниккан шоира. Бугунги кун меъёрлари билан гапирадиган бўлсак, ундан ҳам қўшиқ учун шеър ёзиб беришини сўраб келадиган санъаткору ҳаваскор оз эмасдир. Бироқ у оммага танилишнинг бу осон йўлидан эмас, топган зарини фақат заргарга илиниш-ишониш йўлидан боришни афзал билмоқда. Унинг битганларини ўқиб ҳис қилиш ўқувчидан муайян тайёргарликни, ҳатто руҳий тадорикни талаб қилишининг сабаби ҳам мана шунда, бизнингча. Жумладан, 2001 йилда битилган “Дунё” шеърда акс этган мудом кемтик тирикликнинг оригинал бадиий идроки, лирик қаҳрамон туртина-суртина етиб келган мана бу аччиқ хулосалар, худди шу дунёни аксарият қирмизи рангларда кўришга мойил кишилар учун бор-йўғи қуруқ ҳасрат бўлиб эшитилса, ҳайрон бўлмаслик керак:

*Охуларнинг маъсум кўзларида ёш,
Қумурсқалар йўлин ёритар қуёш,
Беғуноҳ оққушлар кўтаролмас бош,
Берган зийнатидан тонар дунё бу...*

*Ўтинчим: байтларим ботмасин дилга,
Талх уммон ҳаёт бахш этолмас гулга,
Мусича дарс берса не тонг, булбулга,
Дилозорни қувиб толар дунё бу,
Фақат сўзни асраб қолар дунё бу!..*

Инсон руҳиятининг билимдони Зигмунд Фрейд куватишича, отасининг вафот санаси эркак киши ҳаётида муҳим ўзгаришларга йўл очадиган палла ҳисобланади. Киши, неча ёшга етганидан қатъи назар, шу ҳодисага қадар ўзини мудом боладек, ёшдек, кимнингдир етови, қарамоғидаги одамдек ҳис қилади. У ташқи кўринишидаги барча ўзгаришлар, ўзгалар нигоҳига бўртиб кўринаётган эркаклик сиёқига қарамасдан, ўз ичида, ўз қарашида ҳамон ёшлигича – ғўрлигича қолаверади. Шунга кўра, ҳаёт сўровларига жавоб бериш, тирикчилик оғирлигини тўла-тўқис гарданга олиш масъулиятини, ҳар қанча ўзи истамасин, мукамал ҳис қила олмайди. Отанинг ўлими эса уни бирданига, жуда тез каттаришига, чинакам эркакликка етишувига сабаб бўлади. Энди у тўла-тўқис мустақилликни, эркинликни, ўй ва ҳаракатларида фақат ва фақат ўзига ишонишдек масъулиятни ҳис қилади. Шу даврдан бошлаб унда болалик ҳисси батамом сўниб, оталик туйғуси тўлақонли кучга киради... Бу эркакларда кечадиган ҳолат.

Хўш, отасидан айрилиш қизларда, аёлларда қандай ҳис-туйғуларни кўзгайди, улар руҳиятида, дунё-қарашида не ўзгариш-эврилишлар содир этади? Бу борада атрофлича илмий хулосалар чиқаришни руҳшунослар ихтиёрига қолдириб, биз қалби ҳар кимниқидан сезгирроқ шоиралар, жумладан, Хуршида кўнглига оғир қанот-ла кўнган дардлар залворини кузатамиз:

*Отанинг бор умри сабрга кетди,
Меҳнату риёзат – жабрга кетди.*

*Фароғат чироғин, ҳидоят нурун
Ахтариб, қоронғу қабрга кетди...*

Албатта, ота-она, ака-ука ва бошқа яқинлардан айрилиш мутлақо шахсий, қондошлик характериға эға ҳодисалар бўлиб, улар тўғрисидаги шеър ва ҳикоялар, юзаки қараганда, оилавий альбомда қолиши лозимдек туюлади. Бироқ ижодкор инсон, ҳаммамиздан кўра таъсирчанроқ сажия эғаси сифатида, бу шахсий кўргуликлар баён-изҳорига шундай оҳанг топадики, бу оҳанглар қай биримизнинг унутилаёзган дардларимизни қайта кўзғотса, бошқа биримизни ғам-қайғуга кенгроқ қараш, ундан-да сабоқ олиш ва шу орқали пича юпанишга ўргатади:

*Дада,
Тупроқларнинг бағрида ҳаёт
Осуда эканми, йўқмикан армон?..
Ҳажру фиरोқлардан фақат одамзод
Тирикликда чекар эканми афғон?*

Хуршида шеърларига сезиларли самимият, ростлик ва оҳор бағишлаб турган яна бир жиҳат лирик қаҳрамонга хос бўлган бағрикенглик, ўзининг излай-излай топганларини ўзгаларга ихлос-ла илинишдек кўнгли очиклик фазилатидир. Боя айтилганидек, бу шеърларга таъсирсиз китобийлик ҳам, ғашга тегадиган декларативлик ҳам, аёлларга-да ярашмайдиган чучмал тантиклик ҳам мутлақо ёт. Айрим шоира қизларимизда учрайдиган, умрида кўрмагани (демакки, қудратини заррача ҳис қилмагани!) – “денгиз мавжларида қулоч отиб, ўзни унутгим келди” тахлит ясама пафослардан узоқлик – қалби миллий заминдан узилмаган ижодкорнинг яна бир умидли сифатидир:

*Бахтнинг рангларини кўра бошладим,
Бири ойда экан, бири қуёшда!
Қулғу жарангини илғаб оляпман,
Гоҳо сойдан келса, гоҳида тошдан!...*

*Бахт рангин энди сал англаяпман-у,
Ўзимдек зорларга келар ўргатгим!*

“Сайланма”дан шоиранинг аруз вазнида қилган ижодий уринишлари ҳам муносиб, ҳақли ўрин олган. Чунки булар шунчаки уриниш, ҳаваскорлик машқлари бўлмай, мумтоз вазн табиати, стихияси шоирага беғона эмаслигини, ҳатто айрим намуналар мисолида бармоқдан-да яқинроқ, ўнғайроқ, “қуш тилини қуш билади” сингари қадрдонроқ эканини кўрсатади.

...Аслида бундай мақолаларнинг бир қисми муаллиф ижодидаги муайян камчиликлар, унинг таҳлил этилаётган тўпламига кириб қолган бўшроқ шеърлари танқидига ажратилиши лозимлигини унутганимиз йўқ, албатта. Бироқ “Самойинур” китобидан “Тафтини олганда хок, тингайми титроқдин танам?” сингари талай нодир мисраларни топамизки, қуввати шундай мисралар яратишга етадиган шоира қалами унча-мунча камчилик-нуқсонларни таҳрир этишга ҳам ўзида куч топишига ишонгимиз келади.



Динора РАХИМОВА



ҚИШЛОҚДАГИ БУВИЖОНИМ

Қисса*

ЖАЖЖИ АСАР ҲАҚИДА СЎЗ

Сўнги пайтлар бадиий ижодга ҳавасмандлар жуда кўпайди. Улар таҳририятларга қисиниб-қим-тиниб эмас, далли-ғулли кириб келишади.

“Менинг асаримни чоп этинглар,” – дейишади қўлғезмаларини стол устига намоийишкоруна ташлаб.

Ҳа, улар ҳеч бир иккиланмай шундай талаб қилишади. Бу навниҳол ижодкорларнинг мардона, нописанд иддаоларидан кўнглимизда бир иштибоҳ кечади: “Тузук нарса қоралаган кўринади...” Аста қўлғезмани варақлашга тутинамиз, ва...кўрамизки, бадииятдан хийла узоқ, жўн ва саёз битиклар. Энг ёмони ҳақиқатдан йироқ, сохта баёнчиликка лиммо-лим...

“Йўқ, бу воқеалар ҳаётда чиндан ҳам бўлган”, – дея бизни енгмоқчи бўлади мурғак муаллифлар.

Кўнамиз. Бош ирғаб кўямиз.

Мана, бугун иқтидорли қаламкаш Динора Раҳимованинг “Қишлоқдаги бувижоним” асарини ўқиб чиқарканман, кўнглим ногоҳ ёришди. Қизимизнинг қалами анча чархланган. Нигоҳлари тийран. Воқеликни файласуфна кузатишга уринади. Энг муҳими, ҳаётни, айниқса, ўзи қаламга олаётган қаҳрамонлар турмуш тарзини, кечинмаларини яхши билади. Тасвирларни тиниқ ва жонли беришга уринади. Масалан, асарнинг илк сатрларидаёқ қуйидагича чизгиларга дуч келамиз: “Қуёш биз билан ким ўзарга мусобақалашади. Дарахтлар орасидан кўз қисиб-кўз қисиб ўтаяпти.”

“Қишлоқдаги бувижоним” Диноранинг илк настрий асари. Унда болаларга хос ўта содда, жўнроқ ўринлар ҳам учрайди. Лекин бу ўқувчига сира малол келмайди. Чунки тасвирлар самимий ва ҳароратли. Ўқувчини беихтиёр ўз измига олади.

Динора Раҳимовани ана шу самимият, ҳарорат асло тарк этмасин деймиз.

Луқмон БЎРИХОН



* Журнал варианты



ҚИШЛОҚҚА КЕЛДИК

Тоғлар орасида кетаётган бўлсак ҳам, ҳаво иссиқ. Дадам машина ойнасини очиб олган. Шаббода фақат дадамгагина хос бўлган ёқимли ҳидларни менга илиниб ўтади.

– Дадажон, тезроқ юрайлик, – дедим.

– Ростдан ҳам, тезроқ юрақолайлик. Майлими? – Орқадаги икки ўриндиқ орасидан дадамга мўралаб илтимос қилди укам Абдусалим ҳам.

– Бундан тез юриш мумкинмас-да, болалар, – деди дадам пешонасига яқин турган кўзгу орқали бизга қараб.

– Эй нима бўпти, юраверайлик, – деди укам қайсарлиги тутиб.

– Йўлда милиция тўхтатса нима қиламиз?

– Тўхтамаймиз, – укамнинг бунақа кутилмаган жавоблари дадамни доим қийнаб қўяди.

Куёш биз билан ким ўзарга мусобақалашади. Дарахтлар орқасидан кўз қисиб-кўз қисиб ўтаяпти. Йўлга чиққанымиздан бери икки-уч мартагина орқада қолди, холос. Шундаям бирпасда олдинга ўтиб олаверди.

– Эсиз, дадам яна сал тезроқ юрганда эди, куёш аллақачон орқада қолиб кетарди. Кичкиналар доим катталарни айтганини қилиши керак. Нега катталар кичкиналарнинг сўзини қилмайди? – деди Абдусалим.

Оқланган, пастаккина, лой деворли уйларни қарда кўрмай биринчи бўлиб қишлоғимиз ёдимга келади. Мана ўша уйлар. Баҳор фаслида томида лоллақизғалдоқлар ўсади. Тишим тушганда шу томлардан биттасига ташлагандим. Яна битта тишим тушди. Уни эҳтиётлаб, қишлоққа олиб келяпман. Чунки Тошкентдаги томларга отсам, тишим ўзимга яна қайтиб тушади-да. Яна-чи, биз томонда шамол жудаям кўп ва қаттиқ бўлади. Шунинг учун “тентак шамол” дейишар экан. Ўшанақа пайтларда забардаст, учи кўринмайдиган узун-узун тераклар ҳам бир-бирига суяниб, ваҳимали, ғув-ғув овоз чиқариб тебранади. Шамол секинлаганда омон қолганидан қувонса керак, барглар қарсак чалади. Дадамнинг бошқа виллоядаги бир дўстиникига меҳмонга борганимизда, уйи ёнидаги тераклар тебраниб шунақа қарсак чалганди. Ўшанда Абдусалим қишлоғимизнинг овози келяпти, деган. Чиндан ҳам бу товушлар қишлоғимизнинг овози. Бу ерда кўп одамлар велосипедда юради. Қишлоқ кўчаларидан мол-қўйларнинг марашини-ю, итларнинг ҳуришига қўшилиб, узоқ-яқиндаги тракторларнинг овози эшитилади. Яна тошли йўлақлардан ўтаётган сигир-бузоқларнинг арқонига уланган, уларнинг ортидан жаранг-журун қилиб судраладиган қозикларнинг ҳам ўйноқи товуши янграйди. Агар билсангиз, бу ҳам қишлоғимизнинг овози. Иссиқ ноннинг, янги ўрилган ўтнинг, тандирда ёнаётган ўтиннинг, райхоннинг, сув сепилган ернинг ҳиди – бу қишлоғимизнинг хиди. Ана, судралаётган қозикнинг товуши келяпти.

Ярим йўлдан буёғига умуман гапирмасдан, дадамдан хафа бўлиб келаётган Абдусалимга атроф таниш кўриниб қолди.

– Ийи, келдикми, дада? – деди бирпасда аразидан чиқиб.

– Ҳа, келдик.

Машина тўхтар-тўхтамас, ундан отилиб тушдиги ичкарига югурдик: “Бувижон, биз келдик”.

Остонада турган бувим шошганидан калишини тополмай, “Вой бувинг жонингдан, ўзим ўргилай, менинг оталарим кепти-ю” деганча, ҳовлига махсиси билан чиқиб қўяқолди. Бизни бағрларига олиб, юзларимиздан, пешонамиздан ўпди.

– Бувижон, мен сизни иккита кўзим билан соғиндим? – дея мақтанганнамо, чўзилиб гапирдим.

– Ўзим айланай. Кел, шу иккита кўзларингдан ҳам ўпиб кўяй, – бувижоним мени эркалаб суйганида укам қараб турмасди. Бу сафар ҳам шундай бўлди:

– Бувижон, қаранг, мен сизни бунча, бунча, бунча кўзим билан соғиндим, – деди ўнта бармоғини бир неча марта ёйиб, йиғиб кўрсатар экан.

– Бувинг ўргилсин, гиргиттонларим, бувинг ўргилсин.

Ёз барибир яхши. Айниқса қишлоқнинг ёзи. Бизга роса маза бўлади-да. Дастурхондаги тайёр мевалар қолиб, дарахтдагисини териб еймиз. Бувим уришадилар-у, лекин биламан, улар бундан хафа бўлмайдилар. Чунки бизни ўзлари жилмайиб томоша қилиб ўтирадилар-да. Амакимизнинг ўғли Ҳикматилла мен билан тенгқур. Иккимиз ҳам иккинчи синфни битирдик. Укам Абдусалим беш ёшда. Уч оғайни ботирлар бир бўлсак борми, дунёнинг ғайратини ҳам, қувончини ҳам битта ўйинимизга тенглаштира олмайсиз.

ҚУЛОҚ ЧЎЗМА ЎЙНАДИК

– Болалар, тўйга чиқасизларми? Орқа кўчадаги қўшничида тўй бўляпти, – бувимнинг таклифи билан Ҳикматилла бошчилигида бир бўлиб орқа кўчага, тўйга чиқиб кетаётгандик:

– Қулоқ чўзма ўйнаманглар тагин, – дедилар бувим.

– Ҳикматилла, тўйга ростдан ҳам бизни киритаверадимми? – деб ҳайрон бўлиб сўрадим.

– Ҳа, – деди жилмайиб Ҳикматилла.

– Бизни танимасаямми?

– Ҳа дедим-ку.

– Тошкентда тўйга фақат катталар боради-да, ўшанга сўрадим.

– Эй, бизда ҳамма бораверади, қара, – тўйхона дарвозасига яқинлашган Ҳикматилланинг кўзи болаларни атрофига тўплаб, тугилган рўмолчани қўлида баланд кўтариб гапираётган, қорни катта амакига тушган заҳоти “ўйин бошланибди-ю, юринглар тезроқ” деганча давра томонга югуриб кетди. Қишлоқда шунчалик кўп бола бор экан-да. Абдусалим иккимиз ўйнаётганларни четдан кузатардик.

Қорни катта амаки гапини тугатиб, қўлидаги рўмолчани отган эди, болалар бир-бирининг устидан ошиб, тугунчани қўлга киритишга ҳаракат қилди. Ана, Ҳикматилла тугунчани олди. Қочаётган эди, битта бақалоқ бола аввал унинг елкасига, кейин қулоқларига осилиб ерга йиқитди. Ҳикматилланинг додлаганини эшитиб, кўрқиб кетдим. Яқинроқ борсам, бечоранинг қулоғини ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа чўзиб айлантириш-япти. Абдусалимга айтиб, амакимни чақиртирмақчи бўлиб турган эдим, болалар чанга тўлдирган даврандан ҳалиги тугунча отилиб ёнимга тушди. Мен ҳам тугунчани олдим-да анча узоққа югуриб кетдим. Тез югураман-да. Жисмоний тарбия дарсларида югуриш бўлса ҳар

доим маррага биринчи бўлиб келаман. “Ютдим, ютдим” деб тугунчамни баланд кўтариб, сакрадим. Югуриб келаётган болалар мени табриклашга келяпти деб ўйлаб тургандим, ҳаммаси бир бўлиб кўлимга ташланса бўладими? Менам тугунчамни бермай қаттиқ чангаллаб олдим. “Мен ютгандим-ку, кўйворинглар” дедим алам билан. Ҳикматилла кулиб: “Тугунни олгандан кейин Холмат амакига топшириш керак эди,” – деди. Қорни катта амакининг исми Холмат амаки экан. Аммо энди кимирлашнинг умуман иложи йўқ эди. Вой-дод, биттаси мени босиб олиб чунонам қулоғимни бурадики... Менимча, бақалоқ устимга чиқиб олган бўлса керак, нафас ҳам ололмай қолдим. Болалар қулоғимни суғуриб олса ҳудди бойиб қоладигандек, завқ билан тортарди. Охири чидолмадим, тугунчани отвордим. Хайрият, қутулдим-эй. Лекин қулоғим ёмон оғрияпти, филниқичалик бўлмасаям анча катталашиб кетган. Ушлаб кўрмоқчи эдим, қулоғим қизиган, ёнаётганга ўхшарди. Қулоқ иссиқ турса, жонга ёқаркан. Сал тезроқ юрворсам қулоғим кимирлаб кетаверар, ёмонам оғрир эди. Қарасам, Абдусалим ҳам болаларга кўшилиб кетибди. Оббо, энди уни қандай ажратиб оламан. Мени ҳолимга тушса нима қилади, бечора. Шу ҳолимда яна даврага кўшилдим. Укамни тортқилаб четга олгандим, йиғлаб берди. “Билганингни қил” дедим. Бир адабини есин-чи, “ака, айтганингизни қилсам бўларкан” дейди ҳали. Даврага кириб-кирмай “акааа” деб жонҳолатда югуриб чиқди. Ана айтдим-ку. Лекин кўлида тугунча бор экан. Болалар яқинлашганда тугунчани менга оширди. Яна ўша ҳолат. Ҳаммаси устимга бостириб келяпти. Кўрқиб кетдим. Шу пайт қорни катта амакига яқин турган Абдусалимга тугунни қайтардим. У эса Холмат амакининг кўлига шундоққина тутқизди-кўйди.

– Яшавор, йигитча, кимнинг ўғлисан, танимай турибман, – деди Холмат амаки. Саволга Абдусалим қолиб болалар жавоб беришди:

– Тошкентдан кепти.

– Ҳикматилланинг амакиваччаси экан.

– Ҳа яхши, қани бери кел-чи. Бу ўйинни олдин ҳам ўйнаганмисан? – деди амаки Абдусалимга.

– Йўқ, бугун биринчи марта ўйнадим.

– Қойилман, қандай қилиб биринчи ўйинданок ғолиб бўлдинг? – Холмат амаки кўзлари янаям порлаб сўради.

– Акам ёрдам бердилар. Улар жудаям яхши, – Абдусалимнинг сўзини эшитиб, укамни ҳар доимгидан кўпроқ яхши кўриб кетдим. Холмат амаки укамга тугунча ичидаги мукофот пулини бераётганда ҳамма қарсақ чалиб олқишлади. Менга ўхшаб шалпанқулоққа айланганлар эса номигагина кўлини кўлига теккизиб, ўзини қарсақ чалаётгандек кўрсатар эди. Уларни ҳам қулоғи кимирлаганда оғриётган бўлса керак-да. Ўйин тугади.

ДАДАМ СИГИР СОҚҚАН ЭКАН

Тонг отдими ё катталар ҳалиям ухламаганими, англаб-англамай ғовур-ғувур овозлардан уйғондим. Ташқари ним қоронғу, қарасам, соат тўрт бўлибди. Мен тонгги соат тўртни биринчи марта кўришим эди. Бунча барвақт туриб нима қилишар экан булар? Уйқум қочди. Ҳовлига чиқсам, қоп-қоронғида, кўрқмасдан

Ҳикматилланинг катта опаси супурги билан челақни кўтариб кўчага чиқиб кетди.

– Бувижон, Мадина опам қаёққа кетяпти? – дедим. Салом бериш ҳам ёдимдан кўтарилиб.

– Яхши дам олдингми, болам? Мадина опанг кўча супургани чиқиб кетди.

– Ҳали қоронғи-ку.

– Бизнинг қишлоқда бу вақтда тонг отган ҳисобланади, болажоним.

– Кўрқмайдиларми?

– Билмасам, сен ёнида турсанг кўрқмаса керак. Яна ёрдамлашиб ҳам турар эдинг. Бор қараб тур, бо-рақол, – дедилар.

Кўчага чиқсам... Одамлар гавжум, чироқ нурларидан ёришган бир кўча. Чиндан ҳам тонг отгандай бўлди. “Шит-шит”, этган супурги товушлари, сувнинг тупроқ йўллакка сочилиши, кўчадан ўтаётган боболарнинг жўр бўлиб қизлар саломига алик олганлари, алиқдан сўнг узоқ-узоқ қилган дуолари, тонгга файзни олиб кирган опаларнинг шодон кулгулари, хотирамда тонгнинг энг гўзал ва ягона қиёфаси бўлиб муҳрланиб қолди.

Уйда бувим билан дадам Ҳикматиллани ўрталарига олиб суҳбатлашаётган эканлар.

– Ҳа, ўғлим, нега турибсан? Кел, – дедилар.

– Дада, бу ерда кўча-ҳовлилар ҳар куни шундай супуриладими?

– Ҳа, ҳар куни супурилади.

– Нега?

– Бувижонингдан сўрагин.

– Сиз билмайсизми?

– Нега энди, биламан. Супуришнинг хосияти ҳақидаги ривоятларни, бошқа савобли ишлар ҳақида эшитиб катта бўлганмиз ахир. Бувижонинг чиройли қилиб гапириб берадилар-да, – дадам бувимга жилмайиб, “айтиб берасиз-а” дегандай савол назари билан қарадилар.

– Ҳаммаёқ тоза бўлса сенгаям, бошқаларга ҳам ёқади, тўғрими? – дедилар бувим.

– Ҳа, – дедим мен.

– Аллоҳ ҳар тонгда бизга ризқ улашади. Барвақт турган бандаларига эса кўп ризқ беради. Уйқудан жуда кеч уйғонадиганларнинг кунда баракаси бўлмайди, кунда баракасиз одамнинг иши ҳам, ризқи ҳам баракасиз бўлади. Барвақт уйғонишнинг хосияти кўп болам.

– Бувижон, мен ҳозир келаман, Абдусалимни уйғотиб чиқай, – деб укамнинг олдига чиқиб кетдим.

– Абдусалим, тургин, бувим зўр нарса гапириб беряптилар. Сен ҳам эшитасанми? Тургин, турақол. Жудаям қизиқ экан.

Қизиқ воқеаларни эшитишни хуш кўрадиган укамни бунақа гаплар билан уйғотиш осон эди. Юзини чала ювган укам кўзларини ишқаб, бувимнинг олдига кириб борди.

– Мана бувижон, Абдусалимни ҳам уйғотдим. Энди Худо бугун укамгаям кўп ризқ беради, а? – деб сўрадим.

– Ўзимнинг эси кўп, меҳрибон неварамдан айланай, укамни шунинг учун уйғотдингми? Албатта, беради, – бувим мени кучоқларига олиб, бошимни силади.

– Абдусалимнинг ҳовлиқидан Ҳикматилла пиқ этиб кулиб юборди.

Бувим ҳам жилмайди.

– Агар оилада қиз ҳам, келин ҳам бўлмаса ҳовлини ким супуради? – деб сўрадим мен.

– Ўғиллар қилади-да, ўғлим. – дедилар дадам.

– Амманг чақалоқ эди. Бувинг далага, бобонг ишга кетарди. Амакиларинг билан ҳамма уй ишларини бўлишиб қилардик.

– Сиз қанақа ишлар қилгансиз?

– Мен ҳар доим ҳар хил иш қилардим. Юмушларни қоғозчаларга алоҳида ёзиб, ўрардик-да, ўртага ташлаб ҳар биттамыз тўрттадан танлардик. Мен доим катта амакинга сигир соғиш тушсин-да деб ният қилардим. Чунки амакинг сигирдан кўрқарди. Мен кўрқмасдим.

– Дада, сиз сигир соғанмисиз? – Ўзим эшитаётганларимга ишонмасдим. Чунки дадамнинг ҳатто ошхонага кирганларини ҳам эсполмайман. Боя келинойим сигирни соғаётганини кўргандим. Уларнинг ўрнига дадамени кўйиб кўрдим. Шунақа кулгим келди. Тасаввур қилдим. Дадам чўнқайиб сигирни соғса-я?!

– Ҳа, соғар эдим. Сигир менга ўрганиб ҳам қолганди. Хаттоки бувинг борса қийнарни, соғдирмасди. Мабо-до амакинга шу юмуш тушса менга маза эди. Ҳамма ишимни битта сигир соғишга алмаштириб олардим. Бу қилигимни бобонг билиб қолиб, қаттиқ танбеҳ берганларидан кейин ташлаганман. Ундан ташқари кирларни ювардик, хамир қилиб нон ёпардик, идиш-товоқларни ювардик, чанг артишми, супуришми, овқат қилишми – ҳамма ишни қилганмиз.

– Вой бў... Мактабга бормаганмисиз?

– Борганмиз. Бу ишлар мактабга кетгунча қилинарди, ўғлим. Мактабдан келиб яна далага чиқардик. Молларимиз ўтлаётганда, дарактларнинг соясида ўтириб китоб ўқиганмиз, – дадам хиёл табассум билан ўйга толиб қолдилар. Ўтган кунларни эслаяптилар, шекилли деб бошқа савол бермадик. Лекин барибир, дадамнинг фартукда идишлар юваётгани, капгир тутганини тасаввур этганимда ўзимни аранг кулгудан тўхтатардим.

Кун ёришгунича кўча ва ҳовли супурилиб, сигир соғилиб, бир тандир нон ёпилиб, кичкиналарга сутли овқат, катталарга куймоқ пишириб бўлинди. Абдусалим укам барвақт уйғонгани учун “Худодан катта ризқни олдим” деб, кўнглини хотиржам қилиб яна ухлаб қолди.

ДАЛАДА КИТОБ ЎҚИДИК

Мен узоқ изламасдан бир узун таёқ топдим. Ҳикматилла айтди, чўпонларнинг таёғи бўларкан. Кўйларни олдимизга солиб кетаётгандик, Ҳикматилла: “Вой, тўхта” – деди-ю уйга томон югуриб кетди. Мен тўхтадим, кўйлар тўхтамади-да. Уларга роса ялиндим, йўлини тўсмоқчи бўлдим. Йўлини тўсганим сари мени айланиб ўтиб янаям тезроқ югуриб кета бошлашди. Ўғирлаб кетишмасин деб кўйларнинг орқасидан кетавердим. Ҳикматилла ўзи бизга етиб олди.

– Нимага уйга қайтинг? – деб сўрагандим кўлидаги китобни кўрсатиб:

– Мана бунга, – деди хансираб.

– Нима қиламиз уни?

– Далада ўқиймиз, амаким айтдилар-ку, биз китобни далада ўқиганмиз деб. Биз ҳам далада ўқиб кўрайлик дедим-да, яхши қилибманми?

– Ҳа, яхши қилибсан. Биласанми, бизни уйимизда компьютер бор. Керакли маълумотларни интернетдан осонгина олиб ўқиймиз. Аввал далага борганимда нима қилардинг?

– Болалар билан копток тепардик ё қувлашмачоқ ўйнардик. Бугун китоб ўқиймиз.

– Бу қанақа китоб ўзи?

– Бобом туғилган кунимга совға қилганлар. Ичида кўп эртақлар бор экан.

– Ўқиб чиққандирсан, қизиқми?

– Ўқимаганман, совға қилинганидан бери жойида туради, ўшанда ўқишни эндигина ўрганиб олгандим. Бобом ўқигин деб кўп марта қистадилар, ўқиб кўрдингми, деб ҳар куни эринмай сўрайверардилар, кейин... – Ҳикматилла жимиб қолди, “кейин-чи?” деб унга қарадим. Ҳикматилла бошини эгиб яна жим тураверди. Мен ҳам индамадим. Бироз ўтиб:

– Бобом мендан хафа бўлгандирлар-а, Азиз? Совға қилган китобларини ўқимаганимга кетиб қолдилар, – деди. Бобомнинг вафот этган куни ёдига тушиб қолган экан.

– Сендан хафа бўлганлари учун кетмаганлар, Ҳикматилла. Аям айтганлар, бандаси берилган умрини яшагандан кейин Худо уни олдига чақириб олар экан.

– Ҳикматилла табиатан хушчақчақ бола, бунақа хафа бўлиб туриш унга умуман тўғри келмас экан. Мавзуни ўзгартириб, кайфиятини кўтаришга киришдим.

– Ҳали сен уйга кириб кетаётганимда “тўхтаб тур” дединг-ку. Тўхтаман десам, анаву кўйларинг кетиб қолди. Уларни қайтармоқчийдим, баттар қочди. Сени кутсам, кўйларни биров ўғирлаб кетади деб кўрқдим. – дегандим, хайрият, Ҳикматилланинг юзига табассум югурди:

– Э, улар ақлли, йўлни мендан яхши билишади. Кейин бизнинг қишлоқда ҳали бирорта одамнинг моли ё кўйи ўғирланган эмас.

Дала уйнинг яқинида экан. Борсак, беш-олтита болалар Ҳикматилла айтганидек футбол ўйнапти. Дала қирғоғидаги катта ариқнинг шарқираб оқиши, мол-ҳолнинг ердаги майсани қирт-қирт этиб юлгани ҳам эшитилипти. Бу маскан мен каби болаларни ҳар куни бағрида яйратади. Мен ҳам шу ерларда қолсам эди.

Ҳозиргина биз келган йўлдан Мадина опам Абдусалимни етаклаб келди:

– Нимага мени ташаб кетвординглар? – Абдусалим йиғламсирай бошлаганди, дарров олдига бордим.

– Сен ухлаётган эдинг. Бўлди, нега жаҳлинг чиқади, уйғонсанг келаверсан деб ташлаб келгандик, тўғрими, Ҳикматилла? – бир кўзимни қисиб Ҳикматилланинг “ҳа” дейишига ишора қилдим.

– Ҳа, ҳа, укажон. Аканг уйғотаилки деганди, мен ухлаб олсин дедим-да. – Ҳикматилла ҳам уни астойдил юпата кетди. Абдусалимни зўрға йиғидан тўхташиб қолдик.

– Ийи, ака, бу эшакми? – Укамнинг чехраси бир пасда ёришиб кетди.

– Ҳа, укажоним, бу эшак. Ҳув анави бор-ку, кўр-япсанми? – Ҳикматилла укамни дала билан таништиришни бошлаб юборди. Унинг саволларига жавоб топаман деб чарчаб қолмаса бўлгани.

- Ҳа, кўрдим.
- У эчки бўлади.
- Олдига борсам майлими?
- Албатта-да.

– У нима ейди? Бодроғим йўқ-да фақат. Биз ҳайвонот боғида айиқларга, маймунларга, яна кўп ҳайвонларга бодроқ берганмиз.

– У ўт ейди, ма, мана буни берсанг бўлади, – Ҳикматилла баландроқ ўсган бир ўтқи юлиб укамга тутказди.

– Қўркмагин, ўтнинг бир учини узатиб турсанг ўзи тортиб-тортиб еб олади. Борақол, – Ҳикматилланинг гапи тугамай укам ўша томонга югуриб кетди. Аввалига бироз чўчиди, бир-икки марта ўт бергач, яқинроқ бориб, тумшугини силади. Шу билан ўша эчкини яхши кўриб қолди. Уйга қайтганимизча навбат билан Абдусалимга ўт юлиб бериб турдик.

Ҳикматиллани китоб олиб келганини билиб, болалар: “Биз ҳам эшитамиз, овозингни чиқариб ўқи,” – деб қўйишмади. Майсалар устида думалаб ётган болаларга ҳавасим келди. Аям кийимларингни кир қилмагин деб тайинлаган бўлса ҳам, ерга ёнбошлаб олдим. Ўртада ўтирган Ҳикматилла бувимга тақлид қилиб, секингина, майин овозда эртагини бошлади. Биров “миқ” этмади. Эртақ тугаркан, кўзғалмай ётган болаларнинг кетма-кет “Вооой зўракан-а?!” деган овозлари янграб кетди.

– Ҳар далага чиққан кунимиз ўқиб берасиз-а энди? – деди Абдусалим тенги бир болакай ялинган оҳангда.

– Ҳа, ҳар куни ўқийман энди, – деди Ҳикматилла қувониб.

– Ҳикматилла, шу китобингни менга бир кунга бериб тур, эртага қайтараман, – сепкил юзли озғинроқ бола китобни ушлаб олди.

– Йўқ, ўзим ўқиб тугатмадим ҳали. Шу ерда тўп-ланиб ўқийверамиз-да, – деб Ҳикматилла китобни тортди.

– Мен бугуноқ дадамга айтаман. Менгаям олиб берадилар. Мен кетдим уйга, – деб Муродилло деган бола қўй-қўзиларини олдига солиб кетди.

– Мен ҳам олдираман шунақасидан, – деди яна битта бола. Куёш тиккага келганда, ҳаммамиз уй-уйимизга тарқадик. Ҳикматилла биздан олдин уйга кириб, китобни жойлаб чиқибди.

ЗИЁРАТГА БОРГАНИМИЗ

– Қани, бобонгизни қабрини зиёрат қилишга ким боради?

– Мен, – дедим биринчи бўлиб. Мендан кейин Абдусалим билан Ҳикматилланинг “мен” деган товуши кетма-кет янгради.

– Баракалла, менинг ўғилларим катта бола бўлиб, бобосининг олдига борар экан-да. Чопқиллаб бориб, ювиниб келинлар, дадангиз кутяпти. Бўлақолинлар, – бувим елкамизга қоқиб орқа ҳовлига жўнатдилар. Кейин бир нечта дўппиларни кўтариб чиқиб, ҳамамизга биттадан улашдилар. Кичкина дўппидан иккита экан, холос, Ҳикматиллага етмай қолди. Катта дўппини бошига кўндириб кетаверди. Фақат қўли бошидан тушмай қолди. Тушиб кетмасин деб ушлайверади, ушлайверади.

Дадам билан амаким олдинроқда кетишяпти. Йўлимиздан чиққан ҳамма одам билан саломлашиб ўтишяпти. Биттасиям қолиб кетгани йўқ.

– Дада, уларнинг ҳаммасини танийсизми? – деди укам.

– Ҳа, – дедилар дадам.

– Шунча кўп одамни қандай қилиб танийсиз? Эсингиздан чиқиб қолмайдими?

– Биз бу инсонлар билан бирга катта бўлганмиз, бир қишлоқда яшаймиз, қандай қилиб эсимиздан чиқсин, Абдусалимбой? – дедилар амаким укамнинг бошини силаб.

– Амаки, ҳозиргина ёнимиздан, соқоллари бор, ҳассасиям бор амаки ўтдилар-у. Улар нимага сизни ака дедилар, ёки ростдан ҳам сиз улардан каттамисиз?

– Эҳ, жиянжон! Бу – ҳурматнинг бир кўриниши. Инсонлар бир-бирига нисбатан ҳурматини билдириши учун ўзидан кичкина одамга ҳам “ака” деб мурожаат этади. Билдингми?

– Унда нега ҳеч ким мени ака демайди?

Абдусалимнинг саволидан ҳамма кулиб юборди.

Йўлда дадамлар ҳадеб тўхтайверганидан зерикиб кетдик. Бир пайт Ҳикматилла:

– Юринлар, ўзимиз кетамиз, мен йўлни биламан, – деб қолди.

Югурдик.

Анча йўлни югуриб ўтганимиздан кейин ҳамма чарчади. Энди секинлаб юраётгандик, жим туролмайдиган Абдусалим дарров гап бошлади:

– Ака, эсингиздами, бир марта чорбоғимиздаги ўрик дарахтига учаловимиз чиққанимизда, катта шохи синиб кетганди. Ўшанда бобомдан яширинамиз деб кўрага кириб олгандик, қўйлар бақириб сотқинлик қилган. Бобом келиб синган дарахтнинг кўрган, бизни ҳам топиб олгандилар-а?

– Лекин индамаганлар, – Ҳикматилла жилмайиб жавоб берди.

– Тўғри. Дадамларга ҳам “Бўлди, тергайверманлар” деб, ёнимизни олгандилар.

– Бобомнинг носқовоғини яширмақчи бўлиб сувга тушириб юборганинг эсингиздами, Ҳикматилла? Ариқдан носқовоқни излаб, иштонингни орқаси ҳўл бўлганда аянга айтолмасдан, бир соат куёш тагида туриб қуринган эдинг, – дедим-у ўзимни тутолмай катта кўчада қаҳ-қаҳ отиб юбордим.

– Бобом кабоб ейишга олиб борганларида Ҳикматилла акам энг кўпини еган. Ўшанда қорни тарвузга ўхшаб қолганди-я, ака? – деб Абдусалим завқ билан куларди. Ҳикматилланинг ўзи ҳам қорнини ушлаб роса кулди.

– Бобом қумғончойни яхши кўрар эдилар. Уйда бобом иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. “Қумғончой дамлаб бер, болам,” деб қолдилар. Қумғонни тўлдирдим, орқа ҳовлидаги ғўзапоялар уюмидан кичикроқ шох-шаббаларни саралаб, ярим соат уриниб ҳам тагига ўт ёқолмадим. Кўзим ачишиб кетганига аламимдан “чой дамламайман”, дедим. Кейин ўзлари ўтинларни қандай жойланишини, қандай қилиб алангалатишни кўрсатиб, чой қайнатганлар. Ҳозир бобомга қумғончой дамлаб бергим келяпти, – Ҳикматилла хомуш тортиб гапини якунлади.

Мозорга кириб борар эканмиз, бобомни янаям соғиниб кетдим. Уларнинг қабрини тополмаётгандим, Ҳикматилла кўрсатди. Бу ерга иккинчи марта келишим. Биринчи кўрганимда бобомнинг исми-шарифи, яшаган йили ёзилган манави катта тош ўрнида фақатгина қорайган, нам тупроқ бор эди, холос. Учовимиз ҳам шошиб келганга яраша, бир иш қилолмай турдик. Дадамларни кутиб, қабристон четидаги ўриндиқларда гап бошлолмай ўтиргандик, битта амаки биз томонга келди. Жўр бўлиб салом бердик.

– Ваалайкум ассалом, йигитлар. Қодир буванинг неваралари бўлсангиз керак-а?

– Ҳа. Сиз бизни танийсизми? – Маҳмадона Абдусалим амакини саволга тутди.

– Танийман-да.

– Нега биз танимасак ҳам, ҳамма бизни танийди?

– Қишлоқда шунақа. Қолаверса Қодир бувани ўзига жуда ўхшар экансан, кичкинтой. Ёлғиз келдингларми?

– Йўқ, дадам билан амаким ҳам келишяпти. Биз югуриб келдик. – Биз танимаган амакининг исми Маҳкам амаки экан. Дадамларга салом етказишимизни тайинлаб, меҳмонга таклиф қилиб кетдилар. Дадамлар ҳеч қанча ўтмай келишди. Улар узун дуолар ўқишди, юзларига фотиҳа тортганларида, биз ҳам қўшилиб омин қилдик. Жимжитлик қуршаган бу масканни бошқалар кўқринчли деб айтарди. Лекин бу жойда бобом ётгани учунми, умуман, бу нарсани ҳис қилмадим.

Ўйга келсак, бувим ўз қўллари билан иссиққина овқат тайёрладилар. Тушлик қилинган, дадамлар кўчага иш билан чиқиб кетишди, биз бувим билан қолдик.

– Бобонгизни зиёрат қилиб келдингларми? – сўрадилар бувим.

– Ҳа, – дедик учовимиз.

– Энди катта йигит бўлдиларингиз. Ҳар сафар келганингизда бобонгизни зиёрат қилишни канда қилманглар. Сизларни қанақа яхши кўрар эди... – Бувимнинг кўзлари ёшланиб кетди.

– Хўп, бувижон, ҳар доим борамиз. Фақат сиз йиғламанг.

– Бувинг жонингдан, яхшиям сизлар бор деб... – кўз ёшларини рўмоғларининг учи билан артиб олдилар.

– Бувижон, йиғламанг, бўлди. Илтимос. Бўлмаса мен ҳам йиғлаб бераман, – йиғламсираб бувимни қучоқлаб олди Абдусалим.

– Мана, йиғлаганим йўқ, болажоним. Бўлди, мана. – Энди юзидаги кўз ёшни кафтлари билан артиб ташладилар.

– Бувижон, сизнинг ҳам бобонгиз борми? – бувимнинг кўксидан бошини кўтармай сўради Абдусалим.

– Бор бўлган-у, бобом тугул дадамни ҳам кўрмаганман. Аммо етти пуштимнинг ҳаммасини исмини биламан.

– Етти пушти нима у, бувижон?

– У етти аждодинг. Ҳаммамиз етти пуштимизни билишимиз керак.

– Бизнинг етти пуштимизни ҳам биласизми? Айтиб беринг.

– Хўп, биринчиси ўзларингизнинг дадангиз, иккинчиси бобонгиз, кейингиси бобонгизнинг дадаси, уларнинг исми Собиржон, тўртинчи аждодингиз Эргаш ота,

Азизжон болам, ёзиб оляпсанми, яхши, бешинчиси Эркин ота, олтинчиси Ҳамид ота ва еттинчиси Қобил ота.

– Сиз бизнинг қанақа аждодимизсиз? – Абдусалим ҳайратини яширмай сўради.

– Ҳа, бувингман-да.

– Буви қанақа аждод?

– Даданинг ёки онанинг онаси – буви бўлади. Мен дадангни онасиман.

– Бувижон, дадангизни нега кўрмагансиз, улар ҳам ўлиб қолганмилар?

– Йўқ, урушга кетиб, бедарак йўқолган. Лекин улар ҳақида аям узоқ-узоқ гапириб берардилар. Аммо ҳозир кўпини эслолмасам керак.

– Нега? Уруш бўлганми?

– Ҳа, бундан етмиш йил аввал иккинчи жаҳон уруши бўлган.

– Санжар деган бир ўртоғим копток талашиб акаси билан роса муштлашган. Ўшанга ўхшаб урушда ҳамма бир-бирини урганми, муштлашишганми, буви?

– Ўшанда одамлар бир-бирини йўқ қилган, болам, йўқ қилган.

– Кинодагига ўхшаб бир-бирини милтиқда отганми?

– Ҳа, – бувим хўрсинганча давом этди. – Очарчилик, қимматчилик бўлган, егулик тополмаганмиз, золимларнинг қийноқларида яшаганмиз, бари қийинчиликлар ўша даврда бўлганда, болам.

– Бувижон, келинг, шуларни бир бошидан гапириб беринг, – илтимос қилдим мен.

– Болажонларим-ей, у кунларни сизни бошингизга солмасин, илоҳим. Нимадан бошлай?

– Дадангиз урушга кетган кундан бошланг, – шошиб дедим мен.

– Мен кичкинагина чақалоқ бўлганман. Буларни аям менга ҳикоя қилиб берганлар. Дадам даладан қайтаётганда иккита мелиса уларни туман марказига олиб кетган, болаларим билан хайрлашиб олай деса ҳам, рухсат бермай, ўша ердан тўғри фронтга – урушга жўнатган. Онда-сонда хат келиб турарди. Кейин хат ҳам келмай қўйди, қайта дараги ҳам бўлмади. Дадам ҳақида фақат шуни биламан.

– Бобомнинг дадалари-чи? – дедим.

– У киши жудаям ҳалол, фидокор, халқ ғамини ейдиган жонкуяр, ўз даврининг ҳеч кими бас келолмайдиган, кураги ер кўрмаган полвони бўлган экан. Бобонгиз саккиз ёшга етган пайтида дадаси қамоққа олиб кетилган. Халқни боқаман деб қамалган экан. Бу ҳақида жуда кўп гапирар эдилар.

– Бошидан, ҳаммасини гапиринг, бувижон, – дедим сабрсизланиб.

– Ҳаммасини тўлиқ гапираверсам, гапларим қачон тугайди?

– Тугамасаям майли, эшитаверамиз. Ўзингиз ҳам етти пуштингизни билинглар дедингиз-ку. Тўлиқроқ билсак, ундан ҳам яхши. Тўғрими? – Ҳикматилла ҳам ҳикояга қизиқиб қолган экан, саволлари билан бувимни ҳикояни давом эттиришига қистай бошлади.

– Тўғри, болам, тўппа-тўғри. Ҳаммасини гапириб бераман. Бобонгизнинг дадаси ким бўлган экан, исми қандай? – деган эдилар, кўлимдаги қоғозчага қараб жавоб бердим:

– Собиржон.

– Тўғри. Мана шу Собир бува колхозда омборчи бўлиб ишлаганлар.

– Колхоз маҳалла деганими, бувижон, ёки командами? – сўради Абдусалим.

– Йўқ, колхоз бу деҳқонларнинг катта бир жамоаси. Ўша йили буғдой, макка, бари экинлар яхши ҳосил берган. Кейин уни ҳаммасини фронтга жўнатасан деб тепадан буйруқ қилинган. Бригадирлар ҳам бор ҳосилини олиб келиб, колхозга топширган. Ҳаммаси топширади-ю, кейинги йилга нима қиламиз деб узоқ ўйлашади. Қўшни қишлоғимизда Орзия исмли ўн фарзандли бир аёл бор эди. Эри бригадир бўлиб ишлаган. Ўша аёл Собир буванинг олдига келиб роса йиғлаган: “Чолим ўлгур кўрқоқниям кўрқоғи, олган ҳосилингиздан ҳеч йўқ кейинги йилга уруғлик қилишга бир ҳовучгина олиб қолай десам, биров билса мен ҳам йўқ бўлиб кетаман, шу керакми сенга? Тинч тур, деб ўдағайлаб берди. Иним, раҳмингиз келсин ўнга боламан қандай боқаман, тўнғичим ногирон, бир ишга ярамайди. Тепадагилар билан гаплашинг, бир иложини қилса бўлармикин” деган. Собир бува аёлни сўраган буғдойини бериб жўнатган. Ўзи ҳам уруғлик масаласида кўп ўйланиб юрган экан. Одамларга егулик керак, ахир. Раҳбарлар бир донасини ҳам қолдирмайсанлар деб қатъий талаб қўйган, уларни умуман фикрдан қайтариб бўлмасди. У ёқда ҳам, бу ёқда ҳам аҳвол жиддий. Собир бува колхоз раисига “Бирор сандиқ буғдойни олиб қолмасак бўлмайди. Бу йил амаллармиз-ку, кейинги йилга халққа на егулик, на уруғлик қолмаяпти,” деб тушунтиради. Колхоз раиси ҳам: “Бирор гап бўлса бу ишларга менинг алоқам йўқ,” – деб зўрға рози бўлади. Шу билан, бир ёғоч сандиқни ярмидан кўпига буғдой солиб, устидан туршакларни бостириб яширишган. Кейин уни орасидан битта сотқин чиқиб, тепадагиларга ёзиб беради. Шу билан Собир бувани қамоққа олиб кетишган. Болалари ортидан зор йиғлаб қолаверган. Шунақа, болаларим, бироз ўйнаб туринглар, қолганини кейинроқ гапириб бераман, майлими? – деди бувим “бисмилло” деб ўрнидан турар эканлар.

– Майли. Фақат намозингизни тезроқ ўқинг-да, – деди Ҳикматилла.

– Ака, буғдойдан ун қилиб, кейин уни нон қиладими-а? – Абдусалим мендан сўраб қолди.

– Ҳа, – дедим мен.

– Олдин одамлар буғдойни ўзи олиб, уйда ун қилиб, уй нон қилганми?

– Ҳа. Нега сўраяпсан?

– Аям бизга доим нонни юриб ема, ушоғини тўкма деяверардилар. Энди билдим. Авваллари одамлар озгина нон учун шунақа қийналганлари рост экан. Ака, энди урушмайлик. Қаранг, бувим уруш бўлганига йиғлаётдилар. Бизниям урушганимизни кўрсалар, яна йиғлайдилар. Хўпми?

– Хўп, – дедим. – Энди урушмаймиз. Келишдик, – бир кўлим билан укамнинг кўлини олиб, иккинчи кўлим билан уни кучоқлаб олдим.

– Азиз, юринглар, кеча янги копток олганман, ўйнайлик, – Ҳикматилланинг таклифи билан орқа ҳовлига ўтдик.

ДАЛАДА ЙИҒЛАБ-ЙИҒЛАБ ИШЛАШГАН ЭКАН

– Қани, полвонларим, бирортангиз бориб, менга бир пиёла сув келтириб беринглар. Ҳикояларимни гапириб, адоғ қилгунимча, оғзим қуриб қолмасин, – бувим келиб ўтирар эканлар, Ҳикматилла чаққонлик билан: “Бувижон, мен келгунча бошламай туринг!” – деб чиқиб кетди. Биз ҳам Ҳикматилла тезроқ келса-ю тезроқ ҳикояни давомини эшитсак, деб ўтирибмиз. Хона эшиги ғийқ очилиб Ҳикматилла мўралади. Ярим йўлдан қайтиб, бувим ростдан ҳам ҳикояни бошлаганлари йўқмикин деб, текширгани келибди шекилли. Яна кутдик, ниҳоят келди.

– Энди айтинг, бувижон, чой олиб келдим, – Ҳикматилла чойнакни қўйиб, бувимдан кўзини узмади. “Ишқилиб, яна иш буюрмасларидан тезроқ бошласинлар-да” деб ўйладим мен ҳам.

– Ўша даврда дадалар, акалар урушга кетганлиги учун рўзгорнинг оғир юмушлари ҳам оналарга қолган. Узоқ ўтмишни қўй, мана яқин давр – мустақилликкача ҳам катта қийинчиликлар билан кун кўрганмиз. Эрта баҳордан қишгача деярли йил давомида бутун халқ пахта билан банд бўларди. Неча юз гектар ерни кетмонда чолиб, эгатлар қилгач, чигит қадаб чиқилган. Униб чиқмаганларини ўрнига яна бошқа экканмиз. Мабодо ёмғир ёғиб қолса, тупроқ қотиб қолади. Унга яна халқ ўша гектар-гектар ерни мана шу кафтимдек келадиган, кичкина беш тишли асбоб билан тараб чиқарди. Пахта пахта бўлиб чиққунича мингта иш қилинган, болаларим. Дадангиздан сўрасангиз, яхшилаб гапириб беради. Бешинчими, олтинчи синфда ўқиб юрарди, шекилли. Болалик қилган-да, далани йўлида ака-укалар копток тепаётганида бригадир келиб қолган. Ҳаммасини қатор қилиб “нега пахта термаяпсан?” деб тутнинг новдаси билан шунақа савалаган, шунақа савалаган болаларни. Болам шўрликлар йиғлаб, бирининг бўйни, елкалари қонаб, бирининг юзлари қавариб, яна бири оқсаб, ўша аҳволида пахта терган.

– Ўша одамни бориб урмаганмисиз, буви? – Ҳикматилла ўрнидан туриб кетди, – дадамни урганларни менам ураман.

– Эй болам, уларни уриш қаёқда, нима қилса хўп деб, кўзига қарашга кўрққанмиз. Золим эди улар, золим.

– Ўша одам тирик бўлганда ўзим бориб, пачағини чиқариб келардим. Тирикми, бувижон? – Ҳикматилла тишини тишига босиб бувимдан жавоб кутарди.

– Қўй болам. Ўтир жойингга. Ҳа, тирик, ҳалиям бор. Худо ўзи жазосини берган – кўзлари ожиз, жойидан қимирлолмай қолган. – Жуда кам одамда беш сотихми, олти сотихми ери бўларди. Раис пахта даласида ишлайдиган пайтда ўзининг ерида ишлаётганларни кўрса, ўша куниде, ерда қандай экин бўлишига қарамай текислатиб ташларди. Бир куни бизни ҳам еримизда ишлаётганимизни кўриб қолди.

– Нега пахтага чиқмадинг? – деди.

– Жон ука, ярим соат, бир соатлик ишимиз қолганди. Ҳозир тугатиб қоламиз, – дедим.

Гапим тугамай, “ҳе ўша сени...” – деб, ҳайқирганча зўрға кўкартирган пиёзимнинг митти ниҳолларини тепиб, эзгилаб, бир имо билан ортидан эргаштириб келган тракторни экинли ерга юргизиб юборди. Шу билан

хамма меҳнатларимиз кўкка соврилиб, қайта экдик. Бобонгиз узоққа ўқишга кетган, ёлғиз ўзим ҳаммасини эплашга ҳаракат қилардим. Аёл бошим билан ярим кечада бориб ерга сув ҳам қўйганман. Сув сероб эди-ю, раислар бизни томорқаларга бермас эди. Тунда яширинча олардик. Бир сафар борсам далага сув қўйилибди. Ҳайрон бўлиб қайтавердим, кейинги сафар қарасам, яна қўйилган. Учинчи бор эса доимгидан вақтлироқ бордим: Қўшни маҳалладаги Розиквой деган киши еримизга сув очяпти. Мени кўриб: “Солиҳа опа, мен ҳам ҳар сафар еримга сув очиб шунақа пайтда ёпгани келаман, шунда бир йўла сизникига очаяпман. Келиб овора бўлманг,” – деди жойинг жаннатдан бўлгур. Ҳаммага яхшилик қилиб, кўпнинг дуосини олиб юрарди. Эрта вафот этгани ёмон бўлди-да. Хуллас, томорқамизда ишлаётганимизни кўриб қолмасин деб, кўриб, машина ёки отликнинг овози узоқдан эшитилиши билан дарров чангалларнинг орасигами, ариқнинг ичигами, ўзимизга қулай пана жойга яшириниб олардик. Катта раислар қоп-қора машинада юрган, бригадирлар отда эди. Ҳар иккаласиниям бошида шляпа. Шулар йўлда кўринса катта-ю кичик яшириниб, кўзига кўринмасликка ҳаракат қиларди.

Яна бир золим бригадир бор эди: аёлларга жуда шафқатсиз, нуқул меҳнат кунимизни қисқартириб ёзарди. Бир сафар Кароматхон деган шаддод аёл: “Келинлар, шу одамни тавбасига таянтриб қўяйлик, нима ҳаммамиз бир бўлсак эплолмаймизми?” – деб қолди. Ҳаммининг кўнглига бу томошани иштиёқи тушиб, режалар тузишга киришиб кетишди. Ўша куни кечга яқин келиб бригадир ҳаммага бақираётганда учта аёл бир бўлиб, ерга йиқитди, қолганлар келиб қўл-оёғини арқон билан боғлаб ташлади. Доим бошимизда қамчи айлантирадиган одамнинг ерда думалаб: “Бўлди тавба қилдим, бўлди қилинлар,” – деб ёлворилиши кулгили туюларкан. Каромат шаддод: “Хўш, энди меҳнат кунимизни тўғри ёзасанми?” – деяверганидан “опа, сизникини ортиғи билан ёзаман” деб балога қолган. “Мен сендақа харомхўрмасман, шу гапинг учун ҳам мана сенга,” – деб, суви йўқ бир чуқур ҳовузга думалатиб юборганди. Бўлди кулгу, бўлди томоша. Ўғли туҳматдан қамалиб, чеҳраси ёришмай қўйган бир хола бор эди. Ўшанда биринчи марта қийқариб кулганини кўргандик. Аммо эртаси куни Кароматхонни мелиса олиб кетган. Мелисалардан ҳам роса кўрқардик. Улар пат-пат миниб юрган. Иккита мелиса ҳар кун эрталабдан уйларни айланиб, далага кетмаганларга ўдағайлаб, боланг касалми, ўзинг касалмисан, қараб ўтирмай далага ҳайдаган. Биз ҳам далага сал кеч қолган кунимиз, Азизжон, сени даданг, кўчага қараб турарди. Кўчанинг бошида мелиса кўриниб қолса “Аяжон, елмиса келяпти, юринг кетайлик, тезроқ чиқиб кетайлик” деб ялинарди.

Абдусалим менга қараб кулди.

– Дадам “мелиса” деёлмаган эканлар-а? Ҳали келсалар ўзларига айтамиз “елмиса нима?” деб, – ҳаммамиз кулиб юбордик.

ҚИШЛОҚДА НОН ОЗ, МЕҲР КЎП

Далада бегиланган ишини соғлиғи кўтармай эп-полмаган одамлар нонсиз қолганида, ночор бўлса-да

маҳалла, кўй ёрдам берган. Уйимизнинг қарама-қарши томонида Хайрия холаларинг бор-ку, танийсизлар-а?

– Таниймиз. Касал бўлсак кинна солиб қўядиган холами? – деди Ҳикматилла.

– Ҳа, ўша холаларингнинг онаси қаттиқ касал эди, мелиса нимага ишламай ётибсан деб далага ҳайдаган. Мажбуран далага чиққан аёлнинг касали зўриқиб, кейин юролмай қолди. Юролмайдиган одам қандай нон топарди. Ишламаган одамга нон йўқ. Маҳалладаги курби етганлар ҳар кун топган нонидан озгина-озгинадан тўплашса, битта оила тўйса бўладиган нон чиқар эди. Ҳамма бир бўлақдан берса, биз битта нон берардик. Чунки бизнинг оиладан мен, акаларим, опаларим ҳам ишлаб бошқалардан кўп нон олардик.

– Бувижон, ўшанинг учун бизга кинна солдирганингизда пулингизни олмай: “Сиздан умрбод қарздорман, пулингизни қандай оламан, опа” деб айтар эканларда, – деди Ҳикматилла.

– Ҳа.

– Қишлоқ одамларининг бошқачалиғи шунда-да. Қачонлардир бир-бирига меҳнати сингган, оғир кунларида бегоналардан ўзининг жигаридек ёрдамини аямаган, битта дардда қоврилиб, бир тан-у бир жон бўлиб кетган. Ва буни ҳеч қачон унутмайдилар.

Уруш тугаган эди. Катта акам бетоб бўлиб, бир неча ҳафтагача иссиғи умуман тушмаган. У даврда шифокор, табиблар қайда. Фақат ромчилар бўларди, касал бўлган борки, ромчига юрган. Одамлар арзимаган дардни ҳам аритолмай увол бўлиб кетган. Онамнинг ҳам бошқа иложи қолмагач, топганини олиб, акамни ромчига олиб борганмиз. Борсак, нима эмиш, эшакни сўйиб терисига ўралса соғайиб кетар экан. Бизда эшак нима қилсин, кунда топган нонига тирикчилик қиладиган камбағал оила бўлсак. Бошқа йўли йўқми деб ялиниб-ёлворган онам раҳматли. Ромчи: “Бўлмаса битта эшакдай келадиган хўроз топиб қон чиқаринг” дегач қишлоқни кезиб, эшакдай хўроз излаганмиз. Бир бева аёлнинг икки хўрози бор экан. Майли бераман, фақат қон чиқазгач гўштини қайтариб келинг деган шарт билан берган. Шўрлик ночоргина, иккита ёш боласи бор эди. Хўрозни сўйдик, исми-расмини қилдигу, қайтариб олиб бордик. Яхши аёл экан “Буни болангизга шўрва қилиб беринг, дармон бўлади” деб хўрознинг битта оёғини қайтариб берганди. Ҳалигача ўша аёлнинг чеҳраси кўзимни олдидан кетмайди.

– Ажин босган нурли яноқларидан ҳорғингина, устма-уст сизиб тушаётган кўз ёшларини кўриб бувимга ёпишиб олдик.

– Бўлди, бувижон, йиғламанг, – Абдусалим бувимнинг бошини силайвериб, рўмолини елкасигача тушириб қўйди.

– Бувижон, бўлди, энди сизни йиғлатадиганларини айтманг, ҳалигина фақат кулдирадиганларидан, раисни чуқурга ташлаганларинг бору, ўшанақаларидан яна айтиб беринг. Хўпми? – Бувимнинг юзларидаги ёшни артиб сўрадим. Ҳикматилла бувимга чой қуйиб узатаётганда:

– Бувижон, чой ичинг. Агар ҳаммаси йиғлатадиган бўлса, майли айтмай қўяқолинг, – деди яна.

– Йўқ, болаларим, мен хурсанд бўлиб йиғлапман. Яхши одамларнинг кўплигидан йиғлапман. Сизлар ҳам хафа бўлманглар. Шунақа йиғлоқиман-да. Сиз-

ларга росаям яхши яна бир инсон ҳақида гапириб берман. Катта акам бетоб кунлар эди. Эвакутса қилиб...

– Эвакуация қилиб, – жилмайиб бувимнинг хатосини тўғирладим.

– Ҳа, ўшанақа қилиб, хуллас кўчириб бир қанча татарларни бизнинг қишлоғимизга олиб келишган. Бизнинг уйда иккита хона борлиги учун биттасини татар оилалардан бирига ажратиб берганмиз. Вой ҳалигилар-чи ўзбекчаниям билар экан, ўрисканиям билар экан. Бизнинг уйда яшайдиган татар аёл акамни касал эканини билиб, дарров даволашга киришиб кетди. Ўзи дўхтир экан. Биз умримизда кўрмаган бир нарсаларни ичириб, баданига ҳам нималардир суртиб, бир пасда соғайтириб юборган. У вақтда дорилар қоғозларга ўраб бериларкан-да. Менгаям ҳар кун ичиб тургин деб қоғозда дори берган. Яхшиям татарларнинг келгани, ўша аёл бўлмаганда акам шўрлик ўлиб қолармиди? – Бувим ўзини зўрға йиғидан тийиб гапида давом этди. – Қишлоғимизда касал одамнинг ўзи қолмаган. Уни узоқ жойлардан излаб келишарди. Опам кўп шамоллар эди. Ўша татар аёл иссиқ-иссиқ сут ичсин деган. Қишлоқда саноклигина одамларда сигир бўлган. Битта сигири бор аёл аҳволимизни кўргач, ҳар тонгда беш-олти кўча наридан бир коса сут олиб келарди. Татар аёл ҳам қишлоғимиз одамларига ҳайратланиб, “Дунёда ўзбеклардек халқ бошқа бўлмаса керак,” – дерди.

– Ўша аёл ҳозир қаерда, бувижон? Сиз биласизми? – сўради Абдусалим.

– Ўн йилча бўлиб қолди-ёв. Вафот этган. Тобутини халқ кўтарганди. Охирати обод бўлсин!

– Бизнинг ёшда нималар қилгансиз? – дедим мен.

– Сизнинг ёшингизда қорнимизни тўқлаш учун даладардан машоқ териб келардик?

– У нима, бувижон?

– Буғдойлар ўрилгач ерга тўкилиб қолганлари бўлади. Ўшаниям кўриб қолса уриб, олиб қўйган. Яшириниб, бир йўлини қилиб, ким қанча терса, ўшани тегирмонда унга алмаштириб олардик. Ундан аям ҳаммамизга биттадан нонни амаллаб чиқариб берарди. Менга кичкина кулчача, опамларга сал каттароқ, тўрттала акамгаям амаллаганича чиқариб, ундан ортса ўзлари еб, бўлмаса сотиб, пулига яна ун олиб, нон қилиб сотган. Колхоз идораси билан уйимиз бир девор эди. Овқат қилиб бер деб шоли чиқаришарди. Уни туйиб гуручидан овқат қилиб идорадагиларга берса, қолган оқшоқ, курмагидан бизгаям бирор егулик қилиб берарди. Аям шунақа тадбиркор бўлганлари учун ҳам бошқаларга ўхшаб ажирик, кунжарага қолган кунимиз бўлмаган. Қишлоқда очарчилик авж олганда, одамлар кунжара еб, ишиб кетган, ёш-ёш болалар, кексаларнинг аксарияти шундан вафот этганди. Мактабга ҳам деярли бормаганмиз.

– Вой маза-ку, – Ҳикматилла жилмайиб қўйди.

– Ҳа, бирпасда мактабдан зерикдингми, болам?

Бу шароитларда ўқиш бахт-ку. Мен жудаям мактабга боришни истаганман. Нима қилай, мактабга борсам, егуликсиз қолардим. Ўзим бошоқ термасам, акаларимнинг бирортаси оч қолиб, ўзиникини менга беришига тўғри келарди. Кейинроқ катта бўлиб, далада ишлаб нон олдим. Шу бошоқни деб холамни қамаб қўйишганди. Болалари катта халтасини тўлдириб да-

ладан чиқаётганини раис кўрган-у, уларни калтаклаб, халтасини олиб қўйган. Уйда егулиги йўқ бўлган болалар яна бошоқ теради. Йиғлаб уйга қайтса, онаси уйда йўқ. Болаларини машоқ теришга чиқаргани учун холамни мелисалар олиб кетишган экан. Қўшниси уларни етаклаб онасининг олдига, мелисахонага олиб борган. Аям билан борганимда кўргандим. Холамнинг кенжатои қамоқхонанинг деворларини тепиб-тепиб: “Аямни чиқаринглар, илтимос” – деб йиғлаганлари қулоғимнинг остида ҳозиргидек жаранглайди. Онасини кўрсатишга рухсат берганда панжарани таталаб очмоқчи бўлганди. Ҳамма йиғлаган, лекин ўша ердаги мелисалар умуман парво қилмай, тошдек тураверган. Ўша ерга яқинини кўришга келган бир амаки аҳволимизни кўриб, мелисалардан суриштирган. Кейин уларга: “Бир халта буғдойга шунчалик қиласанларми, иймонсизлар, қўйиб юбор буларни, ўша бир халта буғдойни мен берман сенга” – деб, катта бошлиқнинг олдигача борган. У кишининг ким эканини ҳам билмаймиз. Эртасига холамни қўйиб юборишган. Вой болаларининг қувонганини... Кичкинтойи: “Аяжон, энди қайтиб бошоқ теймемиз, оч қолсак ҳам майли, сизни яна қамаб қўймасин” – деб, ҳаммани йиғлатганди. Шунақа, болажонларим. Сизлар ўйнаб туринглари-а, мен қўйларга ўт юлиб беришим керак.

– Бувижон, биз ҳам борамиз, сизга ёрдам берамиз, болалар, қани туринглари! – ўзим биринчи бўлиб турдим. Чопқиллаганча ҳовлининг орқа томонига ўтдик.

– Мана бу бодринг палаги, яхшилаб таниб олинглар, шундан бошқа ҳамма ўтларни юлаверинглари, – дедилар бувим. Ўз-ўзидан ким биринчи кўп ўт юлиб бўлишга киришиб кетдик. Абдусалимнинг норози овози эшитилди:

– Мен тўплаган ўтлар қани? Ким олди, ака, сизми? Беринг деяпман. Бўлмасам дадамга айтиб берман.

– Мен олмадим.

– Бўлмаса ким олади? Сиз олгансиз. Беринг, – деди энди йиғламсираб.

– Биз урушмасликка келишгандик-ку. Нега сўзингизда турмаяпсан?

– Ростдан сиз олмадингизми? – ювош тортиб қайта сўради укам.

– Йий, анави ерда экан-у, топдим. – Укам айбидан уялиб бошқа гапирмади. Бувим Абдусалим юлган ўтларни қўйга бераётанида, бир қанча бодринг палакларига ҳам кўзи тушиб қолибди.

– Ҳай, Абдусалим. Буни нимага юлдинг. Мен сенга таниб ол демабмидим. Майли энди ҳаммангиз олдинг келинг-чи. – Бувим этагини тўлдирган мевалардан бизга улашдилар:

– Мана Ҳикматилла, сен кўп ўт қилганинг учун учта, Азияжон озроқ қилгани учун иккита, Абдусалим палакларни ҳам юлиб олгани учун жарима сифатида битта дона берман. Ана, яшанглари, дастёрлар. Ишимиз тамом.

ЯШАСИН ҲАШАР!

Яна тонг саҳарлаб хўрозбой қичқирди, димоғимга тандирдан янги узилган нон ҳиди, келинойим ҳовлига сув сепгач бувим эккан райҳон ҳиди урилиб, жаннат ҳавосидай татиб кетди, уйқудан турмасимга қўймади.

Нонуштани бошлаганларида уйғонибман. Дастурхон атрофида ҳамма иштаха билан нонушта қиляпти. Бугун барвақт уйғонмаганимга ризқимни тўлиқ ололмабман-да, деб ўйладим. Аммо унчалик кеч қолмабман. Мен дастурхонга ўтиришим билан бувим бир коса, юзаси қалин қаймоқлаган, муздек сутни олдимга қўйдилар. Қўлимни куйдирай-куйдирай деб турган нонни шундоқ сутга ботирдим-у, сутга бўккан нонни авайлаб оғзимга солдим. Умримда бунақа ширин нонушта емагандим. Қишлоқнинг сути бизнинг дўконлардаги суддан ширин бўлар экан. Бувимдан яна сут сўрамоқчи бўлиб тургандим:

– Гуручдан олдингми? Жийда билан, тутмайиз бор эди. Улардан ҳам олиб кет. Айвонда турибди, – дедилар бувим дадамга. Нимага ундай деяптилар. Нима, биз бугун кетамизми? Йўқ, ишқилиб кетадиган бўлмайлик-да, – деб қўрқибгина дадамдан сўрадим:

– Дада, бугун кетамизми?

– Ҳа, кетамиз. Тезроқ тамадди қилиб ол. Йўлда очқаб қоласан бўлмаса.

– Мени қишлоқда қолгим келяпти, – дедим шошиб.

– Ўғлим, аянғиз сизларни соғинибди, кетмасак бўлмайди, мен ишга боришим керак. Сен бўлмасанг уканг ёлғизланиб, зерикади. Бошқа сафар келганимизда қоларсан, бўптими? Ўзинг ақлли боласан-ку а? – Дадамни ерга қараб жимгина эшитдим. Шу билан ҳеч ким ҳеч нарса демади. Бувим билан истаб-истамайгина хайрлашдик. Бизга оқ йўл тилаб қўлларини фотиҳага очгандилар, йиғлагим келди. Жудаям-жудаям қолгим келяпти қишлоқда. Бувимнинг эртақларини, дала ҳавосини, тонгнинг ажабтовур “наво”ларини соғиниб-соғиниб юравераман экан-да!

Абдусалим иккимиз машинанинг орқа ойнагидан то улар кўринмай қолгунича қўл силкиб кетдик.

– Дадажон, энди яна қачон келамиз қишлоққа? – дедим.

– Билмасам, мени ишларим камайиши билан аянғни, синглингни олиб келамиз-да, Тошкентга кетайлик демагунингизгача шу ерда қоламиз.

– Унда ҳеч қачон кетмас эканмиз-да. – Абдусалимнинг кайфияти кўтарилиб гапга қўшилди. Кўнглимдаги ғашлик таркагандай бўлди. Қачондир албатта тўйиб-тўйиб ўйнаб кетишимизни билиб, хурсанд бўлдим. Машина секинлаб, жуда кўп одамлар тўпланган, қурилиш бўлаётган бир уйнинг олдида тўхтадик.

– Дадажон, нимага тўхтадик? – бир пас ҳам жим туролмайдиган Абдусалим савол берди.

– Ҳозир, ўғлим. Ўртоқларимни кўриб қолдим, сўрашиб олай. Қани, сизлар ҳам тушинглар, – дадам ўртоқлари билан кучоқ очиб кўришиб кетдилар. Шовқин-сурон, кулгу кўтарилди. Амакилар, чўнтақларидан пулми, ширинликми чиқариб қўлимизни тўлдириб ташлашди.

– Ҳа, Жамол, қурилиш қиляпсанми? – Дадам ўзларидан каттага ўхшайдиган, семиз, мўйлови бор амакини сенлаб гапира кетдилар.

– Ҳа, кеча излаб-излаб қурувчи уста топиб келсам, булар бир бўлиб уни кетказворибди. Биз турганда уста нима қилади, ҳашар қилинса дарров битадиган иш дейди, барака топкурлар. Шунга бугунги ишни бошлаймиз деб тургандик. Қайтйапсанми Тошкентга? – Дадам у кишининг саволидан кейин бироз ўнағайсизланди-да, кейин нимагадир:

– Йўқ, ҳали бери кетмайман. Дўстим уй курса-ю мен қатнашмай кетаманми? Мен ҳозир ҳашарбоп кийимларни кийиб келай, уйинг битмасдан кетмайман, билиб қўй, – деб дадам рўлга ўтирдилар. Машина ортга қайтар экан, Абдусалим сўради:

– Ҳашар нима, дадажон?

– Ҳашар – биз ўзбекларнинг энг яхши одатларидан бири. Қийинроқ юмуши бор одамларга имкон топган яқинлари, маҳалла-кўй кўплашиб ёрдам беради. Масалан, бу ҳашарда уй қуриляпти. Одамларнинг кўплигини кўрдингми? Кўпчиликнинг қўлидан ҳеч иш қочиб қутилолмайди-да. Айниқса, бизнинг қишлоқдагилар ҳашар бўлса шошиб қолади. Чунки унинг ўзига яраша гашти, файзи бўлади. Савоби ҳам катта. Бунда биров бировга пул тўламайди, ёрдам берганлардан қарз ҳам бўлмайди. Чин кўнгилдан, беминнат ишлаш учун келинади ҳашарга, – дедилар дадам. Мен шошиб сўрадим:

– Дада, ҳашар қилиб уй қурилса қанчада битади?

– То уйнинг томи ёпиб олингунча уч-тўрт кун кетса керак, – дедилар дадам. Абдусалим табассумдан қисилиб кетган кўзлари билан менга қаради. Мен ҳам қувончдан ўзимга сиғмай кетдим. Роса сакрагим келди. Оҳ, қандай зўр иш бўлди-я. Қандай яхши! Яна уч-тўрт кун бувижонимдан турли ҳикоялар эшитиб, далаларга чиқиб, қишлоқ тонгидан баҳра олиб, тунда яна бувимдан эртақ эшитиб ухлаймиз. Яшасин ҳашар!





Ориф ҲОЖИ



*Сув бўлиб оқжай ўт узра
музми бу ё дилми бу?*

МАЪРИФАТ ДУРДОНАСИ

*Нафсига қуллик киши
думбуллагин нишонаси,
Нафсига бек бўлса
қулнингдур ёруғ пешонаси.*

*Кўзи тўқнинг кўзларига
қулба кўрингай бир қаср,
Кўзи очнинг кўзларига
вайронадай кошонаси.*

*Бу жаҳоннинг молини берсанг
кўзи тўймас валеқ,
Бир сиқим тупроқ билан
тўлгай анинг паймонаси.*

*Нафси шайтон илкина
тушганни маймун айлагай
Кимки шайтон воласи,
иймон анинг бегонаси.*

*Руҳ қушини хуш тутинг,
гурбатта абгор бўлмасин,
Унга олтиндан қафасдир
бул вужуд вайронаси.*

*Ризқини тергай вужуд
бул моддалар дунёсида,
Маънавиятдан бўлур
руҳ тўтисининг донаси.*



*Нафсини енгган киши
инсони комил бўлгуси,
Кўкрагида маърифат
дарёсининг дурдонаси.*

*Орифо, шукринг билан
сабринг муродга етказур,
Ношукр зотларни кўр,
ўз нафсининг ҳайронаси.*

ШҲХ

*Олди кўнглимни мани
бир жилва бирла ёш, шўх,
Бемурувват бераҳм
бедарду ҳам бебош, шўх.*

*Кўнгли тошми ё метиндан
билмадим, недин экан,
Шиша кўнглимга мудом
ўйнаб уродур тош, шўх.*

*Мен уни ҳар кўрганимда
минг ўлиб турган билан,
Мунчанинг мингдан бирин
билсайди ҳамки кош, шўх.*

*Қолмади жой дил уйида
нақшини ул урмаган,
Кўнглими ўз нақши-ла
тўлгазди ул наққош шўх.*

Энди сен-ла тил топиб бир
манзилобод айлайин,
Бўлмаса сарманзилимдан
опкетарман бош, шўх.

ТИЛ

Сўйлаганда бол томадур
найшакар ё тилми бу,
Ё юракларни тилиб,
малҳам кўйишлик илми бу?

Сўз ила жонинг олур,
ҳам тиргизур бир сўз ила,
Қайта-қайта маҳв этарга
шунчалар мойилми бу?

Турки кўзлар теграсин
тутган қаро киприкми ё,
Ўзгаларни кўр этарга
соз этилган милми бу?

Ёр лутф айлаб бирор
сўзга оғиз очган замон,
Сув бўлиб оққай ўт узра
музми бу ё дилми бу?

Орифо огоҳмисан,
ёр илкинга тутқазгани,
Риштаи кўнгилмидур
ё қирқ ёрилган қилми бу?

ИЛОЖ

Неча дардида дилим ошуфта,
ул қилмас илож,
Тавба-тавба феълу хўй ҳам
шунчалар бўлғайми кож.

Бизга навбат келмагай
ўзгаларни дастидан,
Энди мен ҳам ўзгаман деб,
алдагайман ноилож.

Эй алиф қадлиг санам
дол қоматимдан айнима,
Долни ҳам қилгай алиф
Қодир худо берса ривож.

Қол мени кўнглим аро
ҳокими мутлоқ бўлиб,
Ҳар бир аъзо бир фақирдир,
жони шириним-хирож.

Ҳар замонда бир хабар,
ё бир хатингни йўлласанг,
Бошим осмонда бўлур,
ул хатинг бошимга тож.

* * *

Ёри жонимдан насимлар
мужда келтурди сабоҳ,
Согиниб ўлган дилимни
қайта тиргузди ногоҳ.

Ҳажрида гул баргидан ҳам
саргайиб сўлган юзим,
Қайтадан гулгун бўлиб ҳам
нурланиб топди салоҳ.

Бунча ёш гўдак каби дил
сақраб ирғишлар десам,
Бир сабий ёрнинг хаёли
айламишдур жилвагоҳ.

Ошиқи содиқ деган сўз
ўздан ўтганни атар,
Ўздин ўтмогим учун бас
кўз учидан бир нигоҳ.

Шу нигоҳдан ноумид
қилмас эса ҳар бандани,
Ул назаркарда бўлур
ошиқ аҳлига паноҳ.

ИСМИГУЛ

Исми Гулдир, хусни гулоб,
Ишиқида дил селу силоб.

Оз анингдек кўзи оташ,
Йўқ менингдек бағри кабоб.

Зулолига қонса дилим,
Лабларидан тутса шароб.

Рашик айласа рақибларим,
Қуя-қуя бўлса хароб.

Кипригини дилга қадаб,
“Ишиқ” сўзини ёзса савоб.

Ошиқ кўнгилга ёқадур,
Нозлар қилиб берса азоб.

Ишиқида дил селу селоб,
Исми Гулдир, хусни гулоб.





Адхамбек АЛИМБЕКОВ,
ЎзМУ доценти, адабиётшунос

ИЗЛАЖУВЧАЖЛИК

Одатда кўпчилик ижодкорлар марказга интилади-лар. Бу адабий жараёнга яқин бўлиш, жўшқин ижодий муҳитдан узилиб қолмаслик истагидан бўлса керак. Бироқ пойтахтдан узоқда яшаб, қалам тебратаётган ижодкорлар ҳам кам эмас.

Саидвафо Бобоев ана шундай, вилоятда яшаб самарали ижод қилаётган ёзувчиларимиздан. Унинг “Мен англаган ҳақиқатлар”, “Армонли дунё”, “Қўрқинчли тун”, “Ушалмаган орзулар”, “Қонли қилич”, “Миллат ифтихори” номли китоблари нашр этилган. Ижодини ҳикоялар ёзишдан бошлаган Саидвафо Бобоев секин-аста, тадрижий равишда йирик жанрларда ҳам қалам тебрата бошлади. Натижада унинг бир нечта: “Номус тутқини”, “Илон ишқи”, “Икки қиёфали одам”, “Қисмат жумбоғи”, “Тунги ташриф”, “Қалтис ўйин”, “Тунги кўрқув”, “Қўрқинчли тун” қиссалари ёзилди. “Қонли қилич” романи эса ёзувчининг маҳорат йўлида изла-нишларининг меваси ўлароқ юзага келди.

Ҳаётий материалларни тинимсиз ўрганиш, атроф-муҳитга, умуман дунёга ижодкор нигоҳи билан қараш ёзувчи учун доимий хислатга айланиши даркор. Бир воқеадан юз одам юз хил хулоса чиқарганидек ёки бир ажойиб манзарали расмдан ҳар ким ўзича завқ туйганидек, ижодкор нигоҳи бошқаларникига ўхшамаган бўлса ўзига тортимли бўлади, кўнгилда завқ уйғотади. Ёзувчи яхши билган, ўрганган нарса, ҳодисалар ҳақида ёзиши керак. Шунга амал қилган Саидвафо Бобоев ўзи билган муҳитни қаламга олади. Қаҳрамонларини атрофида юрган одамлар ичидан излайди.

Ёзувчининг “Дашт фариштаси” ҳикоясида икки инсон – икки характернинг чиройли намунаси берилган. Катта йўл бўйида савдо қилаётган аёлдан олма сотиб олиш воқеаси орқали дили билан тили бир бўлмаган кимса қиёфаси очилади. Ҳикоя сотувчи аёлни тасвирлашдан бошланади: “Аёлнинг оппоқ юзида оппоқ хаёллар кезиниб юрарди. Дуррача тагидан кўпириб чиққан соч толаларидан тортиб енгил оёқ кийимигача алланечук беғуборлик, алланечук жозиба уфуриб турарди. Қошлари қалдирғоч қанотидек эгилган. Қўнғирга мой-

ил йирик-йирик кўзлари андак ҳуркак, андак мағрур боқади. Бироз қалин, бироз бўртиқ лаблари жиддият билан қимтилган. Эғнидаги сарғиш, қизғиш кўйлаги буралиб-эшилиб ёнаётган алангадек туюлади. Олдидаги кўчма пештахта устида ҳафсала ва маҳорат билан териб қўйилган қип-қизил, сап-сарик олмалар худди Миср эҳромидек қад ростлаган”. Ниҳоятда чиройли чизилган тасвир. Мана шу гўзал аёлдан, ҳалидан бери йўловчи машинадаги шерикларига гўзаллик ҳақида воизлик вилиб келаётган Ҳошим исмли кимса олма сотиб олганда пулидан уриб қолганига гумон қилиб сўкинаяпти.

Кўз олдида гўзалликка раҳна тушмаслиги учун ҳикоя қилаётган қаҳрамон ўз ёнидаги пулдан мошина салонига ташлаб қўйиб, “пулингиз тушиб қолибди”, – дея Ҳошимга узатади. Шу кичик лавҳанинг ўзида “гўзалликни қадрлаш керак”, – деб маъруза ўқиб келаётган инсон ботинан қанақалиги жуда яхши кўрсатилган. Ёзувчи “тарихий санъат асарларидан ҳайратланишга, уларни қадрлай билишга ўрганишимиз керак... қачонгача қорин ғами билан яшайсизлар?” сингари дилида тугиб юрган, кўпчиликка айтмоқчи бўлган фикрларини персонажлар тилидан ўринли қилиб беради. Муаллиф сўзидан кўра кўпроқ қаҳрамонларини сўзлатиш, кичик лавҳаларга катта бадийий юк ортишга интилиш хусусиятлари Саидвафо Бобоев қиссаларида янада ёрқинроқ кўринган.

“Қалтис ўйин” қиссасида пул топаман деб нопок йўлга кирган Шарифнинг қисмати асар марказида туради. Шариф бу йўлга ўзидан ўзи тушиб қолгани йўқ. Азим сингари бойлик йўлида ҳамма нарсани қурбон қилувчилар Шарифни шу куйга соладилар. Аммо Шарифга ўхшаган иродаси бўш, қинғир йўлга киришдан ўзини тия олмаганларнинг айби, аввало ўзида. Қисса ҳаром ишнинг охири вой бўлишини билиб туриб ҳам ўзини шу йўлдан тўхтата олмайдиган иродаси бўш кимсаларга жуда ўрناق бўлгулик. Муаллиф қаҳрамон руҳий ҳолатини ифодалаб шундай ёзади: “Тириклик озодлик билан мукамалдир. Агар инсон озод

бўлмаса, у ярим тирикдир. Ойлар давомида иркити чиқиб кетган тўшақда елкаларига сим каравот ботганча шифтга термулиб ётган Шариф бу ҳақиқатга минг карра амин бўлди. Ким билсин, балки инсон маълум бир ҳақиқатларни англаши учун ўша ҳақиқатни яшаб ўтиши керакдир. Балки яратган Зот неъматларининг қадрига етиши учун бандасига шу имтиҳонларни йўллаб кўяр. Лекин, нима бўлганда ҳам Шариф ним қоронғу ва зах хонада ётиб тинимсиз ўйлади, мулоҳаза юритди ва оқибатда руҳан юксалгандек бўлди”.

Ёзувчи қандай ҳодисани тасвирламасин, ички руҳий ҳолатлар ҳақида гапирмасин, ёзаётганларига аввало ўзи ишониши керак, ана шунда китобхон ишонади. Тасвирланаётган воқеаларга мис руҳий ҳолатни бериш ёзардан маҳорат талаб қилади. Шу маънода қиссадаги ёш Шарифнинг бегона киши билан ўйин тушган сулув янгасини чақириб чиқиб кетиши, унинг бирор нима дея олмай йиғлаши самимий берилган.

Шарифнинг онаси Хайрия кампир оилавий аҳволи қанчалик оғир бўлмасин, ўғлининг бебилиска пул топишдан шубҳаланади ва у олиб келган кўйлақлик материалларни елкасига ташлаб ҳам кўрмайди. Айни пайтда ўғлини шаҳарга юбормасликка ҳаракат қилади, қайниси Бердиқулни ишга солади, аммо Шариф ўз билганидан қолмайди. Шарифнинг тақдирида онани норизо қилган фарзанднинг иши юришмайди деган фалсафий хулоса бордек. Шарифнинг хатосини ҳаёт тўғрилайди, бироқ энди кеч эди.

“Ушалмаган орзулар” қиссасидаги Лазизнинг умр йўли ҳам Шарифникига ўхшаш. Фақат Шариф билиб туриб дунё илинжида ёмон йўлга кирса, Лазиз ўзини ҳимоя қиламан деб одам ўлдириб кўяди. Лекин улардаги ирода заифлиги хатоларини билиб турса ҳам тузатишга, тузалишга ҳаракат қилмайдилар.

Таниқли ёзувчи Собир Ўнар Саидвафо Бобоев қиссалари ҳақида фикр билдириб, “тақдирлар ижодкори” деганда С. Бобоевдаги характер яратиш маҳоратини назарда тутгани, шубҳасиз. “Номус тутқуни” даги Карим пачоқ, Ҳайдар, Умар, Ойгул, Гулбибиларнинг ҳар бири бир олам. “Қисмат жумбоғи”даги Толиб, Гулсеварлар, Фахриддин акаларнинг ўзи бир дунё. Муҳими бу қахрамонлар эсда қоларли. Ўқувчи уларнинг тақдирига бефарқ қараб туролмайди, кимгадир ачинса, кимнингдир қилмишларидан жирканади. Асарнинг ўқишли қилган тортиш кучи ҳам образларнинг таъсирли ифодаланишида бўлса керак.

Қисса ва ҳикоялар ёзиб қаламини чархлай борган Саидвафо Бобоев катта жанрда ҳам ўзини синаб, “Қонли қилич” романини ёзди. Романнынг ўзига хос жиҳатларидан бири ўтмиш воқеаларининг ҳозирда бўлаётган ҳодисалар билан параллел тасвирланишидир. Бухоро амири Субҳонқулихон учун ясалган қилич асосий детал қилиб олинган. Мана шу қилич қисмати бир инсон тақдиридек тасвирлана боради. Саргузашт, сеҳрли воқеалар тасвир унсурлари бўртиб турган романда ёзувчи реалистик ва детектив услубни омухта қилган ҳолда сюжет тизимини яратади. Бундай йўл асарнинг ўқишли чиқишини таминлаш баробарида ёзувчига катта масъулият ҳам юклайди. Шунинг учунми баъзи ўринларда тажриба етишмаслиги сезилиб қолган.

Асарда эсда қоларли образлар анчагина. Ўз отасидан ҳам шубҳаланадиган Хонимқул мелисанинг Муродали билан суҳбатдаги “Замон шунақа, ука, замон! Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дейишади. Шубҳаланмасак бўлмайди. Ўзимиздан шубҳаланиб кўйишади”, деган сўзлари унинг кимлиги ҳақида тасаввур бериши мумкин. Бухоро амири Убайдуллахон образи ҳам ёрқин яратилган, характер даражасига кўтарилган. Укаси Абдулфайзхон томонидан занжирбанд қилинган Убайдуллахон ўзини мардона тутишга ҳаракат қилгандаги руҳий ҳолат шундай берилади: “Нима бўлса-да, шу юрт, шу мамлакатга неча йиллар давомида хонлик қилди. Мана шундай одам энди мана ви ялоқиларга бўйин эгмаслиги керак. Хон бўлиб яшади, хондайин ўлиши керак”.

“...Тиз чўкиб яшамаган... ўлса ҳам тик ўладиган” хон шу абгор ҳолатида ҳам юрт келажаги, авлоди аштархонийларга қайғураётгани таъсирли берилади романда. Шу тарзда қизиқарли воқеалар тасвирлана боради ва асар сўнгида ёзувчи кўнглидаги гап чиқади: “Орадан роса уч юз йил ўтиб, қилич ўз вазифасини бажариб бўлган эди. Биргина қилич, биргина қурол шунча инсоннинг ҳаётига зомин бўлди, қанчалар тақдирларни ҳал қилди, қанчалар одамларни хор-зорликка маҳкум этди. Буларнинг барчаси оддий биргина қуролнинг иши эди. Оддий бир қиличнинг.

...Аслида ҳаммасини қиличдан эмас, инсон кўнглидан, унинг тубан хоҳишларидан қидириш керак”. Ўткир сюжетли бу роман муаллифнинг катта жанрда ҳам муваффақиятли қалам тебратта олишининг мисоли бўла олади.

Ҳаётда тажрибамиз ортгани сайин биз дунёга бошқача кўз билан қарай бошлаймиз. Аввалги воқеа-ҳодисалардан фалсафий хулосалар чиқаришга мойиллигимиз ортади. Саидвафо Бобоевнинг “Мен англаган ҳақиқатлар” китоби бунинг яхши намунаси. Ёзувчи қисқа, лўнда фикрларда англаб етган ва маъқул кўрган қарашлари билан ўртоқлашади. Қуйидаги, “Ҳайратнинг кўзида” қатрасидан олинган парчада болалик билан улғайган киши ўртасидаги фарқ жуда самимий берилган: “...болалигим поёнига етган куни мен ҳайратимни ҳам йўқотиб қўйдим. Энди ҳамма нарса одатий эди. Менинг сойим кичрайиб қолгандек, дарахларимнинг бўйи ҳам кичрайиб қолганга ўхшарди”. “Осмонга тупурма”, “Қафасдаги эрк”, “Меҳр билан қаҳр ораси”, “Она дуоси”, “Кулгу – мўъжиза”, “Тақдир ҳазили” каби қатралардаги фикрлар кишини ўйловга мажбур қилади, ҳаётга теранроқ қарашга ундайди. Кечиримли бўлиш, атрофидагиларга меҳрибон, дилозор бўлмаслик кишидан кўп нарса талаб қилмайди, лекин шуни ҳам ҳаётда эпловмаганлар қанча.

Машҳур немис ёзувчиси Ҳерман Хессе китоб мутлааси ҳақида шундай гўзал фикрларни билдирганди: “Китоблар инсонни ҳаётга йўллагандагина, унга хизмат қилгандагина фойдалидир. Агар китоб ўқувчига оз бўлса-да куч-ғайрат, шижоат, маънавий поклик бахш этмаса, мутлааа учун сарф этилган ҳар бир соат беҳуда ва бесамар бўлиб қолаверади”. Ёзувчи сифатида тажриба орттирган Саидвафо Бобоевга келажақда янада бадий пухта асарлар ёзишига тилақдош бўлиб, устозлар ўғитини унутмасликни истаб қоламиз.



Эмили КАРЛ

«ЯШАШГА ҲАҚҚИНГИЗ БОР»

Ҳикоя

– Яхши қиз?

– ...

– Яхши қиз, Лионга боряпсизми?

Мен қаршимда ўтириб гапга тортишга тиришаётган одамга қарадим. У чамаси қирқ ёшни қоралаб қолган одам бўлиб, жаноблардек яхши кийинган, аммо кўримсизгина эди. Андак оқ оралаган сарғиш сочларига кўзим тушди, нигоҳларида истехзо бордек. "Кўча-кўйда безорилик қиладиган шилқимлардан бири бўлса керак" деб ўйладим ўзимча.

Шуни алоҳида айтиш керакки, ўша вақтда мен тушкун кайфиятда бўлиб, руҳий касалликлар шифохонасидан қайтаётган эдим ва у ерга боришим биланоқ кўрган воқеалардан ҳали ҳам ўзимга келолмагандим. Бир хил хоналарга киришингиз билан ҳар хил беморларни учратишингиз мумкин. Атрофдаги кишилар аянчли аҳволда эди. Бақир-чақирлар мени бутунлай ларзага келтириб юборди, у ерда турли хил касалларни учратиш мумкин, лекин ҳеч қайсисида инсонийлик ҳисси кўринмас эди. Ҳамма касаллар: жиннилар, хаёлпарастлар, руҳан эзилганлар, тутқаноққа чалинганлар – ҳаммаси бу ерда жамул-жам бўлиб, тинмай бақиривар, дод-вой солишар эди... Шифохонадан қайтарканман, ўзимга ўзим ҳали соппа-соғман, деб такрорладим ҳарнечук улардек бўлишимга нимадир етишмаслиги менга яққол сезилиб турарди.

Опамнинг пешонаси шўр экан. У бошқа касаллар билан бир хонада турарди. Мени зўрға таниди. Олиб борган егуликларни сумкамдан олаётганимда у умуман ҳаракатсиз турди, сўнгра бир неча узук-юлуқ сўз айтди, холос. У бепарво, ҳеч нарсани пайқамгандай, ўз бошига ғудранарди. Опамни олиб кетиш учун қилган барча саъй-ҳаракатларим зое кетди. Отам, болалари ва Вал де Пре ҳақида айтилган янгиликлар уни зиғирча ҳам қизиқтирмади... Унда умуман келажакка ишонч ҳисси йўқ эди.

Шифокор опамнинг аҳволи ҳақида ижобий фикр билдирганди. Опангизни вақтида олиб келмагансиз, яхши қиз, одатда бу касаллик ҳозирги кўринишидан енгилроқ кечарди, ҳозир у анча хотиржам ва эс-ху-

шини йиғиб олган... Опангиз тезда оёққа туриб кетиши учун бор имкониятни қўллаймиз" – деди. У менга бор ҳақиқатни айтдимикан? Ҳар ҳолда у ҳақда бирон нарса дейиш қийин, унинг гаплари тўлиқ ишонч ҳосил қилишга етарли эмасди.

– Яхши қиз?

Купедаги қаршимда ўтирган нотаниш одам менинг жавоб беришимни кутарди. Унга эътибор қилмасдан жомадонларимни йиғиштирдим ва ўрнимни алмаштирдим.

Эндигина бошқа купега жойлашаётганимда, ўша одам орқамдан эргашиб келди ва менга қараб жилмайиб, ишонч билан мулозамат кўрсатмоқчи бўлди. Аччиқландим. Ахир кўчада қолган аёл эмасман-ку?!

– Феълингиз жуда қизиқ экан, нега эргашиб юрибсиз? Биласиз, агар сиз билан гаплашишни хоҳлаганимда купеда қолган бўлардим... Мен эса чиқиб кетдим, демак, ёлғиз қолмоқчиман.

– Қаранг-а, – деди у, – ёқимли ва мулойим овозда. – Узр, билмабман. Сиз табиатан шундай ўжарсиз шекилли?

Суҳбат аввалида унинг гапини бўлишга уришиб кўрдим. Бироқ у кулимсираб деди:

– Эҳтимол, сиз Марселда севикли ёрингизни ташлаб кетаётгандирсиз?

– Севимли ёрим! Севги-муҳаббатнинг мен учун ҳали мавриди эмас, – маънос жилмайиб кўйдим. – Марселдаги севгилим эмиш... Агар қаердан келаётганимни билганингизда, ҳатто ҳазиллашишга ҳам юрагингиз дов бермасди.

У қаршимга ўтирганича мендан кўз узмасди. Унинг нигоҳида ажиб бир туйғу пинҳон эди ва мендан сўради:

– Хўп, яхши қиз, менга айтинг-чи, қаердан келяпсиз ўзи?

– Шифохонадан. Опамни кўриб келяпман. Унинг бахтсизлигини тасаввур ҳам қилолмайсиз. Опам ҳатто йигирма тўрт ёшга ҳам тўлгани йўқ. Касаллигини тасвирлашга тил ожиз, эси кирди-чиқди.

Мен бир оз жим қолдим. Бу тўсатдан менга келган ҳиссиёт эдики, ўз шахсий ҳаётимни бир нотаниш

кимсага айтиб беришимга бир баҳя қолди... “Барибери эмасми” – дедим ўзимча ва гапимда давом этдим:

– Бунга чидаш мен учун жуда қийин, опамнинг иккита ёш боласи бор, боқиб менинг гарданамда, етмиш беш ёшни қаршилаган отам ҳам ошимга ҳамтовоқ.

– Уларга ёлғиз ўзингиз қарайсизми?

– Бўлмасам-чи, мен Лозе лицейида дарс берман, имкон туғилди дегунча, ҳар куни ўттиз чақирим нарида жойлашган уйга югураман... Отамнинг қиладиган иши фақат мени кутиш, уни болалар билан ёлғиз ташлаб кетолмайман. Ҳозир уйда отам неваралари билан ёлғиз қолган, билсангиз агар. Бор-йўғи оиламиз шулардан иборат...

– Бошқалар-чи ?

– Яъни?..

– Ҳартугул ука-сингилларингиз бўлса керак?

– Ҳа, албатта, лекин...

Бу сафар унга оилавий ҳаётимни айтиб беришдан ўзимни тўхтата олмадим; нотаниш бу одам гапларимга ишона бошлади... У мени бутунлай жинни қилиб қўйганлигидан шундай дейиш мумкин эдики, мен тинмай гапиришни, ўзимни овутишни хоҳлардим. “Шундай қилиб ўша одам гапларимни уқиб олади ва шу билан суҳбатимиз ҳам тугайди”, – деб ўйладим. Оилавий ҳаётимни тасвирлаб беришни тугатар эканман, у менга деди:

– Тушунарли... Шифохонада даволанаётган опангиз бор, қолаверса, икки фарзандига, кекса отангизга сиз қарайсиз, ҳаёт шундан иборат деб ўйлаясизми? Ҳеч нарсага ҳаққим йўқ дегандай бўлдингиз, шундайми? Бироқ ақл бовар қилмайди! Тушунишим бўйича, отангиз етмиш беш ёшда, лекин ҳали соғлиғи жойида... Сиз унинг ўлишини хоҳлайсизми? Аммо яхши қиз, ўз отаси бўлишлик қандай ажойиб, тез соғаяётган опангиз ва иккита фарзанди ҳам яшашга умидвор... Мен сизнинг ҳаётдан воз кечишингизга қаршиман... Сиз фақат ўз фикр-тушунчангиз билан дунёга қараяпсиз, сиз ҳали ёш ва жуда чиройлисиз, ҳаётни энди кўряпсиз. Сиз айтаётган эркин бўлишлик фақат куч билан бўлмайди... сиз фақат шундай деб ўйлайсиз. Мен сизга айтмоқчи бўлганим, яшашга ҳаққингиз бор!

У бир оз жим қолди, мен эса юрагим тез ура бошлаганини ҳис қилдим... Бу одамнинг айтган гаплари ҳақиқат эди, у менда шундай бир куч уйғотдики, уни йиллар давомида жиловлаб тургандим. У гапининг сўнгида шундай деди:

– Сизнинг ёшингизда ҳаётнинг бу ҳақиқий мевасини ўзига мавҳум деб тушуниш ўзингиз ва оилангиз учун ҳам жиноятдек туюлади... Фараз қилинг, отангизга қилаётган совғангиз захарланган ва охирида шун-

дай дейишингиз керак, – “Ҳаётимни сен учун қурбон қилдим”. Бу қандай кўргулик ахир! Йўқ, сиз бошқаларга ҳам ёрдам қилинг, айна вақтда ўзингизни ҳам ўйланг, шунда яхши бўлади... Шундагина сиз қилишингиз лозим бўлган ҳар бир иш учун ўзингизда катта куч сезасиз.

Бу одам, унинг гаплари, эътибори, мулоимлиги ва гапларининг ҳаққонийлиги менда етишмай турган шижоатни уйғотди. Бир неча ойлар, йиллардан буён мен бор кучимни Мари Роз ва отам учун бахшида этиб яшадим. Мен худди бу дунёда унутилгандек эдим, бироқ ҳар қалай “яхши сингил” бўлган эсамда, ўзим ҳаққимда қайғуришни унутгандим. Баъзида ўзимча ўйланиб қолардим: “Эмили, сен ёшлиқдан баҳраманд бўлмадинг, фақат ғам-қайғу ва ишни биласан, холос”... Ҳаётимниг хотимасига фақат бир қадам қолган бўлсада, энди мен ҳаётга бардам кириб бордим. Тўсатдан, Марсел ва Бриансон темир йўл купесидида бир нотаниш киши пайдо бўлди ва у менга шундай бир нур ҳадя этдики, у ҳеч қачон сўнмайди деб ўйлайман ва у менга гапиришда давом этаркан, унинг ким эканлигини, нима иш қилишини, фикрларини ва дунёқарашини билишга уриндим. Мен уни сўроққа тутишим мумкин эди, бироқ кўрқаним учун унга савол беришга ҳам журъат эта олмадим. Ўзимча дедим: “Бу ким бўлса ҳам, менга аҳамиятсиз... Очиғи у жуда маданиятли ва дилга яқин одам эди”.


Ана шу пайтда у менга исми Жон Карл, оддий ишчи, безакчи рассом эканлигини айтди, лекин унга ишонгим келмади. У юриш-туришидан умуман оддий ишчига ўхшамас, кўринишидан ҳаётни чуқур англаган ва анча юқори маданиятли кишига ўхшарди.

Вейн шахрига келганимизда йўлимиз айрилди. У Лионга онасини кўргани кетди, мен бўлсам, ишим, отам ва жиянларим кутаётган Бриансон томон йўл олдим. Жўнаб кетишимиздан олдин хат ёзишиб туришга келишиб олдик:

– Сиз мени қизиқтираётган тоғларнинг расмини жўнатинг, қолаверса, мана шу расмлар сиз яшаётган жой ҳақида менга хабар беради.

Шунинг билан қисқагина суҳбатимиз ниҳоясига етди. Она юртимга олиб бораётган автобусда ўша одамнинг ҳамма гапларини қайта ўйлардим. Гапларининг ҳаққонийлиги менга янада равшанроқ туюлар, аммо бу ерда бошқа нарса бўлиб, у менинг ҳаётимга тўсатдан кириб қолган ва зимистонликни ёритиб турган нурга ўхшарди.

Француз тилидан Самарқанд Чет тиллар институти магистри Жаҳонгир САНАҚУЛОВ таржимаси



Шукур ҚУРБОН

Кино тасмасидай чарх урар ҳаёт

ТУНГИ НАВБАТЧИЛИК

Бу бир шифоҳона,
Бу йигит – талаба, шифоҳонада
Навбатчилик қилар дарсдан сўнг, тунда.
Эртасига эса кун бўйи
Яшайди у ҳасратда, мунгда.

Ўртасида қолган у икки ўтнинг:
Ёш бўла туриб,
Соғ бўла туриб,
Севган қизи бўла туриб – дилрабо,
Уйлангиси келмас йигитнинг.

Кўзнинг хотираси бўлмаса қани,
Унутарди кўрганларини.
Қулоқнинг ҳам хотираси бор,
Эшитганин чиқармас ёддан.

Наҳот, шунча тубанликка боради одам,
Сотар нафсга номус, орин.
Сўнг алдайди
Бўлажасак ёрин?

Завқларини булғаб кўмирга,
Қандай яшар кейин у билан бирга?
Алдаб бўлмас, ахир, бир умр,
Бир кун ошкор бўлади-ку сир?

Қингир ишининг қийиғи... деган гап бор-ку!
Қингир ишни қилганлар охирда хор-ку!



Қимматбаҳо мошинларида
Бойваччалар олиб келишар –
Бунда мўмай пул эвазига
Шифокорлар жувонларни қабул қилишар
Ва жарроҳлик йўли ила
Бокирага айлантиришар,
Келинликка шайлантиришар...
Маҳбубаларин...

Ойни этак билан ёпмоқ бўлишар,
Бадбўй уфуради бу ерда риё.
Керакли, кераксиз қулишар,
Бўлажасак куёвларни мазах қилишар.

Худонинг-да қаҳридан кўрқмас,
Жаҳаннамнинг қаъридан кўрқмас –
Шифокор ҳам,
Бойваччалар ҳам...

Ҳаммасидан талаба бўлади огоҳ
Ҳамда руҳан сўлади шу чоқ.

УКА

Ҳеч ким ўргатмаган, ҳеч ким айтмаган,
Йигинга опангни кўриқлаб бор деб.
Қалб буюрганидан ука қайтмаган,
Кечган оромидан гурур деб, ор деб.

Ота-она руҳсат берганин билар,
“Яна нима керак сенга, эй аҳмоқ!..
Собиқ синфдош қизлар халос йигилар”...
Опасин кўриқлаб бораверар, боқ!

Киз бор жойда кўз бор – қаровчи унга,
Сўз бор отилгувчи – олддан, орқадан.
Гарчанд димоқ-фироқ қилинар бунга,
Аммо баъзиларга мойдай ёқади.

Опасидан аввал олар кийиниб,
Борар – хоҳлайдимми-йўқми, эргашиб.
Опани тинч қўйиши шунча қийинми?..
Ўлтирар даврада фигони ошиб.

Кўчада, йиғиндан, кўздан панада
Кизир ҳангомаси укаларнинг ҳам.
Кизлар даврасидан завқда, маънода
Ортиқ бўлса борки, эмас зарра кам.



“КИЧКИНА ТАБИБ”

Шу номли фильмдан сўнг

“Бу уйда нималар бўляпти ўзи?
Нимага бу уйда фаришталар йўқ?”
Янграйди кичкина табибнинг сўзи,
Зулматликлар аро бамисоли ўқ.

Санчилар у Маишраб ака кўксига,
Негаки, у барча гандан хабардор.
Сўзлар огзигамас, чиқар кўзига,
Қайтади қалбига ва беихтиёр.

Қасам ичган, ахир, ёмон бир қасам
Ки маъноси заҳар-заққум сингари.
Қабохатни кўриб, жим турган одам –
Яхшиликдан нари, юракдан нари.

Бу уй осмонига кичкина табиб,
Кўёш сўрар, булут сўрар Худодан.
Балки у кўринар бир тентак каби,
Тентаклар ичида донишманд зотан.

Ҳаром бойлик йиғиб, ҳаром еганлар
Рўшнолик кўрганми охир-оқибат?
Яланғоч қолмасми ҳаром кийганлар?
Қуламасми бир кун ҳаром иморат?

Бу бир уй, яхшиям мамлакат эмас,
Ватан шундоқ бўлса, айтинг, нетардик?

Маишраб ака томга чиқиб йиғлар, бас,
Биз-чи? Қайга чиқиб, фарёд этардик?

Кино тасмасидай чарх урар ҳаёт
Гоҳида бизларни адаштирар, ҳай!
Кичкина табиб, бу – келажак авлод,
Қачонгача яшар бизни тушунмай.

Ва тушунмагани учун қақшар зор,
Ва шундай бегуноҳ ва шундай маъсум.
Кўргиси келмайди катталарни хор,
Болаларни эса, дардманд ва маҳзун.

Ва дейман бари бир ўзим-ўзимга:
Бир Маишраб аканинг эмас, ҳамманинг –
Сенинг ҳам, менинг ҳам яғир кўксимга
Ўша ўқ муттасил санчилса қани!

Ва ўйласак қани биз ҳам гоҳида
Бошқа таишишлардан, гамлардан ортиб.
Фаришталар ҳақда, иймон ҳақида
Ва гафлат лойига қолмасак ботиб.

БОЗОР ВА СЕВИШГАНЛАР

– Нима бор бозорда севишганларга?
– Тадбиркорлар, бозорда дўкони бор-да.
– Севишганлар – тадбиркор, демак!
– Лекин улар дўконига харидор кирмас.
Кирса ҳам булар кўрмас,
Эшитишмас, пайқашмас ҳатто.
Сўзлашади бир-бири билан –
Дўконда йўқ нарса ҳақида,
Бозорда йўқ нарса ҳақида,
Ишқ ҳақида сўзлашар улар
Ва сўзлари бўлмайди адо...
Билинмас вақт ўтгани ҳатто
Ёпилади бозор, ёпилмас
Дўкони севишган тадбиркорларнинг.



ШОИРНИНГ ЭНГ КАТТА УНВОНИ

Шоирнинг энг катта унвони – ёзиш,
Худо берган бўлса гар буни – соз иш.
Ҳақиқатни куйлаш бандалар аро
Шеър аҳлининг юксак қисмига хос иш.



Гулҳаё УЗОҚОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси
талабаси

РЕП ҲАҚИДА ГАП

Ярим асрдан зиёд тараққиёт йўлини босиб ўтган ўзбек эстрада қўшиқчилиги бугунги кунга келиб шоубизнес оламига айланиб қолди. У бугун сон-соноқсиз ёш қўшиқчиларни ўзига жалб этган. Оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радио дастурлари орқали эфирга узатилаётган қўшиқларнинг салмоқли қисмини эстрада жанри эгаллаб турганлиги фикримиз далилдир. Ҳатто Наврўз, Мустақиллик каби умум халқ байрамларини, халқимиз тўю томошаларини, турли маросимларни эстрада қўшиқларисиз тасаввур этиш мушкул. Демак, биз хоҳласак-хоҳламасак эстрада мусиқасининг оҳанглари-ю усуллари, йўналиш-у услублари онгимизни забт этиб, руҳиятимиз, маънавий дунёмизга кириб бораверади. Бутун жаҳон маданиятининг таъсири натижаси ўлароқ Ўзбекистонга ҳам эстрада мусиқанинг кўплаб услуб ва йўналишлари кириб келди. Жумладан: жаз, поп, рок, диско, техно ва хип-хоп кабиларни санаб ўтишимиз мумкин. Шунингдек, бугунги кунда ёшларимизнинг репга бўлган қизиқишлари тобора ортиб бораётганлиги кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Бироқ, тингловчилар орасида ёки мутахассислар даврасида ушбу эстрада мусиқасининг йўналишларига бўлган муносабатларини кўриб ҳар кимда ҳам турли фикрлар туғилиши бегумондир. Шу бизга керакми? Ундан манавий озуқа, эстетик завқ олиш мумкинми? Қолаверса, бизнинг менталитетимизга тўғри келадими? Шу каби саволлар кўпчиликни ўйлантиради. Ва ушбу жанрларнинг негизида қандай фалсафа яширинганлиги борасида қизиқиб қоласиз.

RAP – бу “Rhythmical African poetry”, яъни “Ритмлик Африка поэзияси (шеърияти)” сўзларининг қисқартма шакли. Rap (реп) – инглизчада “таққиллатмоқ”, “урмоқ”, “зарба бермоқ” каби луғавий маъноларни билдиради. Одатда реп речитатив тарзда оғир ритмга асосланган мусиқа остида ўқиладиган шеърӣ ҳикоя ва тарихан афро-америка анъанавий маданиятининг бир кўриниши сифатида пайдо бўлган. Бироқ қадимдан

реп ва у сингари айтимлар нафақат қора танлилар фольклорида, балки ҳар қандай халқ анъанавий маданиятида у ёки бу шаклда мавжуд бўлганлиги ҳам маълум. Фикримиз далили сифатида қуйида қисқача тарихий маълумотларни келтириб ўтамиз.

Испомгача бўлган араб дунёси бозорларида репга ўхшаш жанр кенг тарқалади. Ҳар бир кўчманчи араб қабиласидан бир шоир-нотик (ритор) даврага чиқиб, бошқа қабилаларга қарата бадиҳагўйлик билан очикойдин ҳақоратли айтимни бошлайди. Ўз навбатида бошқа қабилалардан чиққан шоир-нотиклар ҳам унга ўз жавобларини айтишади. Одатда бундай “айтишув”лар оммавий жанжаллар билан якун топган.

“Ямб” деб аталувчи худди шундай мусобақа қадимги Юнонистонда Дионис ва Деметриллар шарафига бағишланган байрамларда ҳам уюштирилган. Қадимги скандинавия анъанасида мазкур мусобақалар “манжафбр” (эркаклар олишуви) сифатида машҳур бўлиб, асосан у святки (рождество) кунларида ўтказиладиган ўйин ҳисобланади.

Аввалдан афро-америкаликлар ўртасида репга ўхшаш мусобақалар бўлганлиги ҳақида баъзи (чала-чулпа) маълумотлар учраса-да, реп ва унинг (“Dozens” (ўн иккилар), “Signifying” (изҳор қилмоқ), “Talking shits” (кемалар суҳбати) каби шакллари ҳақидаги илк илмий тавсифлар 30-йилларда Гарлем ва Жанубий Бронксда бўлган. Ўсмирлар муайян қатъий каноник қоидалар асосида тузилган 3 та тўртлик шеър матнини (“дюжин” – 12 лар, реп шакли шундан келиб чиққан) навбатма-навбат айтиб, имкон қадар аниқ ва ритмик импровизация қилиш борасида беллашадилар. Икки рақиб, кескин ўзгарувчан ритм асосида тўртлик алмашадилар. Улардан бирининг (риторика) – нутқи бошқасидан афзал чиққунга қадар давом этади. Репнинг асосий мақсади рақибни ҳақоратлаб ерга уриш бўлган.

1. “Дюжинс” – репнинг махсус шаклларида бўлиб, унда дастлабки тўртлик мақтанчоқликка асосланиб,

бадиҳагўй-муаллифни ўз обрўсини кучли даражада орттириб кўрсатишга қаратилган бўлади. Шундан сўнг рақиб томондан ҳам бунинг сўзларидан кулимсираб нафратланиб айтилган (мендек моҳир репчига қарши чиқишга қандай журъат қилдинг деган маънодаги) жавоби янграйди. Кейинги тўртлиги маҳалла ҳаётидаги воқеалар, турли ғоялар ва умуман янги туғилган фикрлар асосида қурилади. Бу жараён соатлаб давом этиши мумкин ва агар ғолиб аниқланмаса, унда қатнашувчи ва ишқибоз-мухлисларнинг ўзаро уриш-жанжали билан якун топади.

2. “Сигнифйинг” (бошқа бир шакли) – дюжиндан чекланмаган бадиҳагўйлиги билан фарқланади. У ритмнинг мақсадли бузилиши ва синкопаланиши асосида бўлиб, охири дастлабки ритмга қайтилади. “Сигнифйинг” рус тез айтишларига яқиндир. У ўз навбатида 10 сатрдан иборат матннинг ягона қофияга асосланганлиги билан мукамал ҳисобланади. Бу жанрлар аста-секин Нью-Йорк дискотекаларида ривожланади.

Айтиш жоизки, реп даврлар оша ривожланиб халқлар ижрочилик амалиётида ўрнини топди ва ижро анъаналари ҳам тубдан ўзгарди. Жанр сифатида кўшиққа яқинроқ кўринишга келди ва энг муҳими саҳна санъатидан жой олди. Жумладан: “Сугар Хилл Ганг” гуруҳининг “Репперс Делайт” кўшиғи илк реп ёзувларидан биридир. Мазкур кўшиқ дунё миқёсида хит даражага кўтарилди.

Юқорида келтирилган реп мусиқасининг типологи-ясидан кўриниб турибдики, жанрнинг илк шаклланиши ғализроқ бўлса-да, ривожланиш жараёнида мусиқий жанр сифатида ва халқона матнларни ифода этишга мўлжалланган кўринишга келган. Яъни, репнинг сўз-матннинг маъно-мазмуни, мақсади ўзгарган, лекин ундаги шакл, йўл-йўлакай мос келиб қолувчи қофияга асосланган ҳикоя тарзидаги сўз бадиҳагўйлиги сақланиб қолган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўзбек эстрада ижрочилигига турли услублар билан бир қаторда реп йўналиши ҳам кириб келди. Албатта, бу услубнинг намоёндалари сифатида Шоҳрух, Шаҳриёр ва “Радиус 21” номларини тилга оламиз. Мазкур хонандалар ижоди ёшлар томонидан илиқ кутиб олинганлиги ҳам рост. Лекин, назаримизда, ўзбекларнинг менталитети-га тўғри келиши ёки келмаслиги маънавият ва маданиятга таъсири хусусида ҳам ўйлаб кўриш зарур. Чет эл реп ижрочиларининг эгнидаги либоси, тақинчоқлари, соч турмақлари ва ҳатто беҳаё рақс ҳаракатларини ҳам ўзбекларда кўриб ажабланмай қолдик.

Реп кўшиқларининг мазмунига аҳамият берадиган бўлсак, сўз қўллаш санъатининг фожиасига гувоҳ бўламиз:

*Мадорим йўқ шу бугунда бор-у йўғим мана шу
Юрагимда абсолютний бардак, вот так.
Кечагина берилган бу ваъдаларинг
Унутилди дарров, гапирилди просто так.
Яна нима-нима, ҳар гал битта гапингга ишониб
Яшадим ман ахмоқ.
Сани гапинг мана бундоқ:
– Келинг энди илтимос мани кечиринг,
Энди яхши яшайлик.*

Шоҳрух репнинг “Хато” номли бу кўшиғи кўп-чилликка манзур бўлар балки, лекин, ҳақиқатни айтиш лозим. Бу кўшиқ эмас, сафсата, бемаъни валдираш эмасми? Бу бизга керакми? Нима учун? Кўча сўзлари, қолаверса, икки тил (ўзбек ва рус) қоришиб ётибди. Менинг назаримда бундай сўз матнларини санъатда қўллаш шарқ маданияти, шеърляти, сўзамоллигига путур етказишдан бошқа иш эмас. Афсуски, бу йўлдан шиддат билан бораётган ёшларимизнинг сафи талайгина. Жумладан, “Уммон” гуруҳи ҳам бугун кўплаб мухлисларга эга бўлди, ўзининг концерт дастурларини ўтказди. Репертуаридан ўрин олган кўшиқлари сони ҳам ортиб бормоқда. Сифати эса юқорида айтилганидек, холос. Айниқса “Уммон барибир уммон-де”, “Майли кетавер”, “Севавераман”, шу каби бир қатор кўшиқларини эшитиб ёқа ушлайсан киши.

Балки, репнинг ижро услуби мазкур хонандаларга ёқар, лекин, шуни эсдан чиқармаслик лозимки, санъат бедарвоза эмас, истаган киши кириб, ўз ишини қиладиган. Санъатнинг мақсади:

– Маънавиятни юксалтириш, эстетик завқ улашиш ва эзгуликка етаклаш. Ҳар қандай ижодкор бу мақсадни ёддан чиқармаслиги зарур. Санъат халқнинг маънавияти учун хизмат қилиши керак.

Биз ўзбек эстрада ижрочилигида реп услубини умуман инкор этиш мақсадида эмасмиз. Аксинча, ўзбек мусиқасининг негизида ўзбекона одоб, ахлоқ, муносабат ва лутф доимо гўзалликка интилиш, гўзаллик ҳақида қуйлаш, гўзалликнинг жозибасини намоён этиш, ҳаётга завқ бериш ва фаолиятга чорлаш каби мезонлар ётади. Ва бу баркамол авлод тарбиясида муқобил келадиган омиллар сифатида қадрланиб келади.





Мухлиса ҲАМРОЕВА

ШЕЪРТА ОИҒМАТЛАБ МУЙҒУЛАР

* * *

У севди...
бир маротаба севди.
Баридан кечиб севди...
Ҳаётининг якуни аянчли тугашини сезмай севди...
Ҳеч нарсага парво қилмай севди.
Аммо севикли ёр танлашда адашганини кеч англади.
Негаки, севги кўчасига кирганида унинг кўзлари
кўр, қулоғи кар, тили сўзсиз, аҳволи эса девонанинг
аҳволидан фарқланмасди.
Шунда ҳам афсус демади.
Барибир севди. Бир ўзи қолиб кетди ҳам... севди!
Бироқ...
Қўрқди! Йиғлади!
Юрагини излади ўша жойдан.
“Ташлаб кетгандир”, деб ўйлади.
Аммо тополмади. Умидланди.
“Севади”, деб шивирлади.
“Негаки, юрагимни ташлаб кетмабди!
Олиб кетибди ўзи билан” деди.
Ўрнидан туриб келган йўлидан кета бошлади.
Нималарнидир шивирлади.
Севиш учун катта юрак ва жасорат керак. Негаки, ҳар
ким ҳам бу каби телба ҳаётга кўнавермайди.

* * *

У қийинчилик кўрмай яшади. Оғир нима, енгил
нима – билмай яшади. Яшаш шу экан, деб яшади.
Оёғининг тагини кўрмай яшади. Отасининг топганини
совурди. Онасининг йиғиб қўйганларини йўқ қилди.
Чорасиз қолди. Чора тополмагач йиқилди. Бор бўйи
билан йиқилди. Қанча ётди – билмайди.
Бир куни у ўрнидан озод турди. Кўзларига нур
кўрингандай бўлди. Илдам юра бошлади. Эшик ёнига
келиб тўхтади. Аста тақиллатди. Қаттиқ тақиллатди.
Аммо эшик очилмади.

Эрталаб яна ўша таниш эшик ёнига келди.
Тақиллатди. Тақиллатаверди, тақиллатаверди. Гарчи
ичкаридан “ким у?” деган овоз келмаслигина билса-
да, эшикни ҳеч ким очмаслигини англаса-да, барибир
тақиллатаверди.
Яна бир мунаввар тонг отди. У яна ўша эшик ёнига
келди. Энди у эшикни тақиллатмади, ўзи эшикни
шартта очди-ю, ичкарига кирди. Бу – ҳаёт эшиги эди.
У янги ҳаётга қадам қўйди.

* * *

Ёш эдинг.
Ҳеч нарсага ақлинг етмасди. У доим сенинг орқангдан
юрарди. Ҳеч кимга ишонмасди сени. Бўйинга бўй
қўшилиб анча-мунчанинг фарқига етадиган инсон
бўлдинг. Лекин ёнингдаги илиқ меҳр тафтини ҳис
қилмадинг. У сенга қанча меҳр бермасин, сен ундан
тобора узоклашдинг. Меҳринга зор қилдинг уни.
Аммо сен бундан буёғига кўрқиб яша!
Кун келиб, унга шу қадар зор бўласанки, дунё
кўзларинг остида тор бўлади.
Ўзинг учун Онангни асра!
У – ягона.

* * *

Кутасан, кутаверасан, йиллар ўтса ҳам сенга барибир.
Умринг ўтса ҳам бефарқсан.
Юрагинг сезади у қайтмаслигини. Лекин билмайсан-
ки, у аллақачон сенинг вужудинга айланиб кетган.
Сен эса ҳамон уни кутасан.

* * *

Нега инсон ёнидаги меҳрга зор кишилардан бир том-
чи меҳрини қизғанади? Нега у шафқатсиз? Бу тўқис
давр инсоними ёки шаклланган манқуртми?



Юлдуз ФАЙЗИЙ,
Навоий Давлат стипендианти



БАХТ НИМА

Бахт аталмиш тушунча инсонни ҳаётга кўз илғамас ришталар билан боғлаб туради. Бахтиёрлик, дунёнинг некбин инсонларидан бирига айланиш ҳисси эса кўнгилга адоқсиз қувонч бағишлайди. Айниқса, аёл аталмиш хилқат учун бахтнинг ўрни, аҳамияти беқиёс! Зеро, аёл ҳамиша бахтга талпиниб яшайди.

Бахт – азалий мавзу. Оламда бахтли бўлишни истамайдиган инсоннинг ўзи йўқ. Шуниси ҳам борки, бахтга эришишни истайдиганлар қанчалик кўп бўлса, бахт ҳақидаги тасаввурлар ҳам шунчалик хилма-хил...

Лекин биласизми... аёлларга бахтнинг нима эканини сўраб мурожаат қилсангиз, улардан бири-бирига ўхшаш жавобларни оласиз. Зеро, аёл бахти унинг оиласи, фарзандлари, умр йўлдоши ва яқинлари билан боғлиқ.

Бахтга ҳар ким ҳар хил таъриф беради. Унинг кўриниши мана бундай, унинг формуласи мана шу деб айтолмаймиз. Кимдир севиш бахт дейди, кимдир севилиш. Аслида бу ҳиссиётлар инсон қалбининг энг кичик зарралари. Қачонки улар бирлашсагина бахт дунёси бойийди.

Инсон ҳаёти давомида тўла-тўқис бахтли бўла олмайди. Аммо у ана шу тўқис бахтга эришиш учун тиним билмайди. У яна юксакроққа чиқишга интилади. Аслида одамзоднинг ана шу изланиш ва интилишининг ўзи ҳам бир бахтдир.

Баъзан дадам шоир Равшан Файзнинг китобларини варақлаганимда биринчи бўлиб менга бағишланган шеърларини такрор ва такрор ўқийман. Бу фақат менга аталгани учун эмас, балки қисқа бўлса ҳам қимматли хотираларимни эслатгани учун қўлимдан қўймайман. “Нима олиб келасиз, дада?”

“Юлдузнинг саволи” деб аталадиган шу биргина жумла замирида менинг бутун бошли болалигим акс этган. Менинг “Нима олиб келасиз, дада?” деган саволимга шеърнинг охирида “Кўксим тўлдириб тоза ҳаво олиб келаман” деб жавоб берилган. На чораким, энди у кунларга қайтиб бўлмайди. Аммо ўша пайтлардаги бахтиёрлигим ширин хотиралари билан ҳаётимни безатиб туради.

Дунё машҳурларидан бири бахтга шундай таъриф берган: “Ҳеч ким бахтнинг нималигини аниқ билмайди”. Бу хулоса қайсидир жиҳатлари билан бизга таниш. Чиндан ҳам бахтнинг аниқ бир шакли йўқ. Чунки ҳар бир инсон яшар экан, ўз бахтининг ҳудудларини, мезонларини ўзи белгилайди. Таъбир жоиз бўлса, инсон ўз бахтининг кашфиётчисидир.

Шу маънода кимгадир бахт бўлиб кўринган нарса сиз учун ўткинчи туйғу бўлиб туюлиши мумкин.

Хуллас, бу оламда ҳамма ўзича бахтли...

“Интилганга толеъ ёр”, – дейди донишманд халқимиз. Халқ суйган шоирлардан бири эса “Ғойибдан келажак бахт бир афсона” деб ёзади.

Бахт инсон билан бирга туғилмайди. Бу – аксиома...

Инсон ўз бахтини ўзи яратади. Орзулари, ҳаракатлари, меҳнати ва муҳаббати билан дунёга келтиради. Биз ёнимиздаги бахтимизни фақат кетганидан кейин англаймиз. Инсоннинг нодонлиги ҳам шунда. Ким билсин, ҳаётимиздаги бахтни вақтида билиб, унинг қўлидан тутганимизда балки бошқачароқ яшармидик

Ўз бахтини бунёд этиш бобида аёллар анчайин пешқадам, десак хато бўлмас. Негаки, бахт меҳр ва фидойиликка интилади. Аёл қалби эса бу икки туйғунинг асл маскани, манбаидир.



*Тоштемур ТУРДИЕВ,
филология фанлари номзоди*

САМРАЛАРДА ҚУРҶОҶ ҚУРАМИ

Бу инсонни юртимизда кўпчилик билади. Келинг, шундай бўлса-да мен ҳам яна бир бор таништирай: Хушбоқ Раҳим. Сўзи ўткир, диди баланд ижодкорларимиздан. Шеърятга ошуфта юрак. Мамлакатимиз мустақиллиги Хушбоқ Раҳимга ўзига хос илҳом манбаи бўлди. Шоир ўзининг “Сурхондарё” дostonини ёзди.

Дарҳақиқат, Хушбоқ Раҳим дostonини ўқиганлар асар ёзиш учун ижодкор кундалик ҳаёт билан киришиб кетган, сўнгра тарихни, мавжуд фан ютуқларини, фалсафа қонун-қоидаларини яхши ўзлаштирган бўлиши лозим, деган хулосага келади. Юқоридагилардан юзакироқ хабардор киши Хушбоқ Раҳим шеърларининг мазмун-моҳиятини қандай бўлса шундайлигича аглаб етмаслиги мумкин.

*Мустақил дунё ҳам эркин тафаккур
Тарихни туянинг жундай титди.
Қуёш ҳам тожига тирноқдош Хушбоқ
Шону шуҳратингга қасида битди.
Сурхондарё.*

Сурхондарё юракдай ягона курраи заминда қоядай мустаҳкам Ўзбекистоннинг муштарак қисми. Шоир воҳадаги Тешиктош ғори ёки Бойсун ва Боботоғ қиёфасини ва бисотинигина эмас, балки шу ҳудуднинг заррачасини ҳам синчков тафаккури қамровидан қочирмайди. Уни китобдай ўқийди, у билан дардлашади. Заррани коинот билан, бели ва белбоғи билан, Сурхондарё билан бир бутунликда кўради. Юрт, коинот, инсон қадди, бел ва белбоғининг моддий ва мавжуд заррадай тинч ва соғлом бўлишини истади. Чунки энг катта бойлик – тинчлик ва соғломликдир.

*Заррани китобдай ўқидим, бугун
Қаддимда Дунё ҳам ўша мадор, ўқ.
Белбоғ ҳам белимда мулки коинот
Тинчлик ҳам соғликдан катта бойлик ўқ.
Сурхондарё.*

Сурхондарё иқлими ниҳоятда қулай. Йилнинг тўрт фасли қуёшли. Қиш-қировли кунлар кам. Бу ҳудуд

инсоният тамаддунининг дастлабки бешиklarидан бири. Қадимги Бақтрия, Кушонлар давлати ва унинг пойтахти шу ҳудудда жойлашганлигини археологлар аниқлашган. Энг қадимги шаҳарлар ўрни, маҳалла, арки аъло, мудофаа деворлари, жаҳондаги энг қадим қабристон, сопол идишлар, сопол сиёҳдон, омон, турли тақинчоқлар, давлат муҳрлари, жун, пахта, ипак тўқима қолдиқлари, бугдой дони, ғўза чигити, дастлабки металл заводининг ўрни, шиша, пишиқ ғишт, заргарлик ашёлари, нақшинкор ёғоч синиқлари ва бошқа қатор тарихий қадриятлар Сурхондарё ҳудудидаги асрлардан асрлар оша кўкка кўкрак кериб турган тепалар бағридан топилган. Хушбоқ Раҳим дoston орқали китобхонларни мазкур топилдиқларни синчиклаб ўқишга, Сурхондарё тарихи ва бугунини эътибор билан ўрганишга чақиради.

*Хунар кексармайди, кўнғил қаримас
Меҳнатнинг ортидан ютуқлар бари.
Оромий ёзуви, рақам ҳам чизик
Бору бир, баҳру бар китоб, дафтари.
Сурхондарё.*

Шоир “Сурхондарё” сўзини дарё маъносида, моддий, бир жинсли вақт маъносида, табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг энг умумий қонунларини, одам ва олам муносабатларининг ҳаммабоп алоқа ва боғланишларини билиш ва билдириш, таҳлил ва тадқиқ этувчи диалектик метод маъносида ҳам ишлатган. Дарҳақиқат, дарё сувига икки марта тушиб бўлмайди, ўтган вақт изига қайтмайди. Бугунги ютуқнинг қусури эртага кўринади, ижтимоий ҳодисаларнинг қандай юз бериши мавжуд шарт-шароитга, ўринга, вақтга боғлиқ. Уларни бир хил мезон, тошу тарози билан ўлчаш, бир хил бўёқ билан бўяш, бир қолипга жойлаштириш диалектика табиатига зид.

Шу маънода шоир Хушбоқ Раҳим шеърларида давлатлар ва улар ўртасидаги муносабатларнинг шарт-шароит ва замон талабига мувофиқлиги мадҳ этилган.



*Темир йўл, авто йўл, осмонда ҳам йўл
Кундалик ҳақиқат, тарихий юмуш.
Дўстларга сарфланган эзгу фурсатнинг
Урнини босолмас на олтин, кумуш.
Сурхондарё.*

Дўстлик туйғуси қадимий, маънавий қадрият. Жаҳонда зиддиятли, боғланмайдиган, манфаатли муносабатда бўлмайдиган давлат, оила, одам йўқ. Дўстлик, тинчлик, тотувлик, тенг манфаатли муносабат ва бошқаларни бошқаларга кўз-кўз қилувчи, давлатлардан ҳар бирининг расмий рамзлари, жумладан байроғи бор. Мустақил Ўзбекистон байроғи, шоир таъбирича, оддий ранг ва ўлчамдаги мато эмас, балки йигирма етти миллион, ундан-да кўпроқ қалбдан тўқилган туғ. У аждодлар ижоди, авлодлар бахти, ўзбек халқининг ғурури, ғоя ва мафкуриси дунёдай собитдир. Хушбоқ Раҳимнинг кўксини тоғ, дилини боғ, кўнглини чоғ, умри кузини қайта баҳор айлаган, Ватан жам бўлган жамики борлик – Ўзбекистон ва унинг ой ҳам ўн икки юлдузли хаворанг байроғидир.

Инсон олий қадрият. Унинг қадами иш вақти ё бўш вақтидан иборат. Иш вақтида моддий ва маънавий бойликлар яратилади. Инсон бўш вақтининг мазмун даражаси иш вақтида қўлга киритилган соф даромаднинг миқдор ва сифати билан тўғри пропорционал. Бироқ моддий бойликни бировлар билан баҳам кўрсанг камаяди, маънавий бойлик эса, аксинча, кўпаяди. Моддий бойликка жигилдон, маънавий бойликка инсон қалби муҳтож. Амалий ҳаётда томоқ, кийим-кечак ва уй-жойга нисбатан қалб эҳтиёжига жуда кам сарф-харажат қилинади. Бир янги китоб харид қилишдан кўра, бир сих кабога пул сарфлашни хуш кўрадиганлар кўп. Тўй, туғилган кун, синфдошлар ўтириши, қизлар даврасидаги чиқимларнинг оқибати аниқ. Вақтида маърифатга, маънавиятга чанқоқлиги қондирилмаган ўшалар юраги фақат оила ташвиши, майда гап, мишмиш, хурофот ва бошқа чиқиндиларнинг уясига айланади. Шоир Хушбоқ Раҳим кўксидаги сувайдо, унга туну кун тинчлик бермаган ҳақиқат шу.

*Одамлар ўзгарди, қойим коинот
Маъданда кўп эмас, олтиндан озим.
Турмушда тирикдай яшамоқ учун
Мияни чиқитдан тозалаш лозим.
Тингловчи, кўксимда сувайдо, туғун
Ўзингни тушуниб етдингми бугун?!*

Инсоннинг ўзини тушуниши, бир бутун оламнинг оддий бир заррачаси эканлигини англаб етиш осон эмас. Орамизда, афсуски, ҳаётга нима учун келиб, нима учун кетаётганлигини лоақал бир марта ўйлаб кўрмаган басирлар топилади. Инсон қиёфаси бири-биридан нисбатан кам фарқ қилади. Уларнинг ички олами эса бир-биридан чигал, бир-биридан мураккаб-

дир. Ўзини тушунган одам бошқаларни ҳам тушунади. Ўзини ҳурмат қилган бошқаларни ҳам ҳурмат қилади. Ўзининг кимлигига ва нима ишларга қодирлигини англаб яшаган маънавиятли одам бошқалар учун ҳам яшайди.

Хушбоқ Раҳим мустақил, янги ҳаётда ямоқдай ялтираб кўзга ташлангучи камчилик ва қусурларнинг кушандасини замонавий саводхонликда, уни сув мисол ичган мустақил фикрловчи, ижодкорларда кўради. Шоирнинг назарида ўтмиш ёки ўтиш даври теша зарбидан кўкарган тирноққа ўхшайди. Хаста тирноқни янги, соғлом тирноқ суриб чиқаради. Соғлом тирноқ – шоирини ғурурлантирувчи мустақил Ватаннинг авлиё ва алломаларидан кам бўлмаган, билимдон, келажаги порлоқ ўғил-қизларидир.

*Тўқмағиз чигитдай ихчам хулоса
Ушбу дамлар ҳеч бир дами ғам эмас.
Интернетга шўнғиб кетган ҳар болане
Авлиёю алломадан кам эмас.
Сурхондарё.*

Ҳар бир шоирнинг китобхонга ёқтириш ва юқтиришга йўналтирилган ғояси бўлади. Хушбоқ Раҳимдаги бундай ғоя бирлик ва жинслиқдир. Ватан, одамлар ва уларнинг олам билан бир бутунлигидир.

Шоир Хушбоқ Раҳим учун Коинот бир бутун, Қурраи Замин, Ватан ва унинг манфаатлари бир бутун, оила, маҳалла, туман, вилоят, Ўзбекистон бир бутун, миллат, миллийлик, дунёвий фанлар предмети, ислом олами бир бутун, ишлаб чиқарувчи кучларнинг унсурлари бир бутун, мулк шакллари бир бутун, гул бир бутун, гулзор бир бутун, тирик ва нотирек бир бутун.

*Гул мисол ҳаёт ҳам олами кубро
Улардан ажралмас инсон ҳам исми.
Кўзларим гавҳари Ўзбекистон ҳам
Қурраи Заминнинг энг обод қисми.
Сурхондарё.*

Бадийи пишиқ шеър кўнгиллари яйратади, қалбни қувонтиради. Китобхонни сувдан олиб ўтга, ўтдан олиб сувга ташлайди. Шеърдаги дарднинг залвори йиғлаганларни юпатади, ғамдан йироқ басирларни йиғлатади. Омманинг баланд руҳини осмонларга кўтаради, белини янада бақувват қилади. Урвоқ ҳам уммон, гард ҳам гул, зар ҳам заргар вужудидаги ёпик, лекин яширин юлдузларни ошкор айлайди. Шеър – маънавий кашфиёт. Кашфиётнинг сабаби очиқ, аччиқ ва машаққатли меҳнатдир. Оқсоч очун бир кашфиёти учун минглаб марта тажриба, синовини такрорлаган табиатшунос олимларни билади. Яхши шеър ҳам шоирдан ҳеч бўлмаганда ўша кашфиётни қўлга киритган табиатшунос меҳнатини талаб қилади. Мушкул ва машаққатли меҳнатнинг оқибати эса мақтовларга лойиқ.





Фаёзбек РУСТАМОВ,
Тошкент Ахборот технологиялар
университети талабаси

ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимиз иқтисодийтини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини оширишда тадбиркорлик субъектлари, хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари муҳим ўрин тутди. Айтиш мумкинки, кичик бизнес ва тадбиркорлик иқтисодий тараққиёт таянчларидан бирига айланиб бормоқда. Буни ўтган 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланганлигидан ҳам билиш мумкин. Ўтган йилда мамлакатимизда шу муносабат билан қабул қилинган махсус Давлат дастурига кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида жуда катта кўламдаги ишлар амалга оширилди. Янги-янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз иш фаолиятларини бошладилар. Натижада мамлакатимизда минглаб янги ишчи ўринлари яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқарилган рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар мамлакатимиздагина эмас, балки хорижий давлатларда ҳам илиқ кутиб олинди. Булар ўз навбатида иқтисодийтимизни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.

Шуниси қувончлики, республикаимизда тадбиркорликни ривожлантиришга ва унинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга эътибор тобора кучайтирилмоқда. Буни мамлакатимизда тадбиркорларга кенг шароит яратиш учун қонунчилик соҳасида бир нечта ҳужжатлар қабул қилинганлигидан ҳам кўришимиз мумкин. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун, “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори, “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент қарори, “Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони, “Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда рухсатномалар олиш тартибини такомиллаштириш ва соддалаштириш тўғрисида”ги республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа бир қатор ҳужжатлар ана шулар жумласидандир. Бу муҳим ҳужжатлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида тобора эътибор кучайтирилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек “Биринчи навбатда у-

сусий мулкнинг ҳуқуқи ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкда қонуний йўл билан қўлга киритилган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизimini яратишимиз зарур. Ҳар бир тадбиркор, аввало шуни аниқ-равшан билиб олиш керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисиدير. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажминини ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши лозим”.

Мазкур маърузада мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг олти қисмдан иборат концепцияси аниқ белгилаб берилди. Булар давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийтини либераллаштиришни янада чуқурлаштиришдан иборатдир.

Юртбошимизнинг Мустаҳкам оила йили деб ном берилган ушбу йилда оилавий бизнесни ривожлантириш оилалар иқтисодини мустаҳкамлашга хизмат қилляпти. Йилдан-йилга тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз ялпи маҳсулотигаги улуши ошиб бормоқда.

Хуллас, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодийнинг тез ўзгариб турадиган талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларни шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу жиҳатдан олганда амалда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ҳўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлик фаолиятини янада либераллаштириш ва модернизация қилишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Айни вақтда бир қатор қонун лойиҳаларининг тайёрланиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш, уларнинг фаолиятига кўпроқ эркинлик беришни кўзда тутди.

Албатта, бутун жаҳон ҳамжамиятини ҳавас қилса арзиғулик мувафақиятлари билан ҳайратга солаётган давлатимиз қўлга киритаётган бу натижалар замирида халқимизнинг бунёдкорона меҳнати, изланиш, интилиш, фидойийлик намуналари мужассамдир.



Темир ҚУРБОН

ТҮҢКИЛМАГАН ХИКОЯЛАР

АНОРИНГИЗ ШИРИН ЭКАН

Хасисликда Олтин холамнинг олдига тушадиган одам бу оламда топилмаса керак. Узумининг бир шингилини на ўзи ейди, на болаларига раво кўради. Қуришиб олган майизларию қоп-қоп туршакларига, сак-киз йилда бир сонияга бўлсин, сандикдан чиқмаган қанд-курсларига қурт тушиб нобуд бўлса-бўладики, аммо меҳмонга насиб этмайди.

Бўйнига осиб олган калитлар шодасининг ўзи нақ уч кило келса керак. Ахир, қирқ йилдан бери йиққан молу дунёсининг ўзи неча сандиғу қутига жо бўлгандан кейин калитлар ҳам шунга яраша бўлади-да...

Қишда қор сўрасанг, йўқ дейдиган Олтин холани ҳеч ким тавбасига таянтиролмасди. Бир куни кўшни аёллар билан маърақадан қайтаётган Олтин холага шиғил ҳосил солган анорларини кўрсатиб мақташди:

– Хола, шу анорингиз зап ҳосил қилибди-да. Ўзиям роса ширин бўлса керак.

– Қаёқда дейсиз, – деди Олтин хола гап нишаби қаёққа кетаётганини англаб, – ҳосили яхши бўлгани билан нордонлигидан оғизга олиб бўлмайди. Уни егандан кўра қалампир чайнаган маъқул.

Уни “эритиб” бўлмаслигини билган кўшнилари бир-бирларига қараб маъноли кўз қисибди. Олтин хола уйига кириб кетгач, Барнохон кўшниларини ўзиникига бошлади. Унинг бир шумликни ўйлаганини билиб ҳамма унга сўзсиз эргашди.

Барнохон елиб-югуриб дастурхон ёзди. Топган-тутганини ўртага қўйди. Кўшнилари бир пиёладан чой ичгунча, бир этак анор териб келиб дастурхонга тўқди. Кейин қизини Олтин холани чақириб келишга юборди. Ҳеч нарсадан беҳабар Олтин хола кўрпачага ўтирар-ўтирмас кўзи дастурхонда думалаб ётган анорларга тушди. Ҳар бири чақалоқнинг бошидек келадиган анорлардан бирини олди-да, уни ҳафсала билан тўртга бўлди.

Бир хилда терилган туятиш анорнинг ёқут рангига маҳлиё бўлганча, ўтирганларга сўз қотди:

– Мана буни анор деса бўлади, – қўлидаги бўлакни оғзига соларкан, ҳали чайнаб улгурмай сўзида давом

этди: – Мазасини қаранг, мазасини, ўлгур бизларникини оғизга ҳам олиб бўлмайди. Азбаройи аччиқлигидан қалампир ўрнига ишлатса бўлади...

Унинг гапи охирига етмасдан, аёлларнинг шўх кулгуси чоғроққина айвонни зириллатиб юборди.

Барнохон бу анорларни унинг чорбоғидан узиб чиққанидан беҳабар Олтин хола эса уларга ҳайрон боқарди.

МАКТУБ

Чақалоққа қўл ва оёқларидаги бармоқларнинг олти бўлгани учунгина эмас, оиладаги олтинчи фарзанд бўлгани учун ҳам Олтивой деб исм қўйишди. Унинг қош-кўзлари ва юзи акалариникидек келишган бўлса-да, ўзи жуда бесўнақай, девсифат эди. Олтивой бир синфда икки-уч йил ўқигани етмаганидек, бир йилда икки-уч баравар тез улғаярди. У опалари ва акаларига қанчалик ўхшамаса, ўздан кейин туғилганлар ҳам Олтивойга шунчалик ўхшамасди.

У ўн боланинг ичида эртақдаги паҳлавонларга ўхшаш гавдаси ва гулдирок овози билан ажралиб турарди. Устига-устак, Олтивой дудуқ ва чучук тил эди. Шунинг учун ҳам уни оиладагилари иложи борича, ўзларига яқинлаштирмасди.

Олтивой хўтиклигида боқиб катта қилган оқ эшагинигина яхши кўрарди. Бор дарду ҳасратини ҳам фақат унга айтарди. Катта-катта қора кўзларини демаса, ўзи қордек оппоқ эшаги ҳам Олтивойнинг дудуқланиб айтган ҳасрат тўла дostonини тушунгандек шалпангқулоқ бошини бот-бот силкитиб қўярди...

Олтивойнинг иштаҳаси олдида девларники ҳам ҳеч гап эмас эди. Уни тўйдиришининг ўзи бўлмасди. Шунинг учун бўлса керак, ундан уйдагиларнинг ҳаммаси безган эди. Фақатгина амакисининг хотини Ҳанифа опагина Олтивойга юракдан ачинарди. Гоҳ яхши сўзи билан, гоҳ лаззатли овқатлари билан унинг кўнглини овларди...

Олтивой олтинчи синфни бир амаллаб тугатганда унинг тенгдошларини ҳарбий хизматга чақиринишга эди. Бундан кишлоқдагина эмас, туманда ҳам анчаги-

на обрў-эйтиборга эга бўлган отаси номусларга ўлиб бўлди. Таниш-билишларини ишга солиб, тўлиқсиз маълумот ҳақидаги хужжатни олиб берди-ю, уни ҳарбий хизматга жўнатди. Ахир, Соловоровулда ҳарбий хизматга бормаган йигитга қиз беришмасди-да...

Олти ой деганда Олтивойдан биринчи ва охириги мактуб келди. Хатжилдни очиб кўриб ҳамма ҳайрон қолди. Чунки унда бор-йўғи еттита сўз ёзилган эди: “Ҳанифа янгам билан оқ эшагимга алангали салом”.

МАХСУМ

Соловоровул қишлоғида чўпонлар кўп бўлган. Аммо уларни жуда кам кўрардик. Чунки чўпонлар йил-ўн икки ой отарнинг орқасидан даштма-дашт кезиб юришиб, маълум бир вақтлардагина аҳли аёлидан хабар олгани қишлоққа тушишарди. Ўзиям чўпонларнинг қайтиши байрам бўлиб кетарди-да. Қўйлар сўйилиб, катта қозонга шўрва осиларди. Чўпонлар ҳаётдан сўйланадиган ҳикоялар тонг отгунча давом этарди. Бундай суҳбатларда ҳаммадан ҳам неча йилларки, ёлғиз ўзи яшайдиган Махсум бобо мириқарди...

Бу йилги қишлоқда қишлоққа биринчи бўлиб Жумакул полвон тушиб келди. Жумакул полвон чўпонлар ўртасидагина эмас, балки бутун қишлоқ аҳли орасида ҳам ўзига хос обрўга эга эди. Шунинг учун ҳам унинг уйига қишлоқнинг ярми кўчиб келди-ёв.

Бухороча шўрвадан кейин бошланган қизгин гурунг алламаҳалгача давом этди. Алп қоматли Жумакул полвоннинг гоҳ чўпонлар, гоҳ полвонлар ҳаётдан қилган ҳикоялари қанчалик қизиқарли бўлмасин, уйқуни подшо билган ҳамқишлоқлар учун давранинг улуғи бўлган Махсум бободан изн сўрашди.

Ҳамма тарқалиб бўлгач, кенг-мўл меҳмонхонада Жумакул полвон билан Махсум бобо ёлғиз қолишди. “Қиш ўчоғи тор, болам – тур уйинга бор, болам” маталини қунига юз бора такрорлашни хуш кўрадиган Махсум бобо бугун негадир ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эзмаланарди. Чарчоқдан кўзлари юмилиб бораётган полвонга эйтибор ҳам бермасдан минғирлагани-минғирлаган денг.

Охири тоқати тоқ бўлган Жумакул полвон хотинини чақирди.

– Хотин, – деди полвон гумбирлаган товуш билан, – мана шу ерга учта жой сол. Икковимизнинг ўртамиздаги жойни юмшоқроқ қил. Унда Махсум бобо ётади.

Махсум бобо бир жиддий қиёфасини қилт эткизмай турган полвонга, бир унинг гапидан хангу манг бўлиб турган аёлнинг ҳайрат тўла кўзларига қараб, гап нимадалигини дарров тушунди.

– Майли, – деди Махсум бобо инқиллиганча ўрдидан тураркан, – мен энди борай, сизлар ҳам дам олинглар. Ахир, уйга келмаганингизга ҳам анча бўлди...

